

2: 5  
СТ

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

403700

# ФАРФОНА АДИБЛАРИ

Адабий портретлар



«ФАРФОНА» нашриёти

Ушбу китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
Фарғона вилоят бўлими ҳомийлигида чоп этилди.

Такризчилар:

**Умарали НОРМАТОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор.  
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби.

**Турғунбой АБДУКАРИМОВ,**  
филология фанлари номзоди, доцент.

Солижонов Й.

ФАРҒОНА АДИБЛАРИ. Адабий портретлар. \Сўз боши – С. Аҳмад\  
«Фарғона» нашр., –Т., 2005 й. -124 б.

*Ушбу мажмуа ўзбек мумтоз адабиётининг тазкира жанрига хос бўлиб, унда Фарғона ва унинг атрофидаги шаҳар ҳамда туманларида яшаб ижод қилган, адабиётимиз ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшган ва қўшаётган ижодкорлар тўғрисида маълумот берилади.*

*Фарғона адиблари мамлакатимиз адабий жарраёнида ўз овози ва созига эга эканлиги билан ажралиб турадилар. Муаллиф улардан ҳар бирининг ўзига хос ижодий қиёфасини очишга ҳаракат қилган. Китоб адабиётшунослар, аспирантлар, магистрантлар, олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, гуманитар мутахассисликка йўналтирилган лицей ва коллежлар, ўрта таълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчиларига ҳамда кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.*

## СЎЗ БОШИ

Фарғонада кўплаб забардаст адиблар яшаб, ижод қилган. Ўзбекистон халқ шоири Чархий, тўртта роман муаллифи Исҳоқ Содиқов, кулгу устаси Адҳам Ҳамдам, устоз А. Қаҳҳор дуосини олган Анвар Муқимов ва бошқалар республика миқёсида ҳам танилиб қолган эдилар. Мен уларнинг кўпчилигини жуда яхши танийман, улар билан ҳамсуҳбат бўлганман. Ҳатто Чархий домла, А. Ҳамдам, А. Муқимов, Й. Сулаймоновлар ҳақида китобларимда ҳам ёзганман.

Й. Солижоновнинг «Фарғона адиблари» номли китобининг кўлёмасини ўқиб, ўтган 70 йил мобайнида қанчадан қанча ижодкорлар келиб кетганини, адабиётимизда ўзига яраша из қолдирганини, улар ортидан кириб келганлари эса устозларнинг анъаналарига содиқ қолиб ижод қилаётганликларини ҳис этдим. Китобда Фарғонада яшаб ўтган ва яшаётган 30 га яқин Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзоларининг ижодий портрети яратилган. Ҳар бир ёзувчи ва шоир ҳақидаги мақола самимият билан ёзилган. Уларга муаллифнинг алоҳида меҳри, ҳурмати сезилиб турибди. Ўйлайманки, китобни ўқиган ўқувчи ҳам фарғоналик адибларни севиб қолади ва улардан ҳар бирининг ўзбек адабиётидаги ўрнини билиб олади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, адабиётшунос Йўлдош Солижоновнинг «Фарғона адиблари» деб номланган китоби кўпчилик томонидан қизиқиб ўқишлишига ишонаман.

**Саид АҲМАД**  
Ўзбекистон қаҳрамони,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

**Фарғонани дейдилар – Ўзбекистон дурдонаси,  
Қабул қилинг, азиз дўстлар, дурдонанинг бир шодасин...**

## Д Е Б О Ч А

Фарғона водийнинг сарвқомат дилбари, уйкудаги гўзалидир. Одатда уйкудаги гўзал қиёфасига яқиндан тикилиброқ қараш имкони бўлади. Унинг тимқора, толим-толим кокиллари, наштардек киприклари кўз қорачиғини бегона нигоҳдан асраш учун шай, лаблари, ёноқлари ҳаё ва ибо бўёғидан қизарган, кўкси водий тоғлари сингари сокин ва салобатли. Шундай гўзални қайси шоир севмайди, куйламайди дейсиз?!

Фарғоналик бўлмаса-да, уни суйиб-суйиб «Ўзбекистон шамчироғи, олмоси» деб таърифлаган академик шоиримиз Фафур Фулом, «...бу диёрда ойдин кеча ҳам ўз хуснини кўради» деб улуғлаган эҳтиросли санъаткор Ойбек, «Она водий, олтин тупроқ Фарғона»ни:

*Юртимизнинг Эрам боғи-беғубор,*

*Чиройингга кундуз қуёш парвона,*

*Кечалари юлдуз хумор, ой хумор...*

дея куйлаган ошпик Миртемирлар назари тушган бу ўлкадан ўнлаб бақувват ижодкорлар етишиб чикдилар.

Биз ушбу тазкирада Фарғонанинг муқаддас заминиди тугилиб вояга етган юзлаб қалам аҳли орасидан энг сараларини, маҳсулдорини, умумўзбек адабиётига у ёки бу жанрда муносиб ҳисса қўша олган ижодкорларни, асосан, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоларини танлаб олдик. Уларнинг баъзилари бу фоний дунёни тарк этганлар, айримлари 60 ёшдан ошган, аксарияти 30 билан 60 ёш оралиғидаги навқирон авлоддир. Уларнинг барчаси Фарғонада яшаб, ишлаб ижод қиладилар. Шу боисдан ҳам уларнинг ҳар бир асарида она юрти таровати, қуёшининг ҳарорати, тўрт тарафида воқеъ бўлган тоғлар (Бобур) салобати, гуллар ва майсалар ҳиди, нозик табиатли одамларининг диди сезилиб туради.

Китоб Фарғона адабий муҳитини тадқиқ этиш йўлидаги илк

қадамдир. Зеро, биз ижодий қиёфасини чизишга уринган адибларимиз ортидан юзлаб қаламкашлар саф тортиб туришибди. Бугун ушбу тазкирага кирмай қолган умидворлар кейингисига кириши мумкин. Демак, тазкира энди йўлга чиқди ва у сафарини давом эттиради. Ҳўланманки, бундан кейин яратилажак мажмуаларда Фарғона адабий муҳити ва унда яшаб ижод қилаётган адиблар ҳаёти ёки асарларини тадқиқ қилиш билан қизиқувчи биродарлар ушбу китобдан ўзлари излаган маълумотни ололсалар, муаллиф ўзини кўзлаган мақсадига етган деб ҳисоблайди.

Тазкиранинг яратилишида беминнат кўмагини аямаган, адиблар ижоди бўйича маълумотлар тўплашда астойдил ёрдам берган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Фарғона бўлимига, шахсан унинг масъул котиби Энахон Сиддиқовага, қўллаб-қувватлаган ва маслаҳат бериб, ҳар доим илҳомлантириб турган устоз ёзувчимиз Йўлдош Сулаймоновга (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) алоҳида миннатдорчилик билдиришга бурчлиман. Шунингдек, китоб ҳақида билдирилган ҳар қандай фикр-мулоҳазалар учун олинган ташаккуримни илҳор қиламан.

## ТАБАРРУК МАСКАН

Фаргона адабий муҳити ўзбек адабиётининг таркибий қисми бўлиб, у ўзининг узоқ тарихига эга. Бу табаррук тупроқда туғилиб вояга етган олим-у шоирлар халқимиз номини дунёга машҳур қилдилар. Инсоният дунёга келгандан буён гўзалликка, шеърятга, санъатга йўлдош бўлиб яшаётган экан, ўлкамизнинг олтин водийсида истиқомат қилаётган Фаргона аҳли ҳам бу миллий ва тарихий анъанадан четда қолган эмас. Фарғонанинг гуллаб-яшнашида унинг кўнгили мулки ҳисобланган ижодкорлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Маданиятимиз тарихида Қўқон адабий муҳити алоҳида саҳифани ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, Қўқон хони, истеъдодли шоир Амир Умархон даврида (1810-1822) адабиёт ғоят ривожланди. Хон саройидан юзлаб шоир, олим, тарихчи, таржимонлар бошпана топган ва қизғин ижодий иш билан шуғулланган эдилар. Амирий вафотидан сўнг ҳам адабий жараён Нодира ҳамда Увайсий раҳбарлигида қарийб 20 йил, то Бухоро амири Насруллохон Қўқонни босиб олгунга қадар давом этди.

XIX асрнинг 2-ярмидан сўнг Фарғона адабиётида янги саҳифалар очилди. Рус чоризмининг истилоси туфайли икки ёқлама зулм ва миллий, ирқий, диний камситишлар авжга чиққан бўлса-да, рус прогрессив адабиётининг таъсирида демократик руҳдаги оқим дунёга келди. Бу оқим адабиётга янгича мазмун ва янгича шакллар олиб кирди. Муқимий, Фурқат, Завқий, Ибрат, Мавлавий Йўлдош, Хазиний, Ҳамза Ҳакимзода, Муҳаммадшариф Сўфизода, Нодим Намангоний сингари ижодкорлар ана шу оқимнинг байроқдори бўлдилар. Бу ижодкорларнинг сайъи ҳаракати билан ўзбек адабиётининг мундарижасигина эмас, балки шакли ҳам тубдан ўзгарди, бадий адабиёт руҳан ва маънан халққа янада яқинлашди.

Афсуски, Октябрь тўнтаришидан кейин большевиклар партияси адабиёт устидан ҳукмронлик ўрнатишга уринди. Бу ҳукмронлик РКП (б) томонидан чиқарилган «Партиянинг адабиёт соҳасидаги сиёсати тўғрисида» (1925 йил 18 июн), «Адабий-бадий

«ашкилотларни қайта қуриш тўғрисида» (1932 йил 23 апрел)ги махсус қарорлари билан ҳужжатлаштириб ҳам қўйилди. Сиртдан қараганда бу қарорлар ижодкорга эркинлик, адабий жараён ривожига туртки бергандек туйилади. Аслида эса адабиётни тайёр қолипга солди, ижодкорларни бир неча майда тоифаларга бўлиб ташлади.

Дастлабки қарордан сўнг 1926 йил ноябр ойида пойтахт Самарқандда Ўзбекистон пролетар ёзувчиларининг «Қизил қалам» ташкилоти тузилди. Шу йилнинг декабрида эса Туркистонда биринчи бўлиб водийнинг Қўқон, Фарғона, Наманган шаҳарларида «Қизил қалам» бўлимлари ташкил этилди. Бу бўлимларнинг вазифаси асосан «совет платформасида маҳкам турган ёзувчиларни ўз атрофига уюштириш»дан иборат эди. Гарчи эски ёзувчиларни четга сурган, ҳақиқий миллий адабиётимиз намояндаларини миллатчи сифатида инкор қилган бўлса-да, «Қизил қалам» ташкилотининг ушбу бўлимлари бошқа вилоятлардан олдинроқ водийнинг учта шаҳрида очилиши ўша пайтдаёқ Фарғона адабий муҳитининг республика адабий ҳаётида ўзига хос ўрни борлигидан далолат беради.

30-йилларда бу ташкилотлар сиёсий хатога йўл қўйганликда айбланиб тугатилди ва ягона совет ёзувчилари уюшмаси ташкил этилди. 1934 йилнинг март ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон ёзувчиларининг I съезди билан 1939 йил апрелда ўтказилган II съезди оралиғидаги 5 йиллик муддат асосан ташкилий ишларни амалга оширишга сарфланди. II съездда уюшма бошқарувининг раиси лавозимига сайланган Ҳамид Олимжон энди вилоятларда ҳам адабий жараённи ривожлантириш, ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бўлимлар очишни режалаштирди. Бу иш ҳам биринчи бўлиб Қўқонда амалга оширилди. Буни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда эди. Ўзбек халқи сув муаммосини ҳал этиш учун 270 километр узунликдаги Катта Фарғона каналини ҳашар йўли билан қазिशга киришган, ўзбек адабиёти ва санъатининг маркази қурилиш майдонларига кўчган эди. Бу ерда одамларнинг руҳини кўтариш, уларнинг қаҳрамонона меҳнатини тараннум этиш учун ижодкорларнинг бошини қовуштирадиган бўлим тузиш зарурияти туғилди.

1939 йилнинг август ойида Ҳ. Олимжон ташаббуси билан Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасининг Фарғона вилояти бўлими

ташкит этилиб, унинг котиби вазифасига шоир Асқарали Ҳамроев – Чархий тайинланди. Бўлим учун Кўқон шаҳрида алоҳида хона ажратиб, бу ерга телефон ҳам тушириб берилган. Республикамизнинг таниқли ижодкорлари ҳам, Москвадан келган рус қаламкашлари ҳам, маҳаллий ҳаваскорлар ҳам ана шу бўлим тузган талбирлар асосида учрашувлар ўтказган, асарлар яратишган.

Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши туфайли бўлим фаолияти тўхтаб қолди ва ўн йилгача тикланиш, қайта куриш ишлари билан овора бўлинди.

50-йиллар ўрталарида Фарғонада ёзувчилар уюшмаси қайта тикланди. Энди унинг раҳбарлигига Тошкентдан (асли кўқонлик) шоир Темур Фаттоҳ юборилди (1954-56). Кейин унинг ўрнини Сами Абдуқаҳҳор эгаллади. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, уруш қатнашчиси, нисбатан ёш ва ғайратли шоир С. Абдуқаҳҳор икки йил мобайнида самарали ишлади. Талабалар, ўқувчилар орасидан таланти қаламкашларни топди ва рўёбга чиқарди. Й. Сулаймоновнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги пайтда ўз шеърлари, кўшиқлари билан машҳур бўлган шоиримиз Охунжон Ҳақимовни дастлаб С. Абдуқаҳҳор кашф қилган ва унга оқ йўл тилаган эди. У 1958 йилда «Шарқ юлдузи» журнаliga ишга чақириб олингач, бўлимнинг масъул котиблиги вазифасини Жалол Машрабий бажарди.

1960 йилда бўлимга яна Тошкентдан шоир Сайёр масъул котиб қилиб тайинланди. Яхши эсламан, бизлар талаба эдик. Гарчи вилоятда ёзувчилар уюшмасининг ҳақиқий аъзолари бармоқ билан санарли бўлса-да, ижодий муҳит кўтаринки руҳда эди. Вилоят «Коммуна» газетасининг адабиёт (бўлимни шоир ва драматург Ж. Машрабий бошқарарди) хонаси ёш ижодкорларнинг доимий штабига айланиб қолганди. Деярли ҳар ойда гоҳ Фафур Фулом, гоҳ Абдулла Қаҳҳор ёки Саид Аҳмад ва бошқа атоқли адиблар таклиф этилиб, қизиқарли учрашувлар, ижодий мунозара ва муҳокамалар ўтказиларди. Кейин улар билан суратга тушардик. Бу ёшларни гоҳ рағбатлантирар, ижодга меҳрини оширарди. Иқбол Назаров, Малика Мирзаева, Фарида Кўшоқова, Абдурахмон Жураев ва ушбу сатрлар муаллифи ана шу қизгин адабий жараёнда тобланишган.

Гарчи Сайёр бўлимда бир йилгина ишлаб қайтиб кетган бўлса-да, бошланган иш асло тўхтамади. Бўлимнинг масъул котиблигига



тайинланган шоир ва ҳажвчи Адҳам Ҳамдам ижодий муҳитни янада ривожлантирди. Вилоят «Коммуна» газетасининг муҳарририяти 70-йилларда ёш ижод аҳлининг бош марказига айланган эди. Шерали Тошматов, Исҳоқ Содиқов, Йўлдош Сулаймон, Бектемир Маҳмудов, Омон Жорқинбоев, Санъат Маҳмудова, Малика Мирзаева, Аҳмаджон Ёқубов, Мамадали Умаров сингари ўнлаб ижодкорларнинг шеър, ҳикоя ва таржима асарлари республика матбуотида ҳам тез-тез чоп этиларди.

Фарғонада адабий муҳитнинг янада ривожланганлигини кўрган республика раҳбарияти унинг фаолиятини яхшилашга алоҳида эътибор бера бошлади. Уюшма бошқарувининг раиси Комил Яшин ташаббуси билан вилоят бўлимининг фаолият доираси янада кенгайтирилди. Уюшма ҳайъатининг топшириғи билан 1977 йилда Фарғонага келган драматург Мумтоз Муҳамедов, шоир Акмал Пулатлар иштирокида ўтган йиғилишда республика ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раислигига (масъул котиблик штати бекор қилинди) таниқли шоир ва ёзувчи Йўлдош Сулаймонов сайланди. Бўлим ҳузурида алоҳида бадиий адабиётни пропаганда қилиш бўлими ташкил этилиб, А. Ҳамдам унинг мудирини этиб тайинланди.

1979-1987 йилларда уюшмага шоира Малика Мирзаева раҳбарлик қилди. Маълумки, 80-йилларда республиканинг ижтимоий, маданий ва адабий ҳаётида жиддий ўзгаришлар, ўзликни англаш жараёни рўй бераётган эди. Аввалги ўн йиллар мобайнида ёзувчилар уюшмасига аъзолар қабул қилиш жуда қийинчилик билан амалга ошириларди. Совет мафкурасининг талабига кўра бўлажак аъзо ижтимоий келиб чиқиши жиҳатдан «покиза» бўлиши, чет элда қариндош-уруғи бўлмаслиги, дунёқараши шаклланган, энг муҳими, коммунист бўлиши талаб қилинарди. 80-йиллар ўрталарида бу говлар олиб ташланди. 1983 йили республика ёзувчилар уюшмасининг янги раҳбарияти Фарғонага келиб, бошқарув ҳайъатининг кўчма йиғилишини (С. Азимов раислигига) ўтказди ва 11 нафар фарғоналик қаламкашни уюшма аъзолигига қабул қилди. Шундан сўнг Фарғона адабий муҳитида янада жонланиш ва кўтаринки кайфият вужудга келди.

1987 йили уюшма раислигини яна қайтадан қабул қилиб олган Й. Сулаймонов ўн йил давомида ёш ижодкорлар ўртасида катта ташкилий ва ижодий ишларни йўлга қўйди. Шу пайтгача ҳали уюшма ташаббуси билан биронта баёз нашр этилмаган эди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаги иқтисодий қийинчиликларга қарамай Й. Сулаймоновнинг елиб-югуриши, ўша пайтдаги вилоят ҳокими, ижодкор М. Исломовнинг қўллаб-қувватлаши ва ҳомийлиги билан 1994 йилда «Гўзал бир дунё» деб номланган шеърый тўплам нашр қилинди. Баёздан вилоятда яшаб ижод қилаётган 70 қаламкашнинг турли жанрдаги асарлари ўрин олган эди.

Й. Сулаймонов даврида уюшма ҳузуридаги тарғибот бўлими Ижодкор ёшлар уюшмасига айлантирилди ва унинг доираси янада кенгайтирилди. Ёзувчилар уюшмаси атрофи боғ бўлган кўп хонали бинога жойлаштирилди. Бу бинода Ижодкор ёшлар уюшмасининг бошлиғи Абдухалил Раҳимовнинг сайёи ҳаракати билан тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик, меъморчилик, турли хунармандчилик тўғарақлари очилди. Уларга қатнашган ёшлар орасидан кўплаб янги истеъдодлар етишиб чиқди. Бунинг устига ҳар йили баҳор фаслида вилоят мактабларининг ўқувчилари орасида «Биз Навоий авлодларимиз» мавзусида семинар-кенгаш ўтказиш одат тусини олди. Бундай анжуманларда иштирок этиб, совринли ўринларни олган умид ниҳолларидан Фарғонада каттакон адабиёт боғи вужудга келдики, унинг тотли мевалари ҳали-ҳанузгача ўз меваси ҳамда тароватини йўқотган эмас.

Й. Сулаймонов Ўзбекистон Республикаси ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари лавозимига ишга ўтиши муносабати билан вилоят бўлимини дастлаб таниқли шоир Исмоил Мирзамаҳмудов (1996-1998), кейин Матлуба Аҳмедова (1998-2001) бошқардилар. Уюшманинг тизим таркиби яна ўзгарди. Ижодкор ёшлар уюшмаси тугатилди. Шунга қарамай, ижодий муҳитни яхшилаш мақсадида талай ишлар амалга оширилди. 1999 йили «Наврўз» жамғармаси вилоят бўлими ҳомийлигида 20 дан зиёд шоирлар шеърларидан ташкил топган «Наврўзи олам» тўплами чоп этилди.

2001 йилдан буён уюшмага истеъдодли шоира Энахон Сиддиқова раҳбарлик қилиб келаётир. Унинг даврида уюшма яна қаддини тиклади, фаолият доирасини кенгайтирди. Ҳозир уюшмада 20 га яқин аъзо бор (аниғи 17 та). Уюшма қошида ташкил этилган «Олтин қалам» тўғарагида кўплаб ёш ижодкорлар сабоқ олишяпти. Уч йилдан буён ҳар сафар республика ижодкор ёшларининг Зомин семинарида фарғоналик ижодкорлар фахрли

ўринларни олиб қайтмоқдалар. Семинарнинг илк совриндори Зумрад Ваҳобованинг «Оқ ёмғирлар» номли шеърий тўплами уюшма ҳомийлигида нашр қилинди. Ҳозир Зумрад Олий адабиёт курсини муваффақиятли тамомлаб, пойтахтда яшаб самарали ижод қилмоқда. Унинг ортидан эса талай Зумрадлар, Башоратлар етишиб чиқяпти.

2002 йилдан бошлаб республика ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Фарғона вилоятида ҳар йили шеърият кечасини ўтказиш режалаштирилди. Дастлабки тадбир 2002 йил сентябр ойида бўлиб ўтди. Бу анжуманнинг яна бир хайрли томони шунда бўлдики, орадан 20 йил ўтиб Фарғона Давлат университетининг катта мажлислар залида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг А. Орипов бошчилигида ўтказилган кўчма йиғилишида фарғоналик ижодкорлардан уч киши-истеъдодли шоирлар Дилбар Ҳамзахўжаева, Баҳодир Исо, таниқли адабиётшунос Йўлдош Солижоновлар уюшма аъзолигига қабул қилиндилар. 2003 йилнинг апрел ойида ўтказилган иккинчи шеърият кечаси тантаналари академик шоир Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги шодиёнаси билан қўшилиб кетди.

Вилоят ҳокимлиги ҳам ёзувчилар уюшмаси фаолиятини яхшилашга доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда. Уюшма чет эл андозалари асосида таъмирланган бинога кўчирилди. Иқтисодий жиҳатдан ўзини бошқаришини таъминлаш мақсадида 4 гектар боғ ажратиб берилди. Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг «Қалб садоси» газетаси ой сайин ўқувчиларнинг севимли ҳамроҳига айланиб бормоқда.

Хуллас, Фарғона адабиёти ўзининг анъаналарини давом эттириб ва бойитиб, умумўзбек адабиётининг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётир. Унинг янги қадамлари янада дадил ва самарали бўлишига ишонамиз.

# ВОДИЙ БАҲОРИНИНГ КУЙЧИСИ

(1895-1977)



Ўтган асрнинг 70-йилларида фарғоналик китобхонлар ўз юртининг кечаги куни тўғрисида бир йўла учта романни ўқишга мушарраф бўлдилар. Булар «Фарғона зулмат кўйнида» (1972), «Истиқбол сари» (1974), «Водийда баҳор» (1975) роман-хроникалари бўлиб, уларнинг муаллифи асар воқеаларининг бевосита иштирокчиси ёзувчи Исҳоқ Содиқов эди. У ўзининг ўсмирлик ва йигитлик даврида кўрган-кечирганларини бадиий лавҳалар асосида ҳикоя қилиб беришга уринди. Кексайиб қолганига қарамай, қисқа муддат ичида XIX аср охиридан то XX асрнинг 30-йилларигача Фарғона, Кўқон ва унинг теварагида рўй берган қонли ҳамда қонсиз воқеаларни тасвирловчи трилогияни тақдим этди.

Исҳоқ Содиқов 1895 йили Кўқон шаҳрида дунёга келди. Унинг ёшлиги XX аср бошларида бутун Туркистонни қамраб олган даҳшатли инқилобий ва реакцион воқеа-ҳодисалар аланга олган, бундан ҳўлу қуруқ тенг ёнаётган бир даврга тўғри келди. Ёш қалб уларнинг қайси бирини танлаб олишни билолмай қийналди. Оила тирикчилиги қийинлашганлиги сабабли 8 ёшидаёқ устага шогирд тушиб, ишлай бошлаган Содиқов турмушда кўп қийинчиликларни бошидан кечирди ва катта ҳаётий тажриба орттирди. Кўқон қадим хонликнинг пойтахти, бирмунча саноат корхоналари борлиги, бу ерга кўплаб руслар келиб ўрнашганлиги сабабли ўсмир йигит уларнинг таъсирига берилиб, инқилобий ҳаракатга қўшилди.

Авжи йигит ёшида I жаҳон уруши, миллий озодлик қўзғолони, 1917 йилги феврал ва октябр инқилобларини бошидан кечирди. Албатта, бу воқеалар таъсирида дунёқарашини ўзгартириб бораётган йигит ҳаётида янгиликлар рўй бермаслиги мумкин эмасди. Октябр тўнтаришининг дастлабки йилларидаёқ И. Содиқов қизил армия сафига кириб, большевиклар қаторида янги ҳукумат учун астойдил

кураш олиб борди. 1919 йилда большевиклар партияси сафига кирган Исҳоқ Содиқов раҳбарлик лавозими поғоналаридан тез кўтарила бошлади. Дастлаб қизил армия кўшинининг озиқ-овқат отрядига бошчилик қилди. Кейин партия қаерга юборса, ўша ерда сидқидилдан хизмат қилди. Бир неча йил кўнгилли халқ милицияси таркибида ишлаб, ўша пайтда босмачи деб аталган миллий-озодлик учун курашувчи ҳамюртларига қарши жанг қилди. Сўнгра 1925-26 йиллардан бошлаб Фарғона вилояти «Кўшчи» союзи раисининг ўринбосари вазифасида хизмат қилди. Совет ҳукумати ва коммунистик партия ўзининг садоқатли фуқаросини янада қаттиқроқ боғлаб олиш мақсадида уни 1931 йилда Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги Коммунистик университетда ўқиб келиш учун юборди.

Марксизм-ленинизм таълимотидан яхшигина сабоқ олган И. Содиқов ўқишдан қайтиб партия ва совет идораларида астойдил ишлай бошлади. Иккинчи жаҳон уруши йилларида аҳоли ўртасида фаол тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, кўнгилли меҳнат отрядлари тузди ва Уралдаги қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи заводларга олиб бориб ишлатди. Ўзи уларга раҳбарлик қилиб, бир неча йил ўша ерда яшади. Исҳоқ Содиқовнинг ижоди мана шу меҳнат фронтида куртак ёра бошлади. Унинг илк асари «Биз Уралда» номи билан 1947 йилда босилиб чиқди. Содиқ Қаландар тахаллуси билан чоп эттирган ушбу қиссада ўша давр талабига кўра Урол заводларига бориб ишлаётган ўзбек ёшларининг фидокорона меҳнати ҳамда муҳаббатини қаламга олган эди. Севган йигитининг ортидан рус шаҳарларига келиб, жасорат ва садоқат намунасини кўрсатган Тўлахон ўзбек фольклори намуналарида яратилган жасур ўзбек аёлларининг вакили сифатида эса қолади.

Исҳоқ Қаландар қисса устида ишни давом эттирди ва 1957 йилда уни «Зўр синов» номи билан роман сифатида нашр эттирди. Дарвоқе, 50-йилларда конфликтсизлик назарияси оқибатида хийла бўш ишланган асарлар, хусусан, кўплаб қиссаларни қайта ишлаб роман тарзида эълон қилиш одат тусига кирган эди. Бироқ барибир, илк нусхада йўл кўйилган камчиликлар романда ҳам аниқ сезилади.

Шундан сўнг Фарғона шаҳрида яшай бошлаган Исҳоқ Содиқов бадий ижод билан астойдил шуғулланди ва бирин-кетин учта романни чоп эттирди. Адибнинг «Фарғона зулмат кўйнида»,

«Истикбол сари», «Водийда баҳор» деб номланган бу романлари партиявийлик бадиий адабиётнинг асосий фазилати, социалистик реализм методи эса бош қон томири ҳисобланган 70-йилларда гоёвий жиҳатдан етук асарлар сифатида баҳоланди. Хусусан, йирик адабиётшунос олимлар М. Қўшжонов, С. Мирвалиевлар бу романларнинг гоёвий мазмунига юқори баҳо бердилар. Айни чоғда улар мазкур трилогиянинг «Бадиий жиҳатдан бирмунча бўш ёзилган»лигини ҳам алоҳида қайд этиб ўтдилар.

Ҳар ҳолда Фарғона заминининг кекса авлодига мансуб бўлган адиби Исҳоқ Содиқовнинг бутун ҳаёт йўли, ижтимоий фаолияти ва ижодий концепцияси совет тузуми сиёсати ҳамда коммунистик мафкура гоёлари билан тўла суғорилган десак, уни мақтаган ҳам, камситмаган ҳам бўламиз. Чунки бу «фазилат» уни айблаш ва асарларини инкор қилишга асос бўла олмайди. Негаки, ёзувчи ўз асарларида зулмат қўйнида ёруғлик излаётган ва шу ёруғлик сари интилаётган, халқнинг турмушини фаровон қилиш истаги билан курашаётган яхши ниятли кишилар тимсолини яратди. Улар олтин водийга мангу баҳор келишини орзу қилган эдилар. Уларнинг орзуси бугун рўёбга чиққан бўлса не ажаб?! Бинобарин, «Водийда баҳор» романининг қаҳрамонларидан бири Ўринбой Ашуров тилидан айтилган мана бу сўзлар бугуннинг ҳам шиори эмасми: «Илм билан тажрибани омухталаб, қаерда бўлмайлик, эл-юртимизни деб қўлни қўлга бериб ишлайлик».

Ана шундай эзгу ниятли адиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Исҳоқ Қаландар Содиқов 1977 йили 82 ёшида оламдан ўтди. Фарғона шаҳрига дафн қилинган.

# МУҚИМИЙНИНГ ИЗДОШИ, ҒАФУР ҒУЛОМ СИРДОШИ

(1900-1979)



*Тонг чоғи сарвинозим аста қиёлаб ўтди,  
Тушгач кўзи кўзимга таъзим бажолаб ўтди.*

*Таъзимига эгиб бош ҳурмат ишора қилсам,  
Мастана кўз учинда шарму ҳаёлаб ўтди.*

*Сунбулни бўйи тарқаб олам муаттар ўлди,  
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.*

Бу оҳанрабо, қалбда завқ уйғотадиган, ўйноқи оҳангда ёзилган газал муаллифи нозиктаъб шоир Чархийдир. Шоирнинг бундай дилтортар газаллари талайгина бўлиб, улар аллақачон халқимизнинг тили ва дилидан мустаҳкам ўрин олган. Чунки улар энг аввало, равон, содда, жозибадор, кўтаринки оҳангда ёзилган, ўз-ўзидан куйлашга мойил бўлиб турган шеърлардир. Чархий ижодининг бу фазилатини Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Туроб Тўла каби шоирлар, адабиётшунос Лазиз Қажумов ҳам алоҳида таъкидлашган.

Ана шундай юксак баҳоларга сазовор бўлган Чархий — Асқарали Ҳамроалиев 1900 йил май ойида Қўқон шаҳридаги Сарбаҳодур маҳалласида тўқувчи қосиб оиласида туғилди. Ҳар бир инсоннинг келажакдаги қамоли кўп жиҳатдан оила нуфузи, қасб-қори ва савиясига боғлиқ эканлиги тарихдан маълум. Ҳазрат Алишер Навоийнинг буюк шоир бўлиб етишуви дастлаб отаси Ғиёсиддин Кичкина Баҳодирхоннинг китоб мутолаасига қизиқтиргани, ўз даврининг истеъдодли шоирлари ҳисобланган тоғалари Мирсаид Кобулий билан Муҳаммад Али Ғарибийларнинг ашъор ҳавасини қалбига сингдириши, алангалантириши сабаб бўлган. Ёки Жаҳон отин Увайсий форс-тожик ва араб тилларини, бадий адабиёт қоидаларини мадраса таълимини кўрган, адабиёт ва мусиқа илмидан хабардор бўлган отаси ҳамда маҳалласида мактабдорлик қилган онаси Чинни биби, акаси Охунжон ҳофизлардан ўрганган. Муқимий, Фурқатлар оиласи тўғрисида ҳам шундай маълумотларни келтириш мумкин.

Асқаралининг отаси Ҳамроали Тўхтаохун ўғли (1855-1933) қўли гул хунарманд-тўқувчи ва гулабардор (матога гул солувчи) эди. Шу билан бирга ўта саводли, мумтоз адабиёт ихлосманди сифатида ўлига жиддий таъсир кўрсатган. Онаси Муслима биби Исмоилжон қизи ҳам (1867-1935) ўқимишли аёл бўлганлигидан замондошлари уни Муслимби отин деб қадрлашган. Бу ҳақда Чархийнинг ўзи «Таржимаи ҳол»ида шундай ёзади:

«Шоирлик қобилияти бўлган онам Муслима бувини кўпчилик Муслимби отин деб аташар эди. Онам саккиз ёшимдан шеър ёдлаш ва ёзишдан таълим бера бошлади. Отам эса бўш вақтларида хуснихатни ҳам ўргата бошлади. Онамдан шоирликни, отамдан хуснихатни ўргандим.» Шундай қилиб, ота-онаси ёрдами билан хийла саводли бўлиб қолган ёш Асқарали дастлаб Ғалчасой маҳалласидаги Муҳаммаджон Холиқий домла очган янги усулдаги мактабда ўқиди. Уни 16 ёшида тамомлаб, Султон Муродбек мадрасасига ўқишга кирди.

Мадрасада ўқиб юрган пайтларида миллий-озодлик кўзғолонлари ва инқилобий ҳодисалар бошланган, ҳаёт издан чиқа бошлаган, хусусий мулкдорлар, хунармандлар янги совет ҳукумати томонидан қисди-қафасга олинаётган эди. Бу ҳол Ҳамроали оиласига ҳам таъсир этмай қолмади. Аммо отасининг қистови ва қўллаб-қувватлаши туфайли Асқарали мадрасани ташламади. Астойдил ўқиб, араб, форс, урду тилларини мукамал ўрганди, хаттотлик санъатини янада такомиллаштирди. Бунда унга мадрасанинг Сулаймонқули Рожий, Мўминжон Мақсад, Мирзои Хўқандий сингари шоирлик ҳамда хаттотликда донғи кетган мударрислари катта ёрдам бердилар. Уларнинг кўмаги билан Чархий Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Бедил каби даҳо санъаткорлар ижодидан тўла баҳраманд бўлди.

Асқарали мадрасани тамомлагандан кейин ота касбини давом эттирди. Шаҳарда янги ҳукумат томонидан очилган «Қувват» тўқимачилик артелида гулабардорлик қила бошлади. Бу артелда қарийб 15 йил ишлади. Ниҳоят, шоир сифатида хийла танилиб қолган Чархийни дастлаб вилоят ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби, айни чоғда Қўқон шаҳар театрига адабий эмакдошлик лавозимига ишга олдилар. 1942 йилда Тошкентга чақирилиб, Ўзбекистон раҳбари У. Юсупов ташаббуси билан ташкил қилинган тўқимачи ёшлар тўғарағида хизмат қилди. 1944 йилда қайтиб, яна театрда адабий эмакдошлик вазифасини давом эттирди ва бу лавозимда 1958 йилгача ишлади. Шу йилдан то умрининг охиригача Қўқон шаҳридаги адабиёт музейида илмий ходим бўлиб ишлади. У асосан устози Муқимийнинг уй-музейини бошқариб,



шоир меросини тиклаш. қўлёзма манбаларни ўрганиш билан шуғулланди. Чархий 1979 йилнинг 14 декабрида оламдан ўтди.

Чархий ижоди жуда эрта бошланган. Аммо у ўз шеърларини матбуотда эълон қилишга шошилмади. Бунинг сабабини унинг ўзи шундай изоҳлайди: «Мен шоир деган номни жуда улуғ санар эдим. Шунинг учун ҳам матбуотга узоқ вақтгача шеърларимни берган эмасман.» Ниҳоят, 1938 йилдан бошлаб шаҳарда чиқиб турган «Янги Фаргона», вилоятнинг «Коммуна» газеталари ҳамда республика «Муштум» журналлари саҳифаларида Чархийнинг лирик ва ҳажвий ғазаллари тез-тез чоп этила бошланди. 1950 йилда Чархийнинг «Ширин ва аччиқ» деб номланган биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқди. Унинг номланишиёқ шоирнинг устози Муқимий сингари икки йўналишдан – лирик ва сатирик йўлдан кетаётганлигини исботлайди. 1956 йилда Чархий Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди (227-гувоҳнома).

Чархий ижоди асосан икки буюк чашмадан озиқланди. Илдизи бақувват мумтоз адабиётимиз анъаналари шоирнинг гўзал ва таъсирчан, поэтик образларга бой ҳамда вазни энгил эҳтиросли лирик ғазаллар, мухаммаслар, рубоий, туюқлар яратишига мадад берган бўлса, ўлмас халқ оғзаки ижодининг энгил руҳи, қочиримлари, аччиқ ҳақиқатни ҳазил либосига ўраб бера олиш маҳорати ҳажвий асарлари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилди. Натижада Чархий шеърларида мумтоз адабиёт анъаналарига хос ўйчанлик, фалсафий мушоҳада, тасаввуфий талқин фольклорнинг донишмандлиги, ўйноқилиги, қочиримлари, кутилмаган сўз ўйинларига бойлиги билан уйғунлашиб кетди.

Чархий ўзбек шеърятини «Шеърлар» (1966), «Хўжаали Алихўжа» (1970), «Девон» (1971), «Ўлкангни бос» (1973), «Бешигингда ётмайман» (1975) сингари лирик ҳамда ҳажвий тўпламлари билан бойитди. Чархийнинг камтарона ижоди худди Ҳабибий, Собир Абдулла мероси каби ўзбек адабиётининг икки буюк дарёси – мумтоз ва янги ўзбек адабиётини бирлаштирувчи олтин кўприк вазифасини адо этди. «Классик адабиётимизга ҳурмат кўзи билан қараганимдан аруз вазнининг ўйноқи, киши қалбига тез етиб боровчи турларидан ижодий фойдаландим ва уни янада ривожлантиришга интилдим» деб ёзади шоир. Дарҳақиқат, бу ижод саҳифаларини варақлаб, аруз вазнининг турли баҳрларини учратиш мумкин. Шу билан бирга Чархий аруз вазнининг турларини ривожлантирибгина қолмай, мумтоз адабиёт жанрлари тараққиётига, такомиллашувига ҳам муносиб ҳисса қўшди. Шоир қалами билан замонавий либос кийдирилган мухаммаслар, мусаддаслар, маснавий, рубоий, мустаҳзод, туюқ каби

жанрлар алоҳида бўёқ ва оҳанг билан жилваланди. Бу ранг-барангликнинг яна бир сабаби Чархийнинг замонавий шеърят усулларида унумли фойдаланганлигидир. Айниқса, шоирнинг арузда яратилган ҳажвий асарлари худди бармоқ вазнида ёзилгандек энгил қабул қилинади.

Бинобарин, ҳажв Чархий ижодий меросида етакчи ўринни эгаллайди. Унинг «Муштум» кутубхонаси рўқни остида биринкетин босилиб чиққан «Ширин ва аччиқ», «Ўлкангни бос!». «Алихўжа-Хўжаали» китоблари ҳажв устахонасининг маҳсулотлари саналади. Уларнинг аксариятида шоир сиртдан қараганда ғоят майда кўринадиган, бироқ халқ баданига канадай ёпишиб кун сайин томир отаётган иллатлар — эътиқодсизлик, дангасалик, мутгаҳамлик, ифвогарлик, ичкиликбозлик, «Мен сендан камми?» қабилида тўй қилиб бели синган исрофгарларни кескин фош этади.

Чархий хаттотлик санъатининг тенгсиз устаси ҳам эди. Унинг бу ҳунаридан қўлёзмалар институтлари, музейлар самарали фойдаланган. Масалан, атоқли олим Ҳамид Сулаймон уни янги очилган А. Навоий номидаги республика қўлёзмаҳар институтига доимий ишга таклиф қилган. Кексалиги туфайли Тошкентда ишлаш имконияти чекланганлигидан институт Чархий билан доимий ҳамкорлик ўрнатган эди. Чархийнинг бу фазилати Фафур Ғулом, Собир Абдулла мактубларида ҳам алоҳида тилга олинади. Шу билан бирга Чархий таржимон сифатида ҳам ўзидан ўлмас мерос қолдирди. У Кўқон адабиёт музейида ишлаб юрган чоғларида араб, форс, урду олимлари ва шоирларининг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилиб берган. Академик шоир Ғафур Ғулом эса ўз шеърларини урду тилига ўгиришни «азиз дўсти Мулла Асқарали Чархий»дан мактуб орқали илтимос қилган. У улуғ шоир ўз шеърларини «араб қудрати бирлан хатти настаълиқда зеб-зийнат бирлан таҳрир қилмакликни» Чархийдан ўзгага раво кўрмаган. Чунки Чархийнинг «хат қонунлари ғоятда хушрўй эканидан куллуҳум дўстлар хабардор» эканлигини Ғ. Ғулом алоҳида таъкидлайди.

Чархий мероси шоирнинг ўз халқига бўлган буюк муҳаббати изҳори сифатида мангу яшайди. Зеро, шоирнинг ўзи айтганчидек:

*Элим муҳаббати жунбуш урар юракларда,  
Тилакда эзгу ниятлар, шукуҳи шаън қолади.*

*Ғализ тарона, суюқ сўз, бари варақдан ўчиб,  
Юракда ўтли калом, тилда шўх ўлан қолади...*

## ҲАҚИҚАТ ТИМСОЛИ

1971  
(1914-1917)

Шерали Тошматов... Бу табаррук номни эслаганимда кўз олдимда эгилса-да, букилса-да, синмаган ҳақиқат тимсоли гавдаланади. Ҳақиқатгўйлик ҳар доим ҳам қадрланавермаган. Айниқса, ҳақиқатни бош шioriга айлантириб олган совет тузуми даврида ўз ҳаққини ҳимоя қилган, рост гапни айтган ҳар қандай фуқаро қамалаверган, жазога тортилаверган. Шахсан Шерали ака ўз ҳақгўйлигининг азобларини кўп марта тортган одам. Лекин ҳеч қачон руҳий тушқунликка тушмаган, танлаган йўлидан, айтган сўздан қайтмаган инсон эди.



Шерали Тошматовнинг таржимаи ҳоли бўйича маълумотлар жуда кам. «Писатели советского Узбекистана» номли тазкиранинг илк нашрида ҳам (1977), тўлдирилган иккинчи нашрида ҳам (1984), адабиётшунос С. Мирвалиевнинг «Ўзбек адиблари» номли китобининг 1993 ва 2000 йилги нашрларида ҳам бу ёзувчи тўғрисида бирор сатр маълумот йўқ.

Шерали ака тўғрисидаги дастлабки маълумотни адибнинг 1962 йилда нашр қилинган «Тонгдаги кўланка» қиссасидан оламиз. Яна бир манба 14 жилдлик «Ўзбек совет энциклопедияси»нинг II-жилдида берилган ихчамгина мақола холос. Аммо ҳар икки манбада ёзувчининг туғилган йили икки хил кўрсатилган. Ҳар ҳолда бу тафовутнинг сабабларини Шерали аканинг оила аъзолари ҳамда матбуот фахрийси, Ш. Тошматовнинг 40 йиллик қадрдон дўсти ва ҳамкасби Воғиз Музаффаров билан бўлган суҳбатда аниқладик.

Шерали Тошматов аслида 1914 йил 12 январда Ўзбекистон туманининг Яйпан қишлоғида туғилган. Янги ўрнатилган совет ҳукумати суяги қотмаган ёшларни алдаб, ўзининг содиқ хизматкорига айлантириш учун пионер, комсомол деган ташкилотларнинг эшигини ланг очиб қўйган, унга аъзо бўлганларга катта обрў ва шон-шуҳрат ваъда қиларди. Шерали ҳам комсомол сафига кириш мақсадида ёшига икки йил қўшиб олган экан. Шу боис ҳужжатлар бўйича Ш. Тошматов 1912 йилда «дунёга келган».

1927-28 йилларда Шерали туман комсомол қўмитасида ишлайди. Кейин 1928-30 йилларда Кўқондаги эрлар педагогика билим юртида таълим олди. Уни тамомлаб, 1930-33 йиллари «Янги

Фарғона» газетасида адабий ходим, масъул котиб лавозимларида ишлади. У қалами ўткир, тезкор журналист сифатида танилди. Шунинг учун уни 1933 йили Тошкентга чақириб олдилар. Икки йил республика ёшлар газетаси «Ёш ленинчи»да, 1935–37 йилларда эса «Қашқадарё ҳақиқати» газетасида хизмат қилди. Шу йили уни яна Тошкентга ишга чақирдилар. Бироқ бу ерда кўп ишлай олмади. 1937 йили арзимаган бир чақув баҳонасида қамалиб, ўн икки йил қамоқхона азобини тортиб чиқди. 1949 йилда қамоқхонадан қайтиб, Поп туманининг энг чекка қишлоғидаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қила бошлади. Шерали ака ҳеч кимга қўшилмас, индамас, жимгина яшар ва ишлар эди. Аммо унинг қалбидаги ижодга бўлган ишқ ўти гоҳ-гоҳ аланга олиб қолар, шунда бир жойда ўтиролмас, қўлига қалам оларди. 50-йилларнинг ўрталаридан бошлаб туман ва вилоят газетаси сзҳифаларида «Ш. Тошматов», «Т. Шералиев» каби фамилиялар билан кичик, аммо ширали мақолалар, лавҳалар босила бошланди.

1958 йилда Ш. Тошматовнинг журналистлик қобилияти юксаклигини яхши билган «Наманган ҳақиқати» газетасининг муҳаррири Р. Раҳмонов уни ишга таклиф қилди. 1960 йилда Наманган вилояти тугатилиши муносабати билан Шерали ака Фарғонага кўчиб келди ва вилоят «Коммуна» газетасида ишлай бошлади. Умрининг охиригача газетанинг қишлоқ хўжалиги бўлимига бошчилик қилди. Шерали ака ниҳоятда тез ва самарали ишларди. Қишлоқ мухбирларига гоят меҳрибон ҳам шафқатли эди. Аммо қамоқхонадаги узлуксиз қийноқлар унинг соғлигига путур етказган, асабини емириб бўлганди. Тинмай папирос чекар, сал нарсага жаҳли чиқарди. Тез орада қаттиқ оғриб ётиб қолди. Натижада 60 ёшга ҳам кирмай, 1971 йил 21 июнда вафот этди. Марҳум ёзувчининг васиятига кўра унинг жасади ўзи туғилиб ўсган Яйпан қишлоғига дафн қилинди.

Шерали Тошматов ижоди педбилим юртида ўқиб юрган пайтларида бошланган. У адабиётга тенгдошлари каби дастлаб шоир сифатида кириб келди. Ш. Тошматов ҳам барча замондош қаламкашлар сингари социалистик тузумнинг «зафарли юришлари», «гигант қурилишлари»ни завқ билан тараннум этди. 1931, 1932 йилларда бирин-кетин «Енгиш баррикадасида», «Пахта шеърлари» номли тўпламлари босилиб чиқди. Китобчаларнинг номланиши ҳам ёш шоирнинг ижодий эстетик эътиқоди қайси замонда шаклланганлигини англайтиб турибди. Кейин кўплаб очерклар, фелъетонлар яратди. Айниқса, «Коммуна» газетасида босилган очерклари ҳам бадиийлиги, ҳам кўтарилган муаммосининг долзарблиги билан эътиборни тортарди.

60-йиллардан бошлаб Шерали Тошматов йирик прозада самарали ижод қила бошлади. Кетма-кет ёзувчининг «Эрк куши», «Тонгдаги кўланка», «Ўксима, Майна!», «Ишқ янгиланди» каби йирик насрий асарлари, ўнлаб очерклари ва Майна Ҳасановага бағишланган киносценарийси дунёга келди. Бу асарлар ўзининг пишиқлиги ва юксак бадиийлиги билан Шерали Тошматов номини ўзбек адабиёти хазинасига мангуликка олиб кирди. Чунки Шерали Тошматов яратган асарлар аввало, мавзусининг янгилиги ва оҳори тўкилмаганлиги билан муҳимдир. Унинг ижобий қаҳрамонлари ўз олдига аниқ ва улкан мақсад қўйган, ана шу мақсадини амалга оширишга қатъий эътиқод билан астойдил енг шимариб киришган кишилар сифатида эса қолади. Тарихий-инқилобий мавзуда ёзилган «Эрк куши» романидаги Майна, «Тонгдаги кўланка» қиссаси қаҳрамони Саидхон, «Ишқ янгиланди» асаридаги Қодир бобо, Амир образлари шу жиҳатдан ибратлидир.

Агар мен Майна Ҳасанова социалистик жамиятга буюк эътиқод ва ихлос билан хизмат қиладиган ижобий қаҳрамондир деб таърифласам, шу куннинг зийрак ўқувчиси муаллиф эски ноғорани чалапти деб ранжиши мумкин. Бироқ ўтган асрнинг 20-йилларида Лениннинг, Октябр инқилобининг қип-қизил шиорларидан кўзлари қамашган, оҳангларидан бошлари гангиган ота-боболаримиз, момо-холаларимизнинг руҳий ҳолатларини ҳисобга олмай хулоса чиқаришга шошилмайлик. Негаки, эндигина «Ўн олти баҳорнинг нашъу намосини, ўн олти қишнинг аччиқ изғиринларини татиб кўрган дашт париси» Майна Бухоро амирининг энг «баджаҳл ва қаттиққўл» амалдори Саид Валихоннинг ҳарамини безашга мажбур қилинади, унинг айтганига унамагани учун қаттиқ калтакланади, тепки ейди, ҳомиласи нобуд бўлади. Энди инсоф билан айтинг-чи, бундай кимсада исёнкорлик, қасос туйғуси пайдо бўлмайдими?!

Роман қаҳрамони Майна Ҳасанованинг буюк эътиқоди ҳақида ўйлар эканман, кўз олдимда Шерали Тошматовнинг ўлмас сиймоси савлат тўкиб тургандек бўлаверади. Зеро, бу камтарин адиб ҳам ҳақиқат учун ҳаётини тиккан, ёлғонни ёзиб шоҳ бўлиб яшагандан кўра ҳақиқатнинг қули бўлиб жимгина яшаб ўтишни афзал кўрган ижодкор эди. Унинг бу ибратли фазилати кейинги икки асарида янада яққолроқ кўзга ташланади. Адибнинг «Тонгдаги кўланка» асари эълон қилиниши биланоқ атеистларга жон кирди. Боиси — қисса қаҳрамони Саидхон ўзи эътиқод қўйган худо йўлидан қайтади. Албатта, бу осонликча рўй бермайди. Атеистлар эса бундан бошқача хулоса чиқардилар, яъни «демак, дин йўлининг боши берк, у фақат фожиага олиб боради» дея айюҳаннос солдилар. Раҳматли Шерали ака бу «мақтовлар»ни эшитиб, ўқиб кулибгина кўя қоларди. Уша пайтда биз ҳам ёш атеистлар сафида бўлганимиздан муаллифнинг

бу қулгиси маъносига унчалик тушунмаган эканман. Йиллар ўтиб, адабиётшуносликнинг сир-асрорини ўрганиб, мутахассис сифатида қайта мутолаа қилиш жараёнида Саидхон образининг қалбига яширинган кўп ҳақиқатларни англаб етдим. Шерали ака бу қахрамонини диндор бўлгани учун ер билан яксон қилиш мақсадида эмас, балки орамизда шундай одамлар борлигидан фахрланиб, унинг ниҳоятда покдомон, камсуқум, урф-одатларимиз, қадриятларимизни қадрлайдиган комил инсон эканлигини ибрат қилиб кўрсатишни ният қилган экан. Аслида тонгдаги кўланка Саидхон эмас, балки унга қарши курашаётган шахслар эканлигини матн ости маънодан англаб етиш қийин эмас.

Албатта, коммунистик мафкура қонсираган қиличини ялонғочлаб турган пайтда адиб бу ғоявий ниятини рўй-рост ифодалаши мумкин эмасди. Шунинг учун сиртдан қараганда Саидхоннинг динга, эшон Шайхуллога ишониши унинг бошига, оиласига кўп ташвишлар келтирганини тасвирлайди. Саидхон том маънода комил мусулмон сифатида ўқувчининг хурматини қозонади. У ниҳоятда ҳалол, харомдан ҳазар қиладиган, бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтарадиган одам. 19 йилдан бери колхозда бош ҳисобчи бўлиб ишлаб, ўзига ҳам, хўжалик ҳаққига ҳам мутлақо хиёнат қилмаган. Ҳатто, колхоз ҳисобидан ортиқча ёнилғи сарфланмасин, деб уйига машинада кетишга ҳам унамайди. Колхоз раиси Эргаш ака ҳам Саидхонни ҳалоллиги, кўп масалаларни ҳал этишда инсоф, ақл-фаросат билан иш тутганлиги учун жуда қадрлайди, эҳтиёт қилади. Колхоз партия ташкилотининг котиби жанговар атеист Қодир Азизов бу диндорни ишдан бўшатиш масаласини кўтарганида ҳам раис Саидхоннинг «қўли қалб эмас» лигини айтиб унамайди.

«Ишқ янгиланди» асари (1972 йил) ёзувчи Шерали Тошматов ижодида ҳам, 70-йиллар ўзбек адабиётида ҳам муҳим саҳифа очди десам, муболаға бўлмас. Бу асари билан адиб адабиётимизга янги мавзу ва қахрамон олиб кирди. Афсуски, Шерали аканинг ўзи мазкур асари келтирган шуҳрат ва обрўни кўролмай кетди. Гарчи муаллиф асар жанрини камтаринлик билан «қисса» деб белгиллаган бўлса-да, адабий жамоатчилик томонидан роман сифатида тан олинган ва баҳоланган. Масалан, йирик адабиётшунос С. Мирвалиев ўзининг «Прозамиз жамоли ва камоли» номли мақоласида «Ишқ янгиланди» асари учун олинган «воқеа-мазмун ҳажмининг кенг ва чуқурлиги, ҳаётий-ижтимоий проблематиканинг эпиклиги РОМАН дейишга асос» беришини алоҳида таъкидлаган эди. Бу тўғри. Бинобарин, В. Г. Белинский қайд қилганидек, романга маълум бир халқнинг турмушида рўй берган инқилобий воқелик, ижтимоий янгиланиш асос қилиб олинади. Энди эътибор беринг: «Ишқ

янгиланди» асарига тарихан беватан бўлган, далама-дала. даштма-дашт, қишлоқма-қишлоқ дайдиб юрган мазангларнинг халқ сифатида шаклланиши, бирлашуви, Марказий Фарғона ерларида кўним топиши, янги маданий ҳаёт кечирингга ўтишлари асосий муаммо қилиб олинган. Албатта бу жараён ўша халқ тарихида инқилобий ҳодиса бўлиб, романга арзигуликдир.

Умуман, Шерали Тошматов қишлоқ ҳаётида рўй бераётган янгиликларни тез илғаб олгувчи ҳушёр ижодкор эди. 60-70- йилларда жамоа ҳўжаликларига юқори ташкилотлардан махсус вакиллар юборилар, улар раҳбарлар устидан ҳўжайинлик қилиб, ишни биладим, йўқми, барибир, буйруқбозлик йўли билан амалга оширардилар. Бу жуда кўп норозиликлар келтириб чиқарар, ҳўжаликлар ривожига зарар келтирарди. Аммо лом-мим деб бўлмасди. Шерали ака жиғибийрон бўлиб, бизга «нима кераги бор шуни?» деб зорланарди. Охири «Тонгдаги кўланка», «Ишқ янгиланди» асарларида бу ярамас иллатларга қарши исён кўтарди. Масалан, Қодир Азизов («Тонгдаги кўланка») райондан юборилган вакилларга дардисар деб қарайди, прокурор Рабиевга кўпам рўйхушлик кўрсатмайди. Ёки Қодирбобо («Ишқ янгиланди») тилидан райижроком вакили Набижоновнинг юзига тўғридан тўғри «жуда дарди харина экансиз-ку!» дейишга журъат қилади. Албатта, персонажлар ҳам, ёзувчи ҳам бу бетта чопарликлари учун ўша пайтда тегишли «мукофот» ларини олишган, лекин ўқувчи уларнинг ҳақлигини сезиб туради. Ҳа, ҳаётнинг ўзи кейинроқ бу расмиятчиликка барҳам берди, адиб ҳақ бўлиб чиқди.

Шерали Тошматов ўзи қаламга олаётган мавзу ва муаммони ниҳоятда синчиклаб ўрганар, тасвирланаётган давр ва халқ ҳаёти, урф-одатлари, руҳияти, сўзлаш тарзини ҳисобга оларди. Тарихий манбаларни кўп мутолаа қиларди. «Эрк қуши» романини ўқиган китобхон кўҳна Бухоронинг 1915-1925 йиллардаги зиддиятли турмушига оид тарихий омиллардан, воқеалардан огоҳ бўлади. Персонажларнинг бухороча лаҳжада сўзлаган ширин лутфларидан завқланади. Айни чоғда инқилобий ҳодисалардан руҳланган қизил гвардиячи жангчилар ҳамда оддий қишлоқи одамларнинг шиорнамо ибораларидан ҳайратланади. Айниқса, «Ишқ янгиланди» романидаги мазангларнинг ҳаёт тарзи, сўзлашув нутқи ниҳоятда ўзига хос. Булар Шерали Тошматовнинг гоят билимдонлигидан, ижодий ишга ўта масъулият билан ёндашганлигидан далолат беради.

Ҳаётда табиат ҳам, жамият ҳам ўзгаради, авлодлар алмашиниб туради. Ўткинчи орзу-ҳаваслар-у ёлғоннинг умри қисқа, ёлғиз ҳақиқатгина узоқ яшайди, ўзгармайди. Аксинча, йиллар ўтгани сари у сайқал топиб, тиниқлашиб бораверади. Ҳақиқатгўй адибимиз Шерали Тошматов ҳам ўз асарлари тимсолида ҳақиқат сингари мангуликка дахлдордир.

# ФАРҒОНА АФАНДИСИ

(1915-1988)



Бу кишини Ўзбекистонда танимаган, у тўқиган латифаларни эшитиб, ҳузур қилиб кулмаган одам йўқ эди. Адҳам Ҳамдам деганда лабда кулгу, юзда табассум пайдо бўларди. Оддий одамлар у кишини ўзимизнинг Насриддин афанди дея яқин олишар, санъат ва ижод аҳли эса ҳикояларни оғзаки ижод қилишда, уни ўрнига қўйиб ижро этишдаги маҳорати бобида машҳур сўз устаси Аркадий Райкиндан кам кўришмасди. Адҳам Ҳамдамни Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор,

Саид Аҳмад сингари улкан сўз усталари ўзларига жуда яқин олишган. Уларнинг Фарғона сафари Адҳам Ҳамдамсиз ўтмаган. Ҳатто унинг йўл-йўлакай айтган оғзаки латифаларидан ўз асарларида усталик билан фойдаланишган. Шунга дахлдор бир воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

1967 йил. Мен «Фарғона ҳақиқати» (собиқ «Коммуна») вилоят газетасининг қишлоқ хўжалиги бўлимида талантли ёзувчи Шерали Тошматов кўлида адабий ходим бўлиб ишлардим. Соат 16 лар чамаси Тошкент радиосининг адабий эшиттиришлар муҳарририяти Фафур Фуломнинг «Мулла Насриддин Афанди ва Шайтон алайҳ-лаъна» ҳикоясини муаллифнинг ўз овозида эшиттира бошлади. Ҳикояни ўқиганлар эслашар, Шайтон гапга чечан Афандини мот қилиш ниятида «сен ҳам шартингни айтиб қол» дейди. Шунда Насриддин Афанди шайтоннинг рапидадай қулоқларига икки марта хуштак чалиб, ҳар бирига саккиз донадан тугма қадаб беришини сўрайди. Шубҳасиз, Шайтон бу шартни бажаролмай, мот бўлиб, ер остига кириб кетади. Мен ёзувчининг топқирлигига қойил қолиб, «шу жойини Фафур ака жуда топган-да!» дедим. Шерали ака ўзига ҳо ҳарзда ўнг кўлини қулоқлари олдида елпиб, кулиб туриб деди:

– Бу Фафур Фуломнинг эмас, Адҳам акангизнинг латифаси.

Ҳали ҳайратимни ифодалашга улгурмай туриб, хонага тасодифан Адҳам Ҳамдамнинг ўзи кириб келди. Худди буюртма қилингандай! Ўзаро суҳбатдан аён бўлдики, Фафур Фулом 60 йиллик юбилеи муносабати билан 1963 йили Фарғонага келганда ҳамроҳ бўлиб юрган Адҳам ака жуда кўп латифалар айтиб, меҳмонларни кулдириб юрган. Унинг бири-биридан қизиқарли



латифалари орасида мана шуниси Фафур акага маъқул бўлиб қолади-да, ўзига «сотиши»ни илтимос қилади. Адҳам ака бажонидил уни ёзувчига тухфа қилади. Шунда мен Адҳам акага «Шундай зўр нарсаларни ўзингиз ёзсангиз бўлмайдими?» деб сўрадим.

– Э, ука, бизда кунт йўқ-да! – деди у аллақандай хўрсиниб ва ўзининг орқасига оҳиста шапатилаб қўйди.

Илм билан шуғулланиб, ёзувчиларнинг ижодий лабораторияси сирлари билан таниша бошлаганимдан кейин англадимки, ижодкорда Аллоҳ томонидан берилган истеъдоддан ташқари кунт ва чидам ҳам бўлиши керак экан. Мабодо, Адҳам Ҳамдамнинг ана шу топқирлиги, бадиҳагўйлиги, сўзамоллиги ёнига чидам билан ўтириб ёза олиш фазилати ҳам қўшилганида ўзбек адабиёти тенгсиз бир истеъдодга эга бўларди.

Адҳам Муслимович Ҳамдамов 1915 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тамомлаб, 1933–38 йилларда Самарқанддаги Ўзбекистон Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиди. 1938 йилдан бошлаб «Ўздавнашр»да муҳаррир, сўнг Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Самарқанд бўлимининг масъул котиби лавозимида ишлади. Айни шу йилларда бўлажак адиб ўзбек ва тожик адабиётларининг улкан вакили Садрриддин Айний билан янада яқинлашди ва ундан кўп ижодий сабоқлар олди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Адҳам Ҳамдам Шароф Рашидов, Назир Сафаров, Шухрат, Назармат, Султон Акбарий, Султон Жўра, Ёнфин Мирзо, Иброҳим Раҳим каби ижодкорлар қаторида қурол ва қалам билан жанг қилди. У «Ватан учун» деб номланган фронт газетасининг муҳаррири сифатида кўплаб очерклар, мақолалар, лавҳалар, шеърлар чоп эттирди. Газетада жанггоҳ хабарларини, ўзбек жангчиларининг алоҳида жасоратига бағишланган мақолалар ҳамда уларнинг ижоди намуналарини муттасил ёритиб борди.

Адҳам Ҳамдамнинг урушдан кейинги ҳаёти Фарғона билан боғланди. У бир неча йил вилоят «Коммуна» газетасининг муҳаррири, муҳаррир ўринбосари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Фарғона бўлимининг масъул котиби, адабиётни тарғиб қилиш бюросининг бошлиғи бўлиб ишлади.

Адҳам Ҳамдам ижоди талабалик йилларида бошланган эди. Шоирнинг илк шеърий тўплами 1937 йилда «Ўғил мактублари» номи билан чоп этилган. 1939 йили «Шеърлар» тўплами нашр қилинди. Уруш йилларида жангчи шоир Адҳам Ҳамдамнинг ғалабага ундовчи талай шеърлари, мақола ҳамда очерклари ўзи муҳаррирлик қилган «Ватан учун», шунингдек, «Бонг», «Фронт ҳақиқати» каби газеталар саҳифалари, «Онт», «Ватан жонбозларига».

«Армуғон», «Зафар» сингари тўплам ҳамда баёзларда босилиб чиқди.

Урушдан кейинги йилларда Адҳам Ҳамдам кўпроқ давраларда, учрашувларда оғзаки ҳикоялари, латифалари билан кулдиришга берилиб, 30 йиллар мобайнида китоб чиқармади. Фақат 1970 йилдагина мухлислари ва жонкуяр дўстларининг қатъий талаблари билан булбулнинг кўзидек «Саломатликлари керак» деб аталган ҳажвий ҳикоялари нашр қилинди. Китобча мухлислар ўртасида жуда тез шуҳрат қозонди. Чунки унда янгиликка тўсқинлик қилаётган ҳар қандай эски, қолақ ҳодисалар кескин қораланган, сатиранинг ўткир тиғи ниҳоятда кучли эди. Ваҳоланки, ўша пайтда совет мафқураси ривожланган социалистик жамиятда камчиликлар бўлиши мумкин эмас деган фикрни илгари суриб, ҳажвиянинг ривожланишига жиддий тўсқинлик қилар эди. Шундай шароитда йўлини топиб кучли сатирик образлар яратган Адҳам Ҳамдам танқидни соғинган китобхонлари орасида машҳур бўлиб кетди. Адиб ҳикояларида танқидий руҳ орқали ҳаёт ҳақиқатини исботлаб, сохталик ва ўзи бўларчиликни қатъиян рад этади. Тўпламдан ўрин олган ичак узди ҳикоялар ҳаётда учраб турадиган нопоклик ва камчиликларни фош этишда муҳим аҳамият касб этади.

Шундан сўнг Адҳам Ҳамдам умрининг охиригача бошқа китоб чиқармади. Ваҳоланки, унинг ҳажвий мероси беҳисоб эди. Бунинг устига оғир хасталик уни одамлар орасига чиқишга ҳам йўл қўймади. Фарғона афандисининг оғзаки ҳикоялари ва ичак узди латифаларини соғинган мухлислари, дўстлари, шогирдлари уйига бориб, зиёрат қилиб эшитиб келишарди. Ёзувчи Адҳам Ҳамдам одамлар лабига кулгуни муҳрлаб, 1988 йилнинг октябр ойида вафот этди. Жўйдам қишлоғи қабристонига дафн қилинди.

Ўлимидан сўнг Адҳам Ҳамдамнинг ҳаёти латифага кўчди. Кичик бўлса-да, унинг 80 йиллик юбилеи нишонланди. Ёзувчи Омон Мухтор ва Рустам Қосимовлар «Адҳам Ҳамдам ҳаётидан латифалар»ни тўплаб, «Шарқ юлдузи» журнали кутубхонасининг мўъжазгина буклетини нашр эттирдилар. Аммо «юрган йўлида латифалар тўқийдиган оғзаки ёзувчи» (О. Мухтор) ва қойилмақом қилиб ўқийдиган санъаткор Адҳам Ҳамдамнинг ҳаёти ҳам, мероси ҳам на тўла ўрганилмаган, на тўплаб нашр қилинмаган. Бу адабиёт муҳиби бўлиб ўсаётган келажак авлоднинг вазифаси бўлиб турибди.

Ҳар ҳолда вафотидан сўнг ҳам одамлар эсласа, демак, киши бу фоний дунёда бекорга яшамайди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977), республика ёзувчилар уюшмасининг ҳақиқий аъзоси Адҳам Ҳамдам ўзини таниган, билган, кўрмаган-у ўқиган ёки эшитган ихлосмандлари қалбида бир қатра нур бўлиб яшаб келмоқда. Шунинг ўзи ижодкор учун катта бахт эмасми?!

## ЖАНГЧИ ҚАЛАМКАШ

(1921-1993)



Бу одам табиатан хушчақчақ, покиза ниятли, ҳамиятли, киришимли инсон эди. Дўсту биродарлар даврасида қувнаб-яйрашни, тўй-ҳашамларда қамишдан бел боглаб хизмат қилишни яхши кўрарди. Бир-икки марта кўришган танишига ҳам қалбини очиб, қўлидан келганича кўмак бериб, кўнглини олар, эзгу мақсадига эришмагунча тинчимасди. Гап Исмоилжон Тўхтасинов тўғрисида кетяпти десам, уни билган, таниган одамлар дарҳол дуога қўл очиб чин дилдан «яхши одам эди, Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!» дейишлари табиий.

Таниқли журналист, II жаҳон уруши қатнашчиси Исмоилжон Тўхтасинов 1921 йилда Марғилон шаҳрида туғилган. Бу пайтда фуқаролар уруши авжига чиққанди. Кўҳна Марғилон шаҳри қизил аскарлар билан миллий озодлик учун курашувчи маҳаллий аҳоли вакиллари ўртасида талаш эди. Ҳамма ўзини эҳтиёт қилар, кўчага чиқиш йўқ эди. Исмоилжоннинг ёшлиги ана шу таҳликали йилларга тўғри келди, очарчилик даврини бошидан кечирди. Бироқ ота-она фарзандининг келажagini ўйламаса, эртаси учун курашмаса бўлмасди. Ахир, ҳолва деган билан оғиз чучимайдиди. Исмоилжоннинг ота-онаси ҳам ўз болаларининг келажакда «катта» одам бўлишини, кексайганда унинг роҳатини кўриб яшашни орзу қилишарди.

Исмоилжон маҳалласида ташкил этилган совет мактабида ўқиди. Аммо тирикчилик тобора қийинлашиб борганлигидан ўқишдан кўра оиланинг яшаш шароитини яхшилаш истаги зўрроқ чиқди. Марғилон хунармандлар шаҳри эмасми, оилада туғилган гўдак қиздир-ўғилдир кўзини очибоқ атлас, беқасам сингари бежирим матоларни, уларни тўқийдиган дастгоҳларни кўрарди. Лекин 30-йилларнинг охирига келиб, совет ҳукумати хусусий тўқувчиларни тугатган, барчани ягона корхонага жалб этганди. Исмоилжон ҳам 7-синфни тамомлагач, ота-онасининг розилиги билан Марғилон ипак-тўқув фабрикасига ишга кирди ва уч йил шу ерда меҳнат қилди.

Ёш Исмоилжоннинг қалбида атрофида ишлаётган йигит-қизлар, опалар ва амакилар меҳнатини тараннум этиш истаги пайдо бўлар, бу ўй унга тинчлик бермасди. Бир куни фабрикада эришилаётган муваффақиятлар ҳақида кичкина хабар ёзиб, шаҳар газетасига олиб борди. Шу-шу Исмоилжон «Марғилон ҳақиқати» гезетаси билан ошно тутиниб қолди ва 1939 йилдан муҳарририятда дастлаб корректор, кейин эса адабий ходим бўлиб ишлай бошлади. Аммо тез орада Иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. И. Тўхтасинов 1941 йил декабр ойида ўз аризасига биноан кўнгиллилар сафида ҳарбий хизматга олинди. Дастлаб Фарғонада ташкил этилган 94-алоҳида ўзбек ўқчи бригадасининг ҳарбий машғулотларида қатнашди. Кейин сафдошлари билан Днепр бўйларида то Руминия, Венгрия мамлакатлари худудини фашистлардан озод қилишда қатнашди.

Жангчи Исмоилжон Тўхтасинов ғалаба арафасида ярадор бўлиб юртига қайтди. Соғлигини тиклаб олгач яна ишга шўнғиди. Энди уруш кўрган жангчини комсомол ва партия ташкилотлари ўз хизматига чорлади. Исмоилжон 1945–46 йилларда Марғилон шаҳар ёшлар ташкилотида йўриқчи, 1946–48 йилларда Охунбобоев тумани ёшлар қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлади. Аммо у ҳануз кўнглини газетадан узолмасди. Кулай пайт топиб газетага ишга ўтишни орзу қиларди. Ниҳоят, 1948 йилда уни вилоят «Коммуна» газетасига ишга таклиф қилишди.

Энди И. Тўхтасинов завқ билан, ҳафсала билан турли мавзуларда мақола, лавҳа ва очерклар ёза бошлади. Иштиёқи, изланувчанлиги билан кўзга тез кўринди. Шунинг учун бу фаол журналистни «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетаси муҳарририяти ўзининг Фарғона вилояти бўйича доимий муҳбири қилиб ишга олди. Исмоилжон ака ўз умрининг энг ишчан ва завқли дамларини ана шу ижод даргоҳида ўтказганлиги билан доим фахрланиб юрди. Ўн йилдан зиёд шу газета муҳбири сифатида ишлади, вилоятда у бормаган қишлоқ, туман, мақола ёзмаган жамоа ёки жонкуяр, чинакам фидойи кишилар қолмади ҳисоб. Муҳбир ўз ҳамдортларининг ҳалол меҳнати, ажойиб фазилатлари тўғрисида ҳавас билан, тўлқинланиб, илҳом билан чин дилдан ёзарди.

Исмоилжон Тўхтасинов 1964 йилдан бошлаб қарийб 20 йил мобайнида вилоят Матбуот бошқармасининг бошлиғи лавозимида ишлади. Бу даврда ўзининг ташкилотчилик қобилияти, ташаббускорлиги, ишчанлиги билан вилоятда нашриёт-матбаачилик ишининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. Кўп йиллар матбуот соҳасида ишлаб қалами чархланиб қолган ҳамда кўплаб ажойиб тақдирли кишилар, қизиқарли ҳамда муҳим воқеалар гувоҳи бўлган

тажрибали журналист талай очерклар, публицистик мақолалар ёзди. 1966 йилда унинг «Заршунослар» номли биринчи китоби босилиб чиқди. 1969 йилда бирин-кетин «Фарғона», «Кўнгиллилар», 1976 йилда эса «Марғилон ипак шаҳри» деб аталган очерклари ва альбом китоблари нашр қилинди.


II жаҳон уруши қатнашчиси сифатида ёзувчини кўпроқ ҳарбий-ватанпарварлик мавзуси қизиқтирар, ўзининг қуролдош дўстлари, собиқ жангчилар тўғрисида алоҳида илҳом билан асарлар яратди. 1981 йилда босилган «Ватанни деб...» номли китобида қувалик уруш фахрийси, Бекат қишлоғидаги машҳур жамоа хўжалигига кўп йиллар раислик қилган Қўлдош Аҳмедов, 1984 йилда чоп этилган «Водий ўғлонлари» китобида эса фарғоналик баҳодир жангчи, кўрқмас командир Мамасоли Мамарасуловнинг фаолияти тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу мавзуда кўпроқ ёзишдан «ниятим ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш»дир деган эди муаллиф.

1989 йилда И. Тўхтасинов Катта Фарғона канали қурилиб ишга туширилганлигининг 50 йиллигига бағишлаб «Бунёдкорлар» номли очерklarини ёзди. Унда Ўзбекистоннинг энг оғир йилларида буюк сув иншооти қурилишига раҳбарлик қилган, меҳнатда фидойилик кўрсатган кишилар тўғрисида гурур билан ҳикоя қилди. Асарда республика Марказий Ижроия қўмитасининг раиси Йўлдош ота Охунбобоевдан тортиб муҳандис Н. Бирюковга қадар 14 нафар жонбозлар қаламга олинган. Китоб факт ва рақамларга бойлиги билан эътиборни тортади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, республика ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1983 йил) И. Тўхтасинов 1993 йил 24 сентябрда вафот этди. Фарғона шаҳрига дафн қилинган.

# МЕҲНАТДА УЛҒАЙГАН ИЖОД

(1925-1997)



Донишмандлардан бири «Талантнинг 99 фоизи меҳнатдир» деб бежиз айтмаган. Негаки, хунармандми, санъаткорми, мусаввирми, ижодкор ёхуд хонандами, барибир, табиатида йилт этган учкун мавжуд бўлса, уни гулханга айлантириш мумкин. Бунинг учун саржин-саржин ўтин ёриш, қалаш, пуфлаш, атрофида гирдикапалак бўлиш, хуллас, тинимсиз уриниш шарт. Ана шунда унча-мунча хўл ўтин ҳам қуриб, аланга олиши тезлашади, бошқаларни ҳам тафтидан баҳраманд қилади. Шоир Турсунбói Маḡмудов ҳақида ўйлаганимда ана шу фикр хаёлимга келади. Турсунбói ака чиндан ҳам меҳнаткаш ижодкор эди.

1925 йилнинг 8 июнида Охунбобоев туманидаги Қумтепа фуқаролар йиғинига қарашли Қораариқ қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилган гўдакка ота-онаси умид билан Турсунбói деб исм қўйишди. Ички уруш давом этаётган, очлик ва қашшоқлик авжига чиққан бу ночор йилларда Маḡмуд ака оиласида дунёга келган гўдаклар вояга етмай нобуд бўларди. Турсунбói уларнинг умидини оқлади, соғ-саломат ўса бошлади. Етти ёшидан қишлоқ мактабига ўқишга кирди.

Буни қарангки, Турсунбói Маḡмудовнинг 10-синфни тамомлаши Иккинчи жаҳон уруши авж олган йилларга тўғри келди. У мактабдан келибоқ далага отланар, тенгдошлари қаторида кексалар ва аёлларга мадад берарди. Ўнинчи синфни битириши билан уни табельчи қилиб олишди. Уруш хавфи эса тобора кучайиб борар, қишлоқда эркаклар сафи борган сари сийраклашарди. Навбат ўсмирларга келди. Ҳали 18 ёшга тўлмаган Турсунбói минглаб, ўн минглаб ўзбек йигитлари қатори урушга отланди. Улар ўз Ватанини рус ерида туриб Ҳимоя қилдилар. Турсунбói Маḡмудов дастлаб Қозоғистоннинг Кўкчатов шаҳрида ҳарбий тайёргарликдан ўтди. Шундан сўнг 1943 йилнинг 15 апрелидан 1945 йилнинг 15 декабригача фронтда жанг қилди.

Жуда кўп ҳамюртларимиз жангоҳлардан қайтмадилар. Колхоз далалари, мактаб хоналари, қурилиш майдонлари хувиллаб қолди. Ишчи кучи, ўқитувчилар, қурувчилар сув билан ҳаводек керак эди.

Шунинг учун Турсунбойни фронтдан қайтиши биланоқ ўзи ўқиган мактабга ўқитувчи қилиб олдилар. Орадан кўп ўтмай уни «Марғилон ҳақиқати» газетасига ишга таклиф қилишди. Ана шу пайтдан унинг ҳаётида ижодий меҳнат билан кечадиган сермазмун давр бошланди.

Аслида бадиий ижодга иштиёқ Турсунбой қалбида ўқувчилик йилларидаёқ туғилган эди. Ўшанда ўзи ёқтириб қолган шеърларни қайта-қайта ўқир, ёд олар, давраларда завқ билан айтиб берарди. «Гоҳ-гоҳ сўзларни қофиялаштириб, дафтаримга баъзи қораламаларни ёзиб ҳам кўярдим» деб ёзади у таржимаи ҳолида. Болалигида уйғонган шеърятга ҳавас уруш йилларида, айниқса, она юртидан узоқдаги жангоҳларда кўнгил эҳтиёжига айланди. Т. Маҳмудов ҳам курул билан, ҳам қалам билан душманга қарши курашишни фуқаролик бурчи деб билди.

«Уруш вақтида ёзган баъзи шеърларим она юртга қайтганимдан кейин «Марғилон ҳақиқати» газетасида бирин-кетин ёритилди. Бундан мен янада завқланиб кетдим» («Ўзим ҳақимда», кўлёзма). Бу завқланиш унга янги ижодий куч бағишлади. Т. Маҳмудов имзоси билан ёзилган мақолалар, очерклар, лавҳалар, шеърлар, ҳажвий ҳикоялар, миниатюралар, таржималар фақат шаҳар газетасидагина эмас, балки вилоят ва республика газеталари, «Муштум» журнали саҳифаларида мунтазам чоп этила бошланди.

1948 йилда сермаҳсул журналистни вилоят «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетасига ишга чақиришди. Бу ерда ҳам ўзининг тинимсиз изланишлари, ташаббускорлиги, имкониятлардан унумли фойдалана олиш қобилияти билан кўпчиликнинг эътиборини тортган Т. Маҳмудовни 1951 йилда республика «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон») газетасига ишга олишди. Тошкент муҳити интилувчан қаламкаш учун катта ҳаёт мактаби, ижодий дорилфунун ролини ўйнади. Чунки бу ерда Турсунбой ака Ф. Фулом, А. Қаҳҳор, Қ. Муҳаммадий, Қ. Ҳикмат сингари сўз усталари билан танишди, ҳамсуҳбат бўлди, улардан ижодий сабоқ олди. Бу давр унинг ижодий фаолиятида алоҳида из қолдирди. Тез орада Турсунбой Маҳмудов «Табассум» радиожурнали, телеминиатюралар театри кўрсатувларининг доимий муаллифи сифатида танилди.

1953 йилда Т. Маҳмудов республика журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Шундан сўнг у яна водийга қайтди. Дастлаб Ўш, сўнг Андижон вилояти газеталарида ишлади. Бу газеталарда унинг ташаббуси билан «Қамчи», «Қалампир» деб аталган танқидий саҳифалар ташкил этилди. Унда жамиятдаги мавжуд иллатлар-кўзбўямачилик, бюрократизм, лоқайдлик, порахўрлик кескин фош қилинарди.

1958 йилдан бошлаб Т. Маҳмудов дастлаб вилоят радиосида, кейин умрининг охиригача ўзи учун қадрдон маскан бўлиб қолган «Коммуна» газетасида адабий ходим, бўлим мудири бўлиб ишлади. Ана шу йиллардаги ижоди жуда сермахсул бўлди. 1983 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олиниши унинг гайратини жўшдирди. Бирин-кетин шоирнинг болаларга аталган «Гўзал қиш», «Қалдирғоч» каби шеърини тўпламлари нашр қилинди.

Ижодкор ёш авлодга лўнда, содда, тушунарли тилда мурожаат қилиб, уларни одобли, ҳунарли бўлишга ундайди. Унинг уқдиришича:

*Ҳунар ўрган ёшликдан,  
Фойда йўқ бебошликдан.*

Чунки:

*Ҳунарлилар ошар ош,  
Ҳунарсизлар тишлар тош.*

Бу айнан бугуннинг талаби эмасми?! Сиртдан содда кўринган бу мисралар замирига катта ҳақиқат яширинган бўлиб, у болаларнинг кўзини очади. Шеърининг буюк тарбиявий аҳамияти ҳам ана шундадир. Ёки ёш шоғирд тилидан айтилган мана бу сатрлар устоз кўнглига нур, белига қувват бағишлаши аниқ:

*Одоб, ахлоқ кони – Сиз,  
Шоғирдларнинг жони – Сиз.  
Юртим шараф-шони – Сиз,  
Раҳмат Сизга, муаллим!*

Т. Маҳмудовнинг ўнлаб ҳажвий шеърлари, ҳикоялари, қатралари ҳам ўқувчини юксак одоб-ахлоқ руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу боис унинг ижодидан намуналар «Ёшлик баёзи» (Т., 1976), «Ёшлик» альманахи (Т., 1976), «Тарона» (Т., 1988) тўпламларида эълон қилинган. Булар Турсунбой Маҳмудов деган фарғоналик шоирни республика адабий жамоатчилиги тан олганлигини исботлайди. Журналист, ҳажвчи шоир ва ёзувчи Турсунбой Маҳмудов 1997 йил 19 апрелда оламдан ўтди. У Қумтепа қишлоғига дафн қилинган.



## ТАРЖИМОН АДИБ

(1928-1985)



Институтни тамомлаганимдан кейин вилоят газетасининг ахборот бўлимига адабий ходим бўлиб ишга қабул қилиндим. Бўлимга багрикенг ва ҳазилкаш инсон Ҳожимат Қодиров мудирлик қиларди. Бу одам билан илгаритдан таниш бўлганим учун хонага дадил кириб бордим. Ҳожимат ака йўқ эди. Уртадаги столда юзи оқ-сариқдан келган, кўзлари кўкишга мойил, сочлари малларанг, қадди-қомати келишган киши нимадир ёзиб ўтирарди. Мен эшикни ярим очиб, истиҳола билан «Здрасте! Где Хаджимат ака?» деб сўрадим. У одам менга ялт этиб қараб, соф ўзбек тилида «Ваалайкум ассалом! Ҳозир келади. Кириб ўтира туринг!» деди. Бу одамни рус деб ўйлаганим учун ҳижолат чекиб, ўз тилимизда қайта саломлашиб сўрашдим.

Кетма-кет Ҳожимат ака кириб келдилар-да, «Э, келдингизми, Бешкапани жинниси! Мана энди, бирга ишлайдиган бўлдик. Бу — шеригимиз Аҳмаджон, таржима жинниси!» деб таништирдилар (ҳазилкаш одам эди раҳматли Ҳожимат ака! Ўзи ёқтирган одамларни «жинни» деб эрқаларди). Иқтидорли таржимон Аҳмаджон Ёқубов билан илк танишувим ана шундай бўлган. Кейин қисқа мудатда апоқ-чапоқ бўлиб, ҳатто оилавий борди-келди қиладиган бўлдик.

Аҳмаджон Ёқубов Фарғона туманига қарашли Бешбола қишлоғида 1928 йил 13 июн куни туғилди. Отаси таржибали деҳқон Ёқубжон Мусаев колхозлаштириш мавсумининг фаол иштирокчиси бўлган, бир неча йил ўзи тузган хўжаликка раислик ҳам қилган. Онаси Мастура опа уй-рўзгор ишларини тебратиш билан бирга ҳар йили ипак қурти боқиб, мўл-кўл пилла ҳосили етиштирарди. Аҳмаджон ана шундай меҳнаткаш оилада вояга етди.

1944 йилда Бешбола қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабни тамомлаган А. Ёқубов дастлаб хунар ўрганиш мақсадида атлас тўқиш устaxonасига шогирд тушди ва тўқувчи бўлиб ишлай бошлади. Айни пайтда кечки ишчи ёшлар мактабига қатнаб, 10-синфни ҳам битириб олди. Сўнгра олий маълумот олиш учун 1946 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ҳужжат топширди. Кириш имтиҳонларидан муваффақиятли ўтган Аҳмаджон тўрт йил ана шу билим даргоҳида

таълим олди ва 1950 йилда Охунбобоев туманига ишга юборилди. Уни Болтакўл қишлоғидаги ўрта мактабга ўқитувчи қилиб олишди. Орадан бир йил ўтиб ҳарбий хизматга жўнаб кетди. 1954 йилда армиядан қайтиб келган Аҳмаджон Ёқубов ўзи тугилиб ўсган қишлоқдаги 33-ўрта мактабга ишга қабул қилинди. Орадан кўп ўтмай ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлигига тайинланди. Кейин бир неча йил мактаб директори бўлиб ишлади.

60-йилларда Аҳмаджон Ёқубов директорлик қилган Бешбола қишлоғидаги 33-мактаб Фарғона Давлат педагогика институти учун доимий педамалиёт ўтказиладиган таянч мактаблардан бири бўлиб қолганди. Чунки бу билим даргоҳида К. Саримсоқов, Гоголадзе, А. Қодиров сингари кўп йиллик тажрибага эга бўлган билимдон ва моҳир ўқитувчилар ишлашарди. Уларнинг билими ва тажрибасидан фақат мактабда эмас, балки олий билим юртида ҳам бемалол фойдаланиш мумкин эди. Шунинг учун Аҳмаджон Ёқубовни институтнинг педагогика кафедрасига ишга таклиф этишди. Шундай қилиб, у 1960-63 йилларда институтда педагогика ва она тили фанларидан талабаларга дарс берди.

Аммо қаерда, қандай лавозимда ишламасин Аҳмаджон аканинг қалбида бадийий ижодга мойиллик устунлик қиларди. Ёшлиги рус болалари билан ўтганлигиданми, йигит ҳар ҳолда бу тилни анча яхши биларди. Тўрт йиллик ҳарбий хизматда ҳам у бу тилни янада пухта ўрганди. Аҳмаджон кўпинча бадийий асарларни рус тилида ўқир, улардаги қизиқарли эпизодлар, таъсирли манзаралар ҳаёлида қайта жонланар, шунинг учун уларни ўзбек тилига таржима қилиб, ҳамюртларини жаҳон адабиётининг нодир дурдоналаридан баҳраманд қилишни истарди. Ана шу ички эҳтиёж уни илмий ишдан ҳам кўра кўпроқ қалбига яқин таржимонлик соҳасига тортар эди. Истақ қолиб чиқди ва Аҳмаджон Ёқубов 1963 йилдан бошлаб то умрининг охиригача вилоят газетаси (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») муҳарририятида таржимонлик қилди.

Уша пайтларда собиқ совет иттифоқи телеграф агентлигининг хабарлари Москвадан ҳам, Тошкентдан ҳам тўғридан тўғри рус тилида бериларди. Республика ва вилоят миқёсидаги рус тилида нашр қилинадиган газеталарга маза, уларга қўл ҳам урмай теришга бериб юборилаверар, аммо ўзбек тилида чиқадиган газеталар учун бу иш кони азоб эди. Кўпинча битта иккита таржимон камлик қилиб қолар эди. Эсимда, Аҳмаджон ака баъзи кунлари туни билан ишлашга мажбур бўлар, биз эрталаб ишга борганимиздан кейин уйга дам олгани кетар эди. Лекин ҳеч қачон иш кўплигидан, чарчоқдан шикоят қилмасди. Бунинг устига фарзандлар кўпайган, уларни едириш, кийдириш, тарбиялаш, ўқитиш учун биргина газетада топган маош эмас, чунки расмий хабарлар таржимасига ҳукумат қалам ҳақи тўламас эди. Шу боисдан А. Ёқубов бир неча йил шаҳардаги кечки ишчи ёшлар мактабида ўқитувчи бўлиб ҳам ишлади.

60-йиллардан бошлаб Аҳмаджон Ёқубов жаҳон ва рус адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилишга киришди. Дастлаб машҳур ҳинд адиби Кришан Чандрнинг «Бир маъшукқа минг ошиқ» асарини ўзбекчалаштириб, нашриётга топширди. Асар Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг таржимонлик бўлимида муҳокама қилиниб маъқулланди ва босишга тавсия этилди. Чунки А. Ёқубовнинг мутахассислиги филолог бўлганлигидан ўзбек адабий тили қонун-қоидаларини яхши билар, луғат бойлиги етарли эди. Шунинг учун таржималари адабий жамоатчилик ва ўқувчилар томонидан ҳам илиқ кутиб олинди.

Биринчи таржимаси муваффақиятли чиққанидан руҳланган А. Ёқубов янада астойдилроқ ишга киришди ва қисқа муддатда Ҳиндистон халқ эртакларининг бир нечасини таржима қилиб, «Сеҳрли узук» номи билан нашр эттирди. Шундан сўнг рус адиби Юрий Дмитриевнинг саргузашт қисса ва тўрт ҳикоясини ўз ичига олган «Олтин поезд» номли китоби унинг таржимасида 1967 йили босилиб чиқди. Кейин машҳур адиб Р. Л. Стивенсоннинг «Хазиналар ороли» деб аталган асарини ўгиришга киришди. 1973 йилда китобхонлар кўлига етиб борган бу асар 60 минг нусхада чоп этилган эди. Аммо қатта-ю кичикка бирдай қизиқарли туюлган чоп саргузашт-фантастик қисса ўзбек китобхонлари ўртасида жуда тез тарқалиб кетди.

Аҳмаджон Ёқубов энди тажрибали ва таниқли таржимон сифатида танилиб қолганди. Нашриётлар ҳам у билан ижодий ҳамкорлик қилишга киришдилар. Бу масъулиятни чуқур ҳис қилган адиб ишга янада астойдил киришди. Ҳинд ёзувчиси Рангея Рагхавнинг «Токайгача чорлайман сени?» романи таржимаси устида узоқ йиллар ишлади. Тўрт авлод ҳаётини қамраб олган бу муҳаббат достони Аҳмаджон Ёқубов томонидан меҳр билан таржима қилинди. Шуниси борки, «Врач, операция, синъор, шприц, аптека» каби русча сўз ва иборалар матбуот саҳифаларида ҳам, китобларда ҳам фаол қўлланилган ўша 80-йилларда таржимон А. Ёқубов уларни соф ўзбек тилида «ҳаким, табиб, жарроҳлик, игна, дорихона, валинеъматим, мулозим» сўзлари билан ўгирди ва ўзбек китобхонининг она тилига бўлган муҳаббатини янада оширди.

Мана шундай муваффақиятли таржималари учун Аҳмаджон Ёқубов 1983 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Бу эътироф унга ғайрат ва ижодий илҳом бағишлади. Таржима қилишдан ташқари ўзининг янги қиссаси устида ҳам иш бошлади. Тошкентдаги иккита нашриёт буюртмасига кўра янги асарларни таржима қилишга киришди. Аммо шафқатсиз ўлим бу режаларининг амалга ошишига халақит берди. Ижоди авжи қизғин паллага кирган бир пайтда — 1985 йилнинг 11 мартида 57 ёшида вафот этди. Марҳум Бешбола қишлоғи қабристонига дафн қилинган.

# МЕҲНАТНИНГ ШИРИН МЕВАСИ

(1928-1995)



Мени марғилонлик адиб Мамадали Умаровнинг Терактаги маҳалласидаги ҳовлисига унинг шогирди, таниқли шоиримиз Исмоилжон Мирзамаҳмудов олиб бораётиб, йўл-йўлакай устози тўғрисидаги хотиралари билан ўртоқлашиб кетди. Унинг айтишича, Мамадали ака жуда хушмуомалали, меҳнаткаш одам бўлган экан. Шаҳардаги 19-мактабда ишлаган пайтлари катта танаффус чоғларида мактаб радиоузели орқали унинг шеърлари, ҳикоялари ва пьесаларидан парчалар ўқиб эшиттирилар, бу ўқувчиларнинг адабиётга қизиқишини беҳад оширар эди. «Биз сўз санъатига нечоғлик ихлос кўйган бўлсак, бу устозимиз Мамадали Умаровнинг таъсири туфайлидир» деди Исмоилжон. Чунки М. Умаров мактабда ташкил қилган адабиёт тўғараги жуда кўплаб ижодкорларнинг етишиб чиқишига кўмаклашди.

Сухбат билан андармон бўлиб, манзилга етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз. Бизни кўчадаёқ шоирнинг икки ўғли Ганишер, Улугбеклар хушхонлик ва марғилонча манзират билан кутиб олдилар. Кейин бизни отасининг ҳануз файзини йўқотмаган ижодхонасига бошлаб киришиб, ҳужжатлари ҳамда мероси билан таништирдилар.

Мамадали Умаров 1928 йилнинг 27 ноябрида Марғилон шаҳрида хунармандлар оиласида туғилди. 7-синфни тамомлаб, 1942-44 йилларда шаҳардаги педбилим юртида (у пайтда техникум деб аталарди) ўқиди. Тамомлагандан кейин бир йил мактабда ишлагач, Марғилон ўқитувчилар институтига кириб ўқиди. Бу билим масканини 1949 йилда тамомлаб, ўқитувчилик фаолиятини давом эттирди. 1950-йилда Мамадали ҳарбий хизматга чақирилди. Хизматдан қайтгач, 1953 йилдан бошлаб яна шаҳардаги 17-мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Айни чоғда Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига сиртдан

ўқишга кирди. 1965 йилдан то умрининг охиригача 7, 19-мактабларда ёш авлодга таълим бериш билан бирга шаҳарнинг «Марғилон ҳақиқати» газетасида адабий ходим, бўлим мудирининг вазифаларини ҳам бажарди. Ўзи дарс бераётган мактаблардаги ўқувчилар орасидан ўнлаб ҳавасмандларни газета саҳифасига олиб чиқди, ижоднинг машаққатли йўлига етаклади. М. Умаров 1995 йилнинг 3 декабрида 67 ёшида вафот этди.

Мамадали Умаров ижоди педбилим юртида ўқиб юрган пайтларида бошланди. Шоирнинг биринчи китоби «Йўлда» 1961 йили нашр қилинди. Мана шу йилларда адабиётга кириб келиб, шеърининг ҳавосини янгилаган Э. Воҳидов, А. Орипов, М. Жалил, Р. Парфи, О. Матжон, О. Мухтор, Ж. Камол кабилар қаторида фарғоналик Охунжон Ҳакимов, Йўлдош Сулаймон, Малика Мирзаева ва Мамадали Умаровларнинг борлиги гоё қувончлидир. М. Умаров ҳам илк тўплами биланоқ кўплаб мухлислар орттирди. 40 та шеърдан иборат бу тўпланда ёш шоирнинг Ватан, юрт, она, ёрга бўлган қизгин меҳр-муҳаббати эҳтирос билан ифодаланган эди. Бундай севгига эга инсонда меҳнатсеварлик фазилати кучли бўлади. Зеро, шоирнинг ёзишича, «... меҳнат кишига куч, роҳат бағишлаб, келтирар иқбол». Бора-бора меҳнат М. Умаров ижодининг бош мавзусига, меҳнаткаш инсон эса асосий қаҳрамонига айланди.

Ўтган асрнинг 20-30-йиллари воқеаларидан олиб ёзилган «Бу оламнинг эртаси» («Катта ҳаёт бўсағасида» номли ҳаммуаллифликдаги китоб, Т., 1987) қиссасида ҳам Мамадали Умаров жамият ўзгариши, ҳаётдаги қийинчиликларга қарамай бир-бирига меҳр-оқибатини йўқотмаган, бир бурда нонини кўни-кўшнисидан аямай, ҳалол меҳнати билан очарчилик тегирмонидан тирик чиққан уста Маҳмуд, уста Умрзоқ, Она, ўқитувчи Нурматов, Розик ота сингари образларни яратади. Бу қиссада марғилонлик атлас тўқувчи ҳунармандларнинг жамоа асосида бирлашиб ишлаши, бир-бирларини қўллаб-қувватлашининг афзалликлари ифодаланган. Бир сўз билан айтганда, ҳикоячи-қаҳрамон Болажон (Яхшибой)нинг ҳунарга кўнгил қўйиши асарга шоирнинг қуйидаги тўртлиги асос қилиб олинганлигидан далолат беради:

*Йўқдан асло дунёда бирор нарса бор бўлмас,  
Кўрқоқларга на меҳнат, на саодат ёр бўлмас.  
Ихлос билан ҳар ишга дадил узат қўлингини,  
Дейдиларки, жаҳонда ҳунарли эл хор бўлмас.*

1971 йил октябрь ойида Мамадали Умаров Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олинди (гувоҳнома рақами 34715). Бу эътироф унга янада илҳом бағишлади ва 1973 йилда «Алангали йиллар» номли шеърлар тўпламини нашр эттирди. 1985 йилда бир гуруҳ ижодкорларнинг шеър ва ҳикояларидан ташкил топган «Биллур жилғалар» баёзида М. Умаровнинг 12 та шеъри эълон қилинди. Шоир ана шу шеърларида ўзининг доимий ва сеvimли мавзусини тараннум этишга интилади. Яъни уларда шоир «Тўқув дастгоҳида, тўқув машқида, ҳунар эгаллашда тиришқоқ» бўлган одамларни улуғлайди. Ҳатто М. Умаров ўзига тахаллус учун танлаган «Жазмий» сўзида ҳам ана шу меҳнатсеварлик, тиришқоқлик (Жазм қилиш, интилиш) маъноси мужассамдир. Шоирнинг эътиқодича:

*Меҳнат қилган азиз ардоқли элда,  
Ишда туғилади янги қаҳрамон.  
Олқишдан нур ўйнаб, балқиб кўнгилда  
Қудратга тўлади меҳнаткаш инсон.*

М. Умаровнинг 1967 йилда яратган «Узилган занжир» пьесаси Марғилон шаҳар халқ театри сахнасида узоқ йиллар қўйилди ва муаллифга катта обрў келтирди. Бу мусиқали драма кейинроқ республика телевидениеси орқали ҳам кўп марта намойиш қилинди. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, лирик шоир, носир ва драматург М. Умаров уни билган, кўрган шогирдлари, дўстлари хотирасида узоқ яшайди. Зеро, қисса қаҳрамонларидан бири айтганидек, «Фикри ёруғ, кўзлари олисни кўрадиган, биргалашиб қилинган меҳнатдан бахтини топади»ган ҳар қандай одам доим барҳаётдир. М. Умаров ҳам ана шундай инсонлар қаторидан ўрин олган.

## УСТОЗЛАРИ СУЙГАН ШОГИРД

(1929-1993)



Ҳар қандай соҳада ҳам аввало, устозларнинг назарига тушиш осон эмас. Тушгандан кейин уларнинг ишончини оқлаш ундан ҳам қийин. Шукурки, бизнинг Фарғонада устоз санъаткорлар назарига тушган, уларнинг ишончини оқлай олган адиблар талайгина. Аммо Абдулла Қаҳҳордек талабчан, инжиқ сўз устасининг эътиборини қозониш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайдиган бахтдир. Бундай бахтли ижодкорлар ўзбек адабиётида санокли: Саид Аҳмад, Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаев, Анвар Муқимов. Ҳа, ҳозирги пайтда ўзбек адабиётининг устунлари бўлиб қолган адиблар қаторида бизнинг ҳамюртимиз оддийгина ўқитувчи Анвар Муқимовнинг ҳам борлиги қувончлидир. Анвар Муқимов Абдулла Қаҳҳордан бир эмас, бир неча марта хат олган, Саид Аҳмад унга оқ йўл тилаган. Бу ҳақда кейинроқ. Ҳозир эса...

Анвар Муқимов 1929 йилнинг 1 июлида (1984 йилда нашр этилган «Писатели советского Узбекистана» китобида унинг туғилган йили 1932 деб нотўғри берилган) Боғдод туманига қарашли Олчин қишлоғида таваллуд топди. Унинг ёшлиги ва ўсмирлиги очарчилик, қаҳатчилик, ички низолар кучайган, қама-қамалар авж олган ва иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларига тўғри келди.

Отаси Муқим бува болаларини қатиққўллик билан тарбиялади, ҳалол меҳнат билан пул топишни талаб қилди. Катта ўғли Мухторали кўли гул уста эди, кўп ишлаб, яхши пул топарди. Шунинг учун отаси Анваржонни ҳам 10-синфни битирганидан кейин акасига қўшиб қўйди. Ака-укалар тўрт йил биргаликда ишладилар. Анваржон турли одамларни кўрди, уларнинг характерини ўрганди. Бироқ 50-йилларда мактаблар ёш кадрларга муҳтож эди. Ўқитувчиларнинг кўпи фронтдан қайтиб келмади, бори ҳам чаласавод одамлар эди. Уларнинг ўрнини босиш, ёш авлодни билимдон, етук қилиб табиёлаш учун янги авлод етишиб

чиқиши талаб қилинарди. Шунинг учун Анваржон ўз олдига ўқитувчи бўлишни мақсад қилиб қўйди ва 1952 йили отасидан рухсат олиб Тошкентга жўнади. Шу йилиёқ республика чет тиллар институтининг немис тили факультетига ўқишга кирди.

1956 йилда институтни тамомлаб келган ёш ўқитувчи Анвар Муқимов Боғдод тумани мактаблари ўртасида талаш бўлиб кетди. Чунки бу йилларда мактабларда нафақат чет тили, балки она тили ва адабиёти, физика-математика, тарих, география каби кўплаб фанлардан ҳам олий маълумотли ўқитувчилар етишмасди. Шу боисдан у 1963 йилгача 3, 12, 13, 14-мактабларда ишлади. Охирги уч йилда 12-мактабга директорлик қилди.

Бу пайтда Анвар Муқимов фельетончи ва сатирик ёзувчи сифатида хийла танилиб қолган, ҳикоя ва мақолалари вилоят ҳамда республика матбуотида пешма-пеш чоп этиларди. Унинг талантини илк бор Саид Аҳмад илғади. «Анвар Муқимовни дастлаб ёш ёзувчилар семинарида танигандим, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ ёзувчиси устоз Саид Аҳмад, – унинг яхшигина бир ҳикоясини ўқиб, катта газеталардан бирида «Оқ йўл» тилаганман». Кейин бу йигитни Абдулла Қаҳҳор билан таништирди. Ёш адибнинг «Муштум» журналида босилган бир ҳикоясини ўқиган Абдулла ака дарҳол куйидаги қисқа ва ғоят руҳлантирадиган мактуб йўллади: «Анваржон! «Бизнинг ташаббус»ни ўқиб қувониб кетдим. Сизда сатирик ёзувчининг ўткир кўзи, қувлиги бор. Бу соҳада муваффақият қозонишингизга аминман. Ҳурмат билан: А. Қаҳҳор. 1965 йил 14 ноябр».

Бу хат Анвар Муқимовга қанот бағишлади. Устозлари А. Қаҳҳор ва С. Аҳмадларнинг таклифи билан «ижодий ўсиш, устозлардан сабоқ олиш, пойтахтдаги адабий муҳитда пишиш, ўзи тенги ёш ёзувчилар билан бўладиган мулоқотларда фикр доирасини кенгайтириш» (С. Аҳмад) учун Тошкентга келди. Дастлаб «Муштум» журналида, кейин «Ўзбекистон» нашриётида ишлади. Бироқ Тошкентда узоқ ишлашнинг иложи бўлмади. Негаки, оиласи қишлоқда қолган, болалар йил сайин кўпаяётганди. Шунинг учун у қишлоққа қайтиш, қайтганда ҳам Тошкент билан алоқани узмаслик йўллари излай бошлади. Устозларининг йўл-йўриги билан мактаб ҳаётини яхши билган, ҳикоя, фельетон ва мақолаларида маориф соҳасидаги муаммоларни дадил кўтараётган Анвар Муқимов «Ўқитувчилар газетаси»нинг водий бўйича мухбири бўлиб ишлай бошлади.



Бу орада Анвар Муқимовнинг биринчи ҳикоялар тўплами «Ғалати одамлар» номи билан босилиб чиқди (1969). Унга 11 та ҳикоя киритилган бўлиб, уларнинг барчаси устозлари А. Қаҳҳор ва Саид Аҳмад назаридан ўтган, пишиқ, унда тасвирланган воқеа ва характерларни кўз билан кўриб, қўл билан ушлаш даражасида аниқ ва кўримли эди. Энг муҳими, улар Қаҳҳорона ихчам ва лўнда, Саид Аҳмад услубига хос кулгили тасвир ҳамда ибораларга бой эди. Чунки Анваржон Тошкентга келиб устозлари билан янада яқинлашган, ҳар бир ҳикоясини уларга кўрсатиб, йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олиб, қайта ишлаб, нашрга тайёрлаган эди. Айниқса, Абдулла Қаҳҳор ўз меҳрини қозонган бу шогирдининг ҳар бир асарини синчиклаб текшириб, тегишли маслаҳатлар бериб турди. Масалан, ўша биринчи тўпلامдан жой олган «Ишлар жойида», «Ақлим киряпти» сингари ҳикояларини устоз тавсиялари асосида қайта ишланганлигини Абдулла аканинг 1966 йил 27 апрелдаги мактубидан билиб олиш мумкин. Улуғ ёзувчи хат охирида шогирдига агар «Менинг таклифларим илҳом туғдирмаса, зўрма-зўраки уринманг, чунки илҳомсиз тузатиш бузишдан нари ўтмайди» дея ижодий эркинлик беради.

Анвар Муқимовнинг ижодий ишлари йил сайин самарали бўлиб борарди. Биринчи тўплами нашр этилгандан кейин бир йил ўтиб, 22 та ҳикоясини ўз ичига олган «Пинҳона жанг қиссаси» (1970) эълон қилинди. Шундан сўнг бирин-кетин «Хотинимдан ургилан» (1972), «Биз бир ёндан, сиз бир ёндан» (1977) деб номланган китоблари босилиб чиқди. 1982 йилда нашр қилинган «Кичкина бола эмасман» китоби эса А. Муқимовнинг Ўзбекистон ёзувчилари уюшмаси аъзолигига қабул қилинишига тўхфа бўлди (гувоҳнома № 13265). Энди ёзувчи ҳажвчилик борасида С. Аҳмад, Н. Аминов, С. Сиёевлар қаторидан мустаҳкам ўрин олди. Адабиётшунослар унинг асарлари тўғрисида кўп ижобий фикрлар билдиришди.

Кейинги йилларда адибнинг «Кўқон шамоли» (1986), «Чуқур текшириш» (1988) каби китоблари нашр қилинди. А. Муқимов устозлари А. Қаҳҳор ва С. Аҳмадлар маслаҳатларига амал қилиб, кам бўлмади. У асосан, сатирик ва юмористик ҳикоялар, интермедиялар, фелъетонлар, пародиялар яратди. Уларнинг ҳар бирида сиртдан қараганда унча кўзга ташланмайдиган, аммо оқибати оғир кўрғиликларга олиб келадиган иллатлар тасвирланади

ва уларнинг пайдо бўлишига сабабчи бўлган шахслар, ҳатто жамият, муҳит қаттиқ сатирик кулги остига олинди. Албатта, адибнинг бундай жасорат билан қалам тебратиши ҳар доим ҳам қўллаб-қувватланаверган эмас. Уни жим юришга мажбур қилувчилар, унча-мунча имтиёзлардан маҳрум этувчилар, «Вақтинг ўтди» деб четга суриб қўювчилар ҳам топилди. Танқид ҳеч кимга ҳеч қачон ёққан эмас. Ростгўй, тўғрисўз, ҳақгўй адиб бундай муносабатларни узоқ кўтара олмаслиги аниқ эди. Анвар Муқимов 1993 йилнинг 24 январида вафот этди.

Бу ўткинчи дунёни жисман тарк этган бўлса-да, ҳажвий ёзувчи Анвар Муқимовнинг ўткир қалами ўғли Саид Анвар қўлида санъат мўъжизалари яратишни давом эттирмакда. Ота изини босаётган фарзанди 1999 йилда отасининг 70 йиллиги муносабати билан «Эринсангиз, кулманг» деб номланган сайланма китобини чоп эттирди. Унга А. Муқимов ҳаётлигида чиққан 7 та китобдан энг яхши асарлари саралаб олинган. Адиб нашр қилишга улгирмаган 21 ҳикояси, 9 та пародияси «Дафтарда қолган ҳикоялар» номи остида алоҳида бўлимда берилган. Сайланмага Анвар Муқимов ижодидан 88 та асари танлаб киритилган. Аслида тиниб-тинчимас ёзувчи 150 га яқин ҳикоя, интермедия, пародиялар яратган. Ўнлаб фелетонлари эса бу ҳисобга кирмайди.

Кўринадики, боғдошлик адиб Анвар Муқимов сермахсулликда унча-мунча таниқли ёзувчилардан қолишмайди. Шунинг учун уни вафотидан кейин ҳам ҳар қанча қадрласак арзийди. Шуни назарда тутиб, Боғдод тумани ҳокимлиги 1994 йилда кўп йиллар ўзи дарс берган, директорлик қилган Олчин қишлоғидаги мактабга Анвар Муқимов номини берди. Ёзувчининг икки ўғли — Содиқжон ва Ўрмонжонлар ана шу мактабда дарс берадилар, набиралари бобосининг номи билан аталган мактабда фахрланиб ўқийдилар.

Қишлоққа борганимда Содиқжон мени дадаси яшаб ўтган ҳовлига бошлаб борди. Дарвозадан кираверишдаги ўнг томонда ихчамгина бино қад кўтарибди. Унинг айтишича, бу ерни дадасининг уй-музеи қилишмоқчи эканлар. Фарзандларининг яхши ниятини устозларининг ишончини оқлаган отасининг руҳи қўлласин.

## ЯХШИЛАР ИЗИДАН

(1929-1991)

Яхшилар изидан юрсанг, яхши одамларга учрайсан, муродингга етасан. Ишинг битиб, омадинг юришаверади деган ҳикматнинг ростлигига Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1983) Олтмиш Ўсаровни излаб Бешариққа борганимда яна бир карра ишондим. Қўқон–Бешариқ автобусига ўтириб, Рапқон қишлоғига қандай бориш йўлларини сўрай бошладим.

– У ерда кимниқига борасиз? – деб сўради ўрта ёшлардаги бир йигит.

– Ўша қишлоқда Олтмиш Ўсаров деган ёзувчи яшаган. Оила аъзолари билан танишиб, баъзи маълумотлар олмоқчи эдим. Лекин қандай бориш, кимга учрашишни билмайман. Таваккал қилиб йўлга чиқавердим ...

– Мен биламан у одамни. Қишлоқда 12 йил ветврач бўлиб ишлаганимда кўп учрашиб, кўп гаплашганман, – деди танишим. – Ўзим йўлга солиб қўяман. Катта ўғли Имомали қишлоқ чойхонаси ёнида сомса ёпади.

Ҳозир Бешариқ коллежида чорвачилик мутахассислигидан дарс бераётган Абдуваҳоб Ҳасанов Рапқонга қатнайдиган машинага ўтиргизиб, унинг ҳайдовчиси Шокирали деган йигитга мени Имомали билан учраштириб қўйишни тайинлаб, сўнг илиқ хайрлашди.

Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси (1972) Олтмиш Ўсаров 1929 йил 20 августда Бешариқ туманининг Рапқон қишлоғида туғилди. 1948-52 йилларда Конибодом шаҳридаги эрлар педагогика билим юртини, 1952-56 йилларда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетини тамомлаган Олтмишбой қишлоғига қайтиб, то умрининг охиригача Фурқат номидаги 26-мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади. Жамоатчилик асосида ўз ташаббуси билан ташкил этилган Рапқон қишлоғи тарихи музейини бошқарди. Бинобарин, Рапқон ўзининг ўтмиши билан ҳам қўшни қишлоқлардан фарқ қилади, бугунги ҳаёти ва келажаги жиҳатидан ҳам уларга ибрат бўла олади. Бу қишлоққа ҳажвчи шоир Муқимийнинг назари



гушган. Айнан О. Ўсаров ўқиган ва ишлаган 26-мактабдан республикага машҳур олимлар, қишлоқ хўжалик ходимлари, йирик жамоат арбоблари етишиб чиққан.

О. Ўсаров 60-йиллардан ижод қилишга киришди. У асосан болаларга бағишлаб асарлар ёзди, чунки адибнинг кўз ўнгида юртининг эртаси камолга етмоқда эди. Уларнинг ички дунёси ҳам, мақсад ва интилишлари ҳам ўқитувчи ижодкор Олтмиш Ўсаровга яхши таниш эди. Унинг ёзганлари «Фунча», «Гулхан», «Гулистон», «Муштум» журналлари; «Ўзбекистон маданияти» (ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»), «Ёш ленинчи» («Туркистон»), «Ленин учқуни» («Тонг юлдузи») газеталарида пешма-пеш чоп этила бошланди.

Олтмиш Ўсаровнинг биринчи китоби «Чўлда булбул сайради» номи билан 1970 йили босилиб чиқди. Атиги 14 бетдан иборат бўлган бу тўпламга муаллифнинг мактабгача тарбия ёшидаги болаларга мўлжалланган 6 та ҳикояси киритилди. Ўзи қисқа бўлса-да, тарбиявий аҳамияти катта бўлган бу ҳикоялар тез орала қирғиз тилига ўгирилиб, 1972 йилда Бишкекда ҳам нашр этилди. Бундан руҳланган ёзувчи янада астойдил ижод қила бошлади. 1974 йили «Акамга ўхшайман», 1978 йилда «Сиздан миннатдорман, одамлар!» номли китоблари босилиб чиқди. Ёзувчининг кейинги китоби ҳужжатли қисса бўлиб, ҳамқишлоғи, туғма ногирон, истеъдодли шоир Умарали Курбоновга бағишланган эди. Дарвоқе, ҳамқишлоқларининг айтишларича, Олтмишбой ака тўшакка миҳланиб ётган, аммо ҳаётга умид билан қараб, ажойиб шеърлар яратган Умаралининг республикага танилишига ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан жуда катта ёрдам берган экан. Қиссада Умаралининг ҳаётга бўлган чексиз муҳаббати, иштиёқи, ишончи, интилиши, умидворлиги, иродаси, ғайрати, дўстлари ва устозларининг меҳри, ижодга ихлоси ёш авлодга намуна қилиб кўрсатилган эди. Китоб сўнгида Умаралининг бир туркум шеърлари ҳам берилган.

Ўн бир йиллик танаффусдан сўнг (бу йилларда О. Ўсаровнинг умр йўлдоши, 6 та фарзандининг онаси Жамила опа фалаж бўлиб қолган, унга асосан домланинг ўзи қараган эди) 1989 йилда «Энди йиғламайман» деган ҳикоялар тўплами нашр қилинди. Ёзувчининг бу тўпламига кирган 26 та ҳикояси аввалги тўпламларидаги сингари ғоят қисқалиги билан ажралиб туради. Зеро, ўйинқароқ болага кўп гапнинг кераги йўқ. Унга ортиқча панд-насихат эмас, таъсирчан воқеа, кўнглига яқин манзара керак. Мана, шу тўпламга кирган «Ширин сўз бола» ёки «Мол бозорида» ҳикояларини олиб кўрайлик. Носиржон дадасини сўраб уйларига келган нотаниш

амакини ҳурмат билан салом бериб кутиб олди. Дадасини дарров чақриб берди. Амаки эса кетаётиб Носиржоннинг елкасига қоқди-да, «Хайр, ширин сўз ўғлим. Бизникига боринг, хўпми? – деди». Ҳикоя «Амаки Носиржонни нега «ширин сўз» деди экан-а?» деган савол билан тугайди. Бу саволга ҳикоя қаҳрамони Носиржон эмас, ўқувчи жавоб топиши, ўзи ҳам Носиржондай одобли, хушмуомалали бўлиши керак.

Сигирини сотиш учун бозорга олиб борганларида дадаси харидорларга камсут, тепадиган, чимхўр молини «Ниҳоятда хўра. Нушхўрд чиқармайди. Куруқ чўпни ҳам ейди. Эрта, кеч бир пақирдан – икки пақир сут беради. Ювош» деб мақтади. Нодирбек эса дадасининг бу ёлғон гапларидан ҳайрон бўлиб турарди. Ниҳоят, харидорлардан бири «Ўғлим, дадангнинг айтганлари ростми?» деб сўраганда «Нодирбек олдин сигирга, кейин дадасига қаради. Этигининг учи билан ер чизди». Шу қисқа тасвир кимнинг қандайлигини кўрсатиб турибди.

Ёзувчининг кенжа ўғли ўқитувчи Ойбек дадасининг бир дунё қўлёмаларини олдимга қўйди. 20 дан ортиқ қалин папкаларда О. Ўсаровнинг нашр этишга тайёрланган ёки нашриётда тақриздан ўтказилиб, қайта ишлашга олинган ҳикоялар, қиссалар, ханда ва ҳажвиялар бор. Улар орасида ўрта ёшдаги мактаб болаларига мўлжалланган «Энди менга ишонгандирсиз?» номли саргузашт қисса, мактаб ёшидаги болалар учун ёзилган «Мен бобомнинг ўғлиман» қиссаси эътиборимни тортди. Афсуски, ёзувчи уларни қайта ишлаб, нашр этиришга улгурмади. О. Ўсаров 1991 йилнинг март ойида вафот этди.

О. Ўсаров кўплаб шеърлар ҳам ёзган. Сўнгги йилларда у асосан тўртликлар яратди. Бу шеър шакли ҳам ижодкор услубига мос ҳолда танланган. Зеро, тўртлик айтилмоқчи бўлган катта фикрнинг ихчам ифодаси, яъни оламга татигулик бир парча патирдир. Масалан, шоир тўртликларидан бирида ёш авлодга шундай мурожаат қилади:

*Қуёшга таъзим эт, юзингни бурма,  
Сув ичган ариққа асло тупурма.  
Оёғинг остида ётур аждодлар,  
Заминни кўзга сурт, оёғинг урма!*

О. Ўсаровнинг ижодий мероси ўрганишга арзийди. Қўқондаги адабиёт музейи жамоаси ўзи камсуқуму мероси баракали адибнинг қўлёмаларини қабул қилиб олса, жуда савобли бўларди.

## ОНА ЮРТ ОШИФИ

(1934)

Охунжон Ҳақимов тўғрисида ёзилган илк мақолам республикамизнинг нуфузли журнали «Шарқ юлдузи»да босилиб чиққанига чорак асрдан ошди. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди, қанча қорлар эриб битди. Ўша пайтдаёқ Охунжон Ҳақимов ўзининг бадий юксак, мазмунан бақувват, ҳисларни қитиқловчи ҳазилга мойил шеърлари билан адабий жамоатчилик ҳамда кўп минг сонлик китобхонлар эътиборини қозонган эди. Ҳозир ундан-да машҳур, ундан-да қувноқ. Фақат боши бевақт ёғилган кўпгина қорлардан кўнгли каби оппоқ, кўпни кўрган кўзлари эса ҳамон кулиб туради. Ярқираган пешонасига ҳаётнинг шафқатсиз йиллари саноксиз ариқчалар қазиган.



Ўзи айтганидек, «шеър оламига эгатлардан ўрмалаб» кириб келган Охунжон Ҳақимов 1934 йилнинг 20 февралда Фарғона туманидаги Лоғон қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни тамомлаб, Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. 1956 йили институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган, кўплаб мақолалари, лавҳа ва шеърлари билан ўқувчиларга танилиб қолган ёш ижодкорни вилоят «Коммуна» газетасига ишга олиб қолдилар. Бўлажак ижодкор учун газета маҳорат мактаби ролини ўтади. Бу даргоҳ ўша пайтда Адҳам Ҳамдам, Жалол Машрабий, Акрам Қодирий, Шерали Тошматов сингари таниқли қаламкашлари билан республика миқёсида додруғ қозонганди. Ёш ижодкорнинг қалами мана шу қизгин адабий муҳитда янада чархланди.

Охунжон Ҳақимов услуби енгил ва тезкор журналист сифатида вилоятда тез танилди. Шунинг учун уни кўп ўтмай Тошкентга ишга таклиф қилишди. 1966 йилда «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида фаолиятини бошлаган О. Ҳақимов шу газета ҳамда «Меҳнат ва турмуш» журнали муҳарриятида узоқ йиллар ишлади, ҳам шоир, ҳам журналист сифатида катта тажриба орттирди. Тошкент адабий муҳитида унинг ижоди янада камолга етди, яқин дўст, биродарлар ва қариндошлар топди. Ҳозир Фарғона шаҳрида яшаб ижод қилаётган О. Ҳақимов дўстлари ҳамда

шоғирдлари ардоғида адабий давраларнинг гули, ўзи ҳавас билан куйлаётган шеърят диёрининг сайроқ булбулидир.

Мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ шеърлар машқ қила бошлаган Охунжоннинг қалами талабалик йилларида тагин ҳам ўткирлашди. Урушдан кейинги даврда қайта тикланган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Фарғона бўлимига масъул котиб бўлиб келган Сами Абдуқаҳҳор ўз атрофига кўплаб ёш ижодкорларни тўпларди. Улар орасида айниқса, миқтигина, камгап ва тортинчоқ Охунжон исми ҳаваскорнинг шеърлари эътиборини тортди. Чунки унинг ёзганларида ўзига хос оҳанг, айтмоқчи бўлган фикрини ҳазил-мутойиба либосига ўраб бера олиш фазилати сезилиб турарди. С. Абдуқаҳҳор у билан алоҳида шуғуллана бошлади ва бир туркум шеърларини танлаб олиб, вилоят газетасида Охунжон Ҳақимовга «Оқ йўл» тилади.

Шоирнинг биринчи шеърлар тўплами «Илҳом водийси» 1961 йилда босилиб чиқди. Эсимда, шу тўпламга кирган «Дудуқ дема» сарлавҳали шеъри биз, талабалар ўртасида жуда машҳур бўлиб кетганди. Чунки унда севги қудрати, изтироб, севишганларнинг қалб ҳаяжонлари гўзал шаклда ифода этилганди. Фақат бугина эмас, умуман, «Илҳом водийси» тўплами ўқувчиларга ҳам, адабий жамоатчиликка ҳам маъқул бўлди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов ҳам ўзининг О. Ҳақимов тўғрисидаги «Таг-замини пухта шеърят» сарлавҳали мақоласида «Бугунги кунда бутун Туронда, ҳатто унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам номи бот-бот тилга олиниб, шеърлари жаранглаб турган бу шоир билан илк бор ўша китобча орқали танишган эдим» деб ёзади. Шу илк мажмуадаёқ шоир ижодининг ўзига хос фазилатлари — воқеабандлик, юмор ва ҳазилга мойиллик, репортажнамолик кўзга яққол ташланган эди. Бу хусусиятлар кейинчалик унинг ижодиди янада такомиллашди, чуқурлашди, вояга етди.

Кейинги йиллар О. Ҳақимов ижодиди ғоят сермахсул давр бўлди. «Тўёна» алманахида (1964) унинг бир неча шеърлари босилди. Сўнгра бирин-кетин шоирнинг «Фарғона рубойиси», «Баҳор экан-да», «Диёр қасидаси», «Кўлларим кўксимда», «Достонлар», «Тафаккур боқий», «Ўшал кун келур», «Кўзларингнинг ўзи қора», «Қизлар хаёл сурсалар», «Гўзаллар, гўзаллар», «Муҳаббатни кўзлардан изланг» сингари йигирмадан зиёд шеърый китоблари дунё юзини кўрди ва кўп минг сонли мухлисларнинг суюкли асарларига, ҳофизларнинг эҳтиросли кўшиқларига айланиб кетди. Чунки бундай «ёшлик ва муҳаббат туйғулари билан лиммо-лим тўла, шоирнинг чинакам камолотидан далолат бериб турувчи кўплаб лирик, фалсафий шеърлари, нафис ғазаллари, лабингизда табассум пайдо қилмай

кўймайдиган шўх, фарғонача ҳазил ва юморлари» (А. Орипов) унинг ижодини безаб турувчи баркамол фазилатга айланди.

О. Ҳақимов шеърятининг фазилатлари ҳақида гапирганда, аввало, ундаги лирик қаҳрамон қиёфасининг тиниқлиги ва ранг-баранглиги, маънавий дунёсининг бойлиги ҳамда кенглиги билан кўзга ташланиб туришини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Шунинг учун тиниқки, бу лирик қаҳрамон она юртимизнинг чинакам ошиғу шайдоси, унинг мақсади аниқ ва тушунарли, бироқ иложи борича босиқ, ўйчан фикр юритади. Негаки, бу лирик қаҳрамон она юртининг файзу тароватини ҳам, қалбига ёлқин берган ҳароратини ҳам, тилини бурро, фаросатини тиниқ, қаламини ўткир қилган туйғуларни ҳам ана шу халқидан олган. Аммо шуниси борки, бу улкан ва сарҳадсиз меҳру муҳаббатини баландпарвозлик, бақироқлик билан изҳор этишни ор деб билади, ялтироқ ибораларни қўллашни истамайди. Иложи борича, муҳаббатини босиқлик билан ифодалайди. Дарҳақиқат, чин севгини изҳор этиш учун «ялтироқ ташбеҳларнинг йўқдир бунда ҳожати». Ундан кўра юракнинг туб-тубидан тўлқинланиб чиққан туйғуларни босиқлик билан айтишни афзал кўради.

Инсоннинг ҳаётда тутган ўрни масаласи О. Ҳақимов шеърларининг ўзагини ташкил этади. Айниқса, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейинги йилларда шоирни энг кўп ўйлантираётган муаммо ҳам мана шу – ўзбек кишисининг ҳаётда тутган ўрнини тараннум этиш бўлиб қолди. Шоирнинг таъкидлашича, «Инсон инсондир ҳамиша ҳамфикр, ҳамроз билан», Чунки «одамийлик деб аталмиш бебаҳо мерос» ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Дунёда ҳақиқатнинг кўзига тик қараб, рост гапни айтиб юрган одамгина бошини мағрур кўтариб юриши мумкин. Бунинг учун ҳар бир киши белини ростгўйлик камари билан маҳкам боғламоғи шарт. Зеро:

*Эзулик тиламаса, инсон агар инсонга,  
Эзулик тиламаса, чор кўчада сарсонга,  
Диёнатга қўл бериб, топинмаса имонга,  
Унга эҳтиром бекор, инсон деган ном бекор.*

Шоир ўзининг 50 йиллик ижодий фаолияти мобайнида ўнлаб дoston ва балладалар ҳам яратган. Унинг «Учрашув», «Шарқ ўғлонлари», «Қизилқум монолоғи», «Менинг пахта», «Севгилинг келади» сингари лиро-эпик асарларида ватанпарварлик, она юрт учун кўнжаклик, унинг беҳисоб бойликларини кўз қорачигидек асраш ва кўпайтириш учун масъуллиқ, инсонни авайлаш мотивлари ифодаланади. Кейинги йилларда эса Охунжон Ҳақимов асосан ғазал жанри билан самарали ижод қилмоқда. Унинг ғазаллари ўз куйи билан тугилганлигидан тез қўшиқ бўлиб кетяпти. Чунки А. Орипов таъкидлаганидек, «О. Ҳақимовнинг



таклиф қилишди. Чунки Йўлдошали талабалик йилларидаёқ ўзининг болаларга багишланган шеърлари, мақолалари ҳамда лавҳалари билан танилиб қолган эди. Газета муҳарририясидаги қизгин ижодий муҳит бўлажак адибнинг мақсад ва маслагини амалга оширишга катта имконият яратди. Шунинг учун у ҳеч иккиланмай газетага ишга борди.

1960 йилдан то 1987 йилгача газетанинг корректорлигидан бўлим мудирлигигача бўлган чорак асрлик ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтди. Бу орада бир неча йил жамоатчилик асосида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимининг масъул котиби вазифасини ҳам бажарди. Ва ниҳоят, 1987 йилдан бошлаб роса 10 йил уюшмага ҳақиқий раислик қилди. 1996-2002 йилларда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлади. Адиб Ўзбекистон республикаси Олий Мажлисининг депутати сифатида ҳам талай хайрли ишларни амалга оширди. У қаерда, қандай лавозимда ишлаганин, ҳар доим ўзининг ҳалоллиги, самимийлиги, ҳақиқатпарастлиги, умумдавлат манфаатларига содиқлиги билан катта обрў орттирди.

Йўлдош Сулаймон адабиётга дастлаб болалар шоири сифатида кириб келди. Қ. Муҳаммадий, Қ. Ҳикмат, П. Мўмин каби устоз шоирлар изидан борди, болалар шеърлятига янгича руҳ ва оҳанг олиб кирди. Шоирнинг 1966 йилда босилган «Биз – саёҳатчилармиз» номли биринчи тўплами (Т. Адашбоев, А. Мулламуҳамедовлар билан ҳаммуаллифликда) адабий жамоатчилик ҳамда кенг китобхонлар томонидан яхши кутиб олинди. Айниқса, унинг «Кимнинг кўзига қарай?», «Ҳозир ёшим олтида», «Аясини аясин» сингари шеърлари болалар орасида жуда машҳур бўлиб кетди. Чунки, улар, аввало, қисқалиги, қолаверса, соддалиги, қизиқарлилиги, болалар руҳиятини аниқ ифодалаши билан ажралиб турарди. Шундан кейинги йилларда шоирнинг «Ҳамма ҳавас қилади», «Раҳима-чи, ваҳимачи», «Менинг – биринчи муаллимим», «Ҳозир ёшим олтида» каби шеърӣ тўпламлари босилиб чиқди. Уларнинг ҳар бирида болаларнинг ўзига хос дунёси, ташқи олам ҳодисаларига болаларча муносабати, ҳайрати, яхши ва ёмон фазилатлари ўз ифодасини топган эди.

Айни чоғда Й. Сулаймонов очерк жанрида ҳам ғоят самарали ижод қилди. Унинг очерклари ўзининг чуқур лиризми, юксак пафоси, инсон туйғуларини эҳтиросли ифодалаши билан эътиборни тортди. Ёзувчи очеркларида кўтарилган масалалар ғоят

долзарб бўлиб, тез орада муаллиф номини Назир Сафаров, Йўлдош Шамшаров, Иброҳим Раҳим, Ҳаким Назир, Суннатулла Анорбоевлар қаторига қўшди. Ўн йил мобайнида (1964-1975 йиллар) Й. Сулаймонов очерклари ҳар йили республика миқёсида эълон қилинган турли мавзудаги танловларда голиб чиқиб, биринчи ёки иккинчи ўринларни эгаллар ва совринлар соҳиби бўларди. 1977 йилда унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими фахрий унвони берилди. Орадан бир йил ўтиб эса «Сен менинг кўёшимсан» номи очерклар тўплами учун республика ёшлар мукофотининг лауреати бўлди.

Бирин-кетин Й. Сулаймоновнинг «Даъватингни эшитяпман, ҳаёт!» (1968), «Катта йўлга чиққунча» (1969), «Сен менинг кўёшимсан» (1972), «Боболар қалби» (1978) сингари очерклар тўпламлари босилиб чиқди. Ёзувчи ўз очеркларидан асосан 20-30-йиллардаги инқилобий ҳодисаларнинг долғали тўлқинларида давр талаби ва замона тақозоси билан жавлон урган ўзбек йигитларининг ижтимоий фаолиятини қаламга олди.

Й. Сулаймонов очерклари учун танлаган одамларнинг ташқи (ижтимоий) ҳаётинигина эмас, балки уларнинг ички (маиший) дунёсини ҳам чуқур ўрганди, қалбининг томир уришларини астойдил тинглади. Натижада унинг очерклари баёнида лирик оҳанг, эҳтиросли мурожаат тамойиллари бора-бора адибнинг асосий ижодий услубига айланиб қолди. Й. Сулаймоновнинг очерклари марказида ўз ҳаёти ва фаолиятини халқ ишига бағишлаган, йўқни йўндириб, борини ундириб, собитқадамлик билан олийжаноб мақсади сари интилган кишилар образи туради.

Эҳтимол, ҳозирги ўқувчи бу талқинларни ўқиб, «Домла ҳануз эски ноғорани чалар экан-да» дея истеҳзоли кулиб қўяр. Чунки ёзувчи очеркларининг кўпчилигида большевиклар даъватига бўйсуниб, уларнинг орқасидан эргашиб, ўша даврда «босмачи», ҳозир эса «миллий-озодлик курашчиси» деб аталган ота-боболарига қарши курашган ёшлар фаолиятини ёритган. Бу шубҳасиз, Ватан тарихини мустақиллик руҳи билан ўрганаётган шу куннинг ёшларига эриш туюлади. На иложки, давр шундоқ эди! Аммо улардан ҳам кўра кўпроқ Й. Сулаймонов очеркларининг марказида Фарғона водийсида чинакам афсонавий Эрам боғи яратиш ишқи билан меҳнат қилган Инобатхон Ирисметова, она юрти ва оиласи учун иккинчи жаҳон урушида икки кўзидан ажраган, турмуш машаққатларини енгиб

илмдан зиё топган тарихчи олим Мажид Мусаев, 70 йиллик умрининг 50 йилини фан тараққиётига бахшида қилган адабиётшунос Акрамжон Иброҳимов, минглаб беморларнинг дардига малҳам қўйган қўли енгил шифокор Раҳимахон Абдуллаева сингари оддий, лекин ғоят шарафли касб эгалари туради. Ахир, улардан ибрат олмай бўладими?!

Адиб талай очерклар яратиб, ижодий тажриба тўплаб олгач, ўз қаламини қисса ҳамда роман жанрида ҳам синаб кўра бошлади. Эшон ота номи билан бутун республикага танилган йирик давлат арбоби Бузрукхўжа Усмонхўжаев ҳаётига бағишланган «Боқий умр», захматкаш ва фидойи аёл, азиз умрининг кўп йилларини совет концлагерларида ўтказган, аммо иродаси букилмаган Тожихон Шодиева ҳақидаги «Жалада қолган гул» каби ҳужжатли ва «Муҳаббат» деб аталган бадиий қиссалари, «Субҳидам», «Вафо», «Армон» романлари ана шу сермаҳсул қаламнинг ҳосилаларидир.

Адиб «Субҳидам» романида (1973 йил) инсон онгининг янгилинишида ғоят мураккаб давр ҳисобланган ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги инқилобий ҳодисаларни ўзига хос тарзда тасвирлайди. Романнинг асосий қаҳрамони Рустам воқеалар марказига тайёр инқилобчи сифатида кириб келмайди. У кўп адашади, ишонган одамларидан азият чекади ва ниҳоят, бахтини, келажагини совет ҳукумати учун курашда кўради. Рустамнинг Сарвинисога бўлган севгиси охир-оқибат халқига, Ватанига нисбатан буюк муҳаббатга айланади.

«Вафо» романида илгари сурилган ғоявий муаммо ўша давр учун хийла мураккаб эди. Негаки, унда ифодаланган воқеалар ҳамда қаҳрамонлар тақдири хориж ҳаёти билан боғлиқ эди. Шу жиҳатдан роман сюжети тигиз. Унда ўтган асрнинг 20-30-йилларида рўй берган сиёсий-ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда икки ёш – Кўлдошали ва Саодатнинг севги линияси ҳам эҳтирос билан тасвирланади. Аммо тўғриси айтганда, бу романларида Й. Сулаймонов ўзининг қалб дафтарини тўла-тўқис очолмаганлигини, замонасозлик исканжасидан холи бўлолмаганлигини сезиш мумкин.

Мустақиллик меваси ҳисобланган «Армон» (1998) романида эса ёзувчи «инқилоб» деб аталган ҳодисанинг ўзбек миллати учун аслида «иллат экан»лигини, «Ҳамма нияти тоза кишилар» унга алданиб «доғда қолган»ликларини рўйи-рост айта олди. Асарда муаллиф ўзига яхши таниш бўлган Кўқон ва унинг атрофидаги аҳоли турмушини ёритиш орқали бутун ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги

огир ҳаёти, кайфияти, маънавий-ахлоқий ингилишларини акс эттиради.

90-йилларда Й. Сулаймонов ижодида ҳам шаклан, ҳам мазмунан туб бурилиш жараёни юз берди. Аввало, шоир ўз шеърларининг энг сараларини тўплаб, «Шаҳризод бўл бир кеча» номи билан сайланма тарзида нашр эттирди (1993). Бундан ташқари, «Кўқоннома», «Марғилоннома», «Фарғонаннома», «Гулнома» сингари қасидалар яратди ва бу жанр имкониятларини кенгайтиришга муносиб ҳисса қўшди. Уларда кўп асрлик адабиёт, санъат, маданият тарихига эга бўлган Кўқон, Марғилон, Фарғона шаҳарларининг кечаги, бугунги ва эртанги кунини обод ҳамда чароғон қилган 200 дан зиёд тарихий шахслар, хунармандлар, зиёлилар номи меҳр билан тилга олинади. Муаллифнинг бу асарларни яратишдан асосий мақсади ҳозирги ёш авлодга ўзи истиқомат қилаётган макони, унда яшаган, яшаётган улуғ аждодлари ва замондошлари тўғрисида ҳикоя қилиб бериш, ёшлар қалбида миллий ғурур туйғусини уйғотишдир.

Бу эзгу истак Й. Сулаймоновни драматик асар яратишга ҳам ундади. У 1999 йилда ҳамюртимиз, улуғ математик олим, астроном, файласуф Аҳмад ал-Фарғонийга бағишлаб «Осмонга сигмаган муҳаббат» номли драмасини ёзди. Бу асари учун муаллиф Аҳмад ал-Фарғоний юбилеи муносабати билан ўтказилган республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринни олди. Драмани саҳналаштирган Фарғона вилояти Ю. Шакаржонов номидаги ўзбек мусиқали драма ва комедия театри «Наврўз» республика кўрик-танловида, вилоят рус драма театри жамоаси эса халқаро «Хумо» кўрик-танловида совринли ўринларни эгалладилар.

Афсуски, ҳаёт бешафқат, у яхши-ёмоннинг фарқига бормаиди. Ёмондан кўра кўпроқ яхшиларни олиб кетади. Катта-ю кичикка бутун борлигини, самимияти ва улкан меҳр-муҳаббатини бахшида этган эҳтиросли лирик шоир, ёзувчи, драматург, публицист ва жамоат арбоби Йўлдош Сулаймонов 2004 йилнинг 9 апрелида тўсатдан вафот этди. Аммо:

*Ўйлаганим — яхшилик,*

*Куйлаганим — яхшилик.*

*Ҳам билганим — яхшилик,*

*Интилганим — яхшилик...*

дея одамлар қалбига яхшилик уруғларини сепаиб кетган инсоннинг хотираси қалбимиздан ҳеч қачон ўчмайди.

## ЕТУК ОЛИМ ВА ШОИР

(1935-1997)

Мен Азим ака билан талабалик йилларимдаёқ яқин ва ака-укадек бўлиб кетганман. Кейин бирга ишлай бошладик. Ҳазиллашар, тортишар, баъзи масалаларда жанжаллашиб ҳам қолар эдик. Лекин ўртамуздаги устоз ва шогирдлик чегараси ҳеч қачон бузилган эмас. Ҳатто айрим ғаламислар орамузга совуқчилик солганда ҳам...

Азим ака тафаккури кенг, ғоят билимдон олим эди. У билан адабиётнинг ҳар қандай соҳасида, хоҳлаган мавзусида суҳбатлашиб ҳузур қилардим. Фикрим, билимим ортарди. Мана, Азим ака оламдан ўтгандан буён бир ёним бўм-бўш. Жон тортиб, талашиб-тортишадиган суҳбатдош излайман. Тополмай, унинг китоблари, вақтли матбуотда чиққан мақолаларини қайта ўқийман ва устозим билан ғойибона суҳбат қураман.



Йирик адабиётшунос олим, филология фанлари доктори (1994), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1990) Азимжон Раҳимов 1935 йил 1 ноябрда Наманган шаҳрида дунёга келди. Ўрта мактабни тамомлаб, 1952 йилда Ўрта Осиё Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Университетни аъло баҳоларга битирган Азимжонни ўзи ўқиган мактабга бажонидил ишга қабул қилдилар.

Ташаббускор йигит эди Азим ака! Интилувчан ходим эди Азим ака! Тез орада мактаб ўқувчиларини атрофига уюштириб, талай ибратли тадбирлар ўтказди. Унинг фаолиятини кузатиб юрган Наманган шаҳар ёшлар кўмитаси дарҳол ўз сафига чақирди. 1957-1961 йиллар мобайнида шаҳар ва вилоят ёшлар ташкилотларида масъул лавозимларда хизмат қилди.

Аммо А. Раҳимовнинг икки хаёли илмий иш қилиш режаси билан банд эди. Умарали Норматов, Шерали Турдиев сингари курсдошлари бу пайтда ўз мақолалари, тадқиқотлари билан танилиб қолган ва бу илмга ташна Азимжоннинг қалбига ўт ёқарди. Бу истак уни 1962 йилда Фарғона Давлат педагогика институтига олиб келди. Бу ерда у бир неча йил ўзбек ва рус филологияси факультети талабаларига чет эл адабиёти фанидан дарс бера

бошлади. Домла чет эл адабиётини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан жуда яхши биларди. Талабаларни қизиқтира олар, ўқишга, ўрганишга рағбатлантирарди.

Билимдон олим эди Азим ака! Меҳрибон устоз эди Азим ака! Аммо ўз билганларидан мутлақо қониқмасди. У янада кўпроқ ўқиш, ўрганиш ниятида 1966 йили Москвага бориб, Россия Фанлар академияси қошидаги жаҳон адабиёти институтига ўқишга кирди. Ҳам жаҳон адабиёти намуналарини, ҳам рус тили ва адабиётини пухта ўрганди. Институтни тамомлаб, Москва Давлат университетининг рус адабиёти кафедраси аспирантурасида ўқишни давом эттирди. Бу нуфузли илм даргоҳида А. Раҳимов дунё тан олган назарийчи олимлар Л. Тимофеев, М. Пархоменко, З. Кедрина, Г. Ломидзе, Р. Бекмуҳамедов сингари устозлардан сабоқ олди. Ва ниҳоят, 1973 йилда Москва Давлат университетининг ихтисослашган илмий Кенгашида «Ҳозирги ўзбек адабиётида миллийлик ва умуминсонийлик» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Шу йили яна ўзи кўнгил қўйган ҳамда уни қадрлаган Фарғона Давлат педагогика институтига ишга қайтди ва бир неча йил кафедра мудири, факультет декани лавозимларида ишлади.

Интизомли одам эди Азим ака! Талабчан раҳбар эди Азим ака! Унинг қатъият билан олиб борган иш тутими, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш йўлида қилган ҳаракатлари айрим лоқайд, бепарво ҳамкасбларининг қаршилигига учради. Талабалар эса уни жудаям яхши кўришар, ҳурмат қилишар, излаб юришарди. Домла ҳаловатни кўпроқ талабалар билан суҳбатлашишдан, илмий изланишдан топарди. Азим аканинг китоб ўқимаган куни бўлмасди. Яшаш жойимиз яқин бўлгани учун эрталаб ишга пиёда борардик. Йўл-йўлакай кечадан буён қилган ишлари, ўқиган китоблари тўғрисида гапириб кетарди. Кейин билсам, бу гапларни мақтаниш учун эмас, балки ўз онгида янада мустаҳкамлаш, мендан ҳам бирор фикр олиш, энг муҳими, менинг ҳам шундай иш тутишимни истаб айтарди экан.

Азим Раҳимов қатъий режа асосида ишларди. Бунинг натижаси ўлароқ 70-йиллардан бошлаб вақтли матбуотда қатор-қатор мақолалари, нашриётларда эса китоблари чиқа бошлади. Олимнинг «Миллий адабиётлар равнақи» (1981), «Одамда олам ташвиши» (1982), «Замин ва замон садолари» (1985), «Ҳаёт ҳақиқатини излаб» (1989), «Романнинг тарихи» (1989), «Қайта қуриш ва бугунги адабий танқидчилик» (1991) каби монография ва рисоалари ўзбек адабиётшунослигининг муҳим муаммоларига бағишланган эди. Бундан ташқари «Ўзбек тили ва адабиёти», «Шарқ юлдузи»,

«Гулистон», «Ёшлик», «Фан ва турмиш» сингари нуфузли журналлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози», «Туркистон» газеталарида Азим ака томонидан эълон қилинган ҳар бир мақола илмий-адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотарди. 14 жилдлик «Ўзбекистон энциклопедияси»да А. Раҳимовнинг адабиётшуносликка оид 30 га яқин мақолалари эълон қилинган. Ўзбекистон ФА нинг А. Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси томонидан рус тилида тайёрланган 5 томлик «Ўзбек адабиёти» китобининг 4-5-жилдидан ўрин олган 70-80-йиллар роман жанри тараққиётига бағишланган йирик мақола ҳам (72-119-бетлар) А. Раҳимов томонидан ёзилган (Т., Фан, 1994).

Қатъиятли одам эди Азим ака! Интилувчан олим эди Азим ака! Ана шу қатъият билан олиб борилган изланишлар натижасида 1994 йили «Ўзбек романи поэтикаси» мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шундан кейин кафедранинг илмий салоҳиятини янада ошириш чораларини кўра бошлади. Кафедрада биринчи бўлиб Азим ака даврида аспирантура очилди. Иқтидорли ёшларга раҳбарлик қилиб, проза поэтикаси бўйича жиддий илмий тадқиқотлар олиб боришни режалаштирди. 1996 йилда адабиёт назарияси муаммоларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ташкил қилди. «Адабиёт назарияси» фани бўйича ўқув дастури ва дарслик тайёрлашга киришди. Бу хайрли ишга бутун кафедра аъзоларини ҳам жалб этди. Аммо ...

Қаттиққўл раҳбар эди Азим ака! Талабаларга қайишган устоз эди Азим ака! Унинг бу хислатлари енгилнинг остидан, оғирнинг устидан ўтиб ишловчи кимсаларга яна ёқмади. Бири пинҳона, бошқаси ошқора ҳужум бошлашди. Бир марта юрак ҳуружи (инфаркт)ни бошидан кечирган Азимжон ака бу галги ҳужумлар тўлқинига бардош беролмади. 1997 йил 9 сентябрь биз – садоқатли шогирдлари учун мотам куни бўлиб қолди.

Азимжон Раҳимов яхшигина шоир ҳам эди. У асосан, сонет ва газаллар ёзарди. Фарғоналик ижодкорларнинг «Гўзал бир дунё» номли баёзиди унинг бир неча сонетлари, вилоят газетасида эса талай газаллари босилган. Домла Азим тахаллуси билан шеърлар битарди. Бу сўзнинг маъносини қўшиққа айланиб кетган бир газалининг қуйидаги бандида шундай изоҳлаган эди:

*Азим — буюк демак сўз, лекин буюк эмасман,  
Ишқим буюклиги рост, фироқ жафосиданму?*

Илмга, сўз санъатига, оиласи ва дўстларига ишқи буюк бўлган устозимизнинг барҳаёт руҳи асарларида, шеърларида жаранглаб, бизга ҳамроҳ бўлаётганлиги рост бўлсин!

# ИСТИҚЛОЛ КУЙЧИСИ

(1936)

Мустақиллик, эрка интилиш истаги бадиий адабиётнинг доимий мавзуси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Бинобарин, адабиётнинг эрк ва озодлик ғоясини ифодалаши узлуксиз жараёндирки, бу борада унинг бир лаҳза бўлсин сукут сақлашга мутлақо ҳаққи йўқ. Агар адабиёт «сукут қилса, бу халқнинг инқирози билан тенг бўлади» (Салтиков-Шчедрин). Шунинг учун адабиёт ҳар доим эрк қўнғироғини чалиб туришга, халқни уйғотишга бурчлидир. У ҳозир ҳам бу вазифасини шараф билан адо этмоқда. Чунки мустақилликни мустаҳкамлаш учун



одамлар онгига, қалбига қадриятларни сингдириш айниқса, ҳозирги адабиётнинг олийжаноб вазифаси бўлиб турибди. Шуниси қувончлики, фарғоналик ижодкорлар бу умумадабий жараёндан четда қолаётганлари йўқ. Аксинча, уларнинг овози дадилроқ, жаранглироқ эканлиги билан ажралиб турибди. Улар орасида Мирзажон Исломовнинг ижоди муҳим ўрин тутди.

Мирзажон Йўлдошев Исломов 1936 йил 2 ноябрда Ўзбекистон туманидаги Қоратепа қишлоғида туғилди. Ота-онаси саводли кишилар бўлиб, болалари тарбиясига алоҳида эътибор берганлар. Мирзажон кўшни Мингтут қишлоғида жойлашган 1-ўрта мактабни тамомлаб, ота касбини (Йўлдошбой Исломов кўп йиллар мироб бўлиб ишлаган) эгаллаш ниятида Тошкент қишлоқ хўжалиги институтига ўқишга кирди. 1959 йили институтнинг агрономлик мутахассислигини эгаллаган М. Исломов Қўқон шаҳар ижроия кўмитасининг бош агрономи лавозимида ишга қабул қилинди.

Шундан кейинги йилларда ташаббускор, интизомли, масъулиятни теран ҳис этувчи бу йигит мансаб пиллапояларидан тез юқорилай бошлади. Орадан бир йил ўтиб, Қўқон шаҳар ёшлар ташкилотига йўриқчи, кейин биринчи котиб қилиб сайланди. 1964 йили эса вилоятга ишга кўтарилди. Бу ердаги ишчанлик салоҳияти эътиборга олиниб, 1967-79 йиллар мобайнида Ўзбекистон ва Бўғдод туманларида масъулиятли раҳбарлик лавозимларида синаб кўрилди. Кейин 1991 йилгача яна вилоят халқ назорати



қўмитасида раис, агросаноат бирлашмасида дастлаб ўринбосар, сўнг раис лавозимларида ишлади. 1991 йилда Ўзбекистон республикаси Президентининг фармонида кўра қишлоқ хўжалиги вазири этиб тайинланди. Бу ерда ҳам яхши синовдан ўтган Мирзажон Исломов 1992 йил июлда Фарғона вилояти ҳокими этиб сайланди. 1997 йили пенсияга чиқиб ўз ихтиёри билан лавозимини топширди. Ҳозир «Экосан» Халқаро жамғармаси вилоят бўлимининг бош директори бўлиб ишламоқда.

— Қаерда ва қандай лавозимда ишламайсиз мен энг аввало, халқ ва юрт манфаатини кўзладим, ҳаром-хариж ва қалбаки ишлардан ўзимни тийдим, — дейди Мирзажон ака биз билан суҳбатда. — Худога шукурки, ҳозир қаерга борсам, одамлар илиқ, очиқ чехра билан кутиб оладилар. Кўп яхши-ёмон ишларни кўрдим. Булар қалбимда изтироб ва иштиёқ уйғотади. Шунинг учун ҳозир кўнглимда борини неварачевараларимга айтиб бериш эҳтиёжини сезяпман.

Дарҳақиқат, кейинги ўн йилликда Мирзажон Исломов бешта дoston, юздан зиёд шеърлар, хотиралар, очерклар, публицистик мақолалар ёзди. Маълумки, ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби бўлади. Оддий деҳқон оиласида вояга етган, халқ дарди билан яшаган М. Исломовнинг услуби жуда содда. Соддалик эса гўзалликдир. Бу асарлар моҳиятида даврнинг муҳим муаммо ва дардлари яширинган. «Мен ёшлигимдан ижодга қизиққанман, — деб ёзади у ўз таржимаи ҳолида. — 1949 йилда «Янги Фарғона» газетасида дастлабки мақолам чоп этилганда 13 яшар бола эдим.»

Бўлажак шоир Кўқон шаҳрида Чархий домла томонидан ташкил этилган адабий тўғарақда қатнашиб, ижод сирларидан сабоқ олди. Унинг биринчи шеъри ҳам «Янги Фарғона» газетасида 1960 йили босилиб чиқди. Аммо у пайтларда раҳбар ходимларнинг ижод билан шуғулланиши, китоб нашр эттириши эриш туюларди. Мабодо ўзи ижод қилиб китоб чиқаргудек бўлса ҳам айрим давраларда «ўзи ёзмаган, биронта «мардикор» ёзувчи тайёрлаб берган» деган гап тарқаларди. Бундан истиҳола қилган М. Исломов зимдан кўп нарса ёзса ҳам уларни эълон қилиш ва китоб чиқаришдан ўзини тийди. Унинг асарлари асосан мустақилликдан кейин босила бошланди.

— Агар мустақилликка эришмаганимизда шу чоп этилган асарларим, шеърларим, дostonларимнинг биронтаси ҳам дунё юзини кўрмаган бўларди, — дейди Мирзажон ака фахр билан. Ҳақиқатан ҳам унинг «Фарғона малаги» деб аталган биринчи тўплами 1998 йилда Чўлпон нашриётида нашр қилинди. Кейин кетма-кет «Фарғонадан ассалом» (1999), «Пахтаой» (2000),

«Набирамга айтганларим» (2001), «Мангу қуёшсан, Ватан!» (2002), «Улғайиш» (2002), «Унутилмас лаҳзалар» (2003) каби шеър ва дostonлари босилиб чиқди. Ҳозир шоир пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом тарихига бағишланган дoston устида иш олиб бормоқда.

Оташнафас шоир Мақсуд Шайхзода айтганидек, «Ижод бу эрмак эмас ва бадий асар бекорчиликнинг ёхуд қуруқ ҳаваснинг меваси эмас. У қатта заҳмат билан қўлга киритилади». Ўзини ана шу заҳматлар тўлқинига отган Мирзажон Исломов тинимсиз меҳнати билан ёшларга ибрат кўрсатмоқда. Унинг барча асарлари мустақиллик меваси, истиқлол мадҳиясидир. Бу айниқса, шоирнинг «Набирамга айтганларим», «Мангу қуёшсан, Ватан!» тўпламларида равшан кўринади. Бу асарларида ижодкор кўнглидаги гапни айтишга уринган. Бу гап эса Ота-Ватан номидан жаранглайди. Масалан, набирасининг «Истибдод нима, бобо?» деб берган саволига Истибдод бу:

*Кўзга қадалган тикон,  
Гулзор деб тиканзорда  
Сўлди қанча ғунчалар,  
Истибдоддан зор-зорда.  
Утди дод деб қанчалар*

деб жавоб беради ва бадий сўз ёрдамида мустақиллик қадрини баланд тутиш зарурлигини уқтиради.

Зеро, бадий адабиётнинг бош вазифаси комил инсонни тарбиялашдир. Комиллик эса иймонли бўлиш билан белгиланади. Иймонли одам Ватанини севади ва ҳимоя қилади. Мирзажон Исломов мана шу ниятда қалам тебратаётган ижодкорларимиздан биридир.

## ЧИРОФИ ҶЧМАЙДИГАН ХОНА

(1937)



Мумтоз адабиётимизнинг сеҳрли кошонасига кириб, унда сайр этишни истаган, нақшинкор гўзалликларидан баҳраманд бўлишни орзу қилган ҳавасмандлар жуда кўп бўлган. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳам ушбу даргоҳнинг доимий фуқаросига айланиб қолавермаган. Чунки бу кошона ўз ихлосмандларини фақат талантига қараб эмас, айти чогда туганмас ихлоси ва ботиний садоқати, буюк эътиқодию тинимсиз изланувчанлигига ҳам қараб танлайди. Шу боисдан бу кошонага кириб яшаб қолувчилар озчиликни ташкил қилади. Ана шундай озчилик қаламкашлар орасида кўҳна шеърят оҳангларининг ашаддий ишқибози, садоқатли мухлиси Комил Жўранинг ҳам борлиги қувончлидир. Мана, қарийб ярим асрдирки, у устозлари Муқимий ва Чархийлар изидан бориб, ҳозир улар ижод қилган табаррук хонанинг ўчмайдиган чироғини ёқиб ўтирибди.

Комилжон Жўраев 1937 йил 18 сентябрда Хўқанди латифга тутшиб кетган Данғара туманидаги Ганжиравон қишлоғида боғбон оиласида дунёга келди. Отаси Жўрабой Шоҳмурод ўғли моҳир деҳқон ва қўли гул боғбон эди. Комилжондаги табиатга чексиз муҳаббат ва уни асраш туйғуси отаси туфайли жуда ёшлигидан шаклланди. Комилжон қишлоғидаги ўрта мактабни тамомлаб, бир неча йил шу ердаги жамоа хўжалигида ишлади, отасининг ёнида боғбонлик сирларини пухта ўрганди.

Табиат қўйнида ўсган Комилжонда шеърятга шайдолик 13-14 ёшларидан бошланди. У айниқса, мумтоз шеърят намуналарини алоҳида меҳр билан мутолаа қилар, улардаги оҳанг, равлонлик ва тартиб кўпроқ маҳлиё қиларди. Ўқитувчилардан бу оҳанраболикнинг сирларини сўрар, бироқ ҳар доим ҳам қониқарли жавоб ола билмас, ўқиб-ўрганай деса, илмий адабиётлар топилмасди. Ўзининг бу ички эҳтиёжини қондириш ниятида Кўқон

шаҳрида яшовчи, кўплаб ҳаваскорларнинг бошини қовуштириб, ижод сирларини ўргатаётган Чархий домла ҳузурига йўл олди. Машҳур шоирнинг тўғарагида Комилжон Жўра ўзини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб топа олди.

«Ёш шоирдаги ғазалга, арузга бўлган муҳаббатни, ялт этган истеъдодни пайқаган Чархий домла Комилжонга алоҳида эътибор билан устозлик қилди. Унга шеърият деб аталмиш буюк тилсимли кошонанинг сеҳрли эшикларини очиб берувчи илми адабнинг асосий соҳалари – илми аруз, илми қофия, илми бадиъанинг калитларини бирин-кетин топшириб борди».\* Комилжон Жўранинг устоз назаридан ўтган илк ғазаллари матбуот саҳифаларида кўзга ташлана бошланди. Бироқ бўлажак шоир сеҳрли шеърият кошонаси хазинасига чуқурроқ кириб боргани сари билимининг камлигини ҳис қила борди. Аввало, ўзининг хоҳиши, қолаверса, устозининг даъвати билан 1960 йилда Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига кириб ўқий бошлади. Бу ерда И. Расулов, Н. Абдуллаев, Б. Мадалиев, Л. Зоҳидов сингари етук тилшунос ва адабиётшунос олимлардан сабоқ олган Комилжон тилимиз ҳамда адабиётимизнинг назокати-ю нафосатини янада чуқурроқ ҳис қилди ва унинг бойлигини астойдил ўзлаштирди.

1965 йилда институтни муваффақиятли тамомлаган К. Жўраев қишлоғига қайтиб, мактабда ўқитувчилик қила бошлади. Аммо кунда-кун ора шаҳарга қатнаб, устози Чархийни зиёрат қилар, ёзганларини кўрсатиб, унинг маслаҳатини олиб туришни канда қилмасди. Шогирдининг чексиз садоқати ва интилишини кўрган Чархий домла уни Ўзбекистон халқ шоирлари Ғафур Ғуллом, Собир Абдулла, Миртемир, адабиётшунос олим Содирхон Эркиновлар билан таништирди. Бу танишув ёш шоирга ҳам илҳом, ҳам ғайрату иштиёқ бағишлади. 1971 йилда С. Абдулла бир туркум ғазалларини кўздан кечириб, Комил Жўрага «Оқ йўл» тилади. Унда устоз шоир «истараси иссиқ, ёруғ чехра, мулойим сўз, паҳлавон жусса бу йигит»нинг келажагига ишонч билдириб, охирида қуйидаги тўртликни илова қилганди:

*Ёзибсан, ҳар ғазал бир имтиҳондир,  
Ғазал мухлислари кўнглини қондир.  
Босишни тарк этма, олдинга интил,  
Десунлар: шеърият ганжи равондир!*

\* Р. Тожибоев. «Кўҳна оҳанглар ошиғи». К. Жўранинг «Муҳаббат гулшани» девонига ёзилган сўнгги сўздан. Т. , «Ёзувчи», 2002 (Мен мақолада ушбу манбадан фойдаландим ва бунинг учун муаллифга миннатдорчилик билдираман).

Шундан сўнг К. Жўра шеърлари республика матбуоти ва баёзларида ҳам кўрина бошлади. 1977 йилда «Ёшлик» альманахининг 2-сонидан унинг бир неча ғазаллари чоп этилди. Шоир ғазалларига басталанган қўшиқлар республика радио ва телевидениесидан янграб, ҳар бир хонадонга кириб борди.

Комил Жўра кўп йиллар мактабда, кейин туман ва вилоят газеталарида ишлади. Мана бир неча йилдирки, Кўқон шаҳридаги Муқимий уй-музейида хизмат қиляпти. У ерда устози ёққан чироқ шогирди қўлида пориллаб турибди.

Комил Жўра ниҳоятда сабр-бардошли шоир. Унинг ижод қилаётганига 50 йилдан ошди. Гарчи вақтли матбуотда шеърлари узлуксиз босилиб турган бўлса-да, шу пайтгача атиги иккита китоби нашр этилди, холос. Шоирнинг «Сарвинозим» деб номланган биринчи тўплами 1995 йилда «Фарғона» нашриётида чоп этилди. К. Жўра асосан мумтоз шеърятнинг ғазал, мухаммас, мураббаъ, маснавий каби жанрларида ижод қилади. Шунинг учун ҳам у кўп йиллар устози Чархий сингари девон тузиш иштиёқи билан яшади.

Ниҳоят, 2002 йилда бу орзусига эришиб, мухлисларига «Муҳаббат гулшани» девонини туҳфа қилди. Ушбу мажмуада адабиётшунос Р. Тожибоев қайд этганидек, мумтоз шеърятимизда мавжуд бўлган девон тузиш анъаналарига тўла риоя қилинган. Бу анъанага кўра, девонда, аввало, ғазал, ундан кейин мухаммас, мусаддас, мусамман, мустазод, сўнгра, рубоий, туюқ, чистон, қитъа, фард каби жанрлар тартиб билан жойлаштирилган. Ғазалларнинг алфавит асосида берилиши ҳам девон талабларига мосдир. Девондан мумтоз Шарқ шеърятининг 12 жанрида ёзилган катта-кичик асарлар ўрин олган.

«Муҳаббат гулшани» девони ўзига хос дебоcha билан бошланади. Унда шоир қўлига кичкина соз тутқазган, нурли пешонасини силаб, меҳру-муҳаббат билан парвозга шайлаган устозларига таъзим бажо келтиради. Шеърларининг элга манзур бўлишини тилаб, улардан мадад сўрайди. Шоирнинг бу орзуси айниқса, қуйидаги байтда ўз ифодасини топган:

*Ватанга қил фидо жон, бўлмас кўнгилда армон,  
Бахтинг шудир, Комилжон, эл тутса гар назарда.*

К. Жўра ғазалларининг кўпчилиги она Ватан, тугилган юрт, шу азиз диёрда камол топган инсоннинг гўзаллиги, маънавий-ахлоқий фазилатларини куйлашга бағишланади. Бу қадим мавзуни осон тушунтириш истагида шоир янгича оҳанглар, мазмундор сўзлар ҳамда шакллар излайди, бунинг учун кўпгина ғазалларида мусажжаъ санъатини (мисралардаги ички қофия) қўллайди. Бу усул гоаят машаққатли бўлиб, ижодкордан катта маҳорат, қунт ва чидамни талаб қилади. Комил Жўрада бундай фазилатлар етарли эканлигини девондаги ўнлаб ғазаллар исботлаб турибди.

2002 йилда Комил Жўранинг иккинчи жаҳон урушида ва уруш ичкарасида ҳалок бўлган юртдошлари хотирасига бағишланган «Оқ ўрик кўшиғи» достони ҳам босилиб чиқди. Бундан ташқари устози Чархий изидан бориб, шоир инсон камолоти йўлида тўсиқ бўлаётган айрим ярамас иллатларни фош этувчи ўнлаб ҳажвий асарлар ҳам яратган. Умид қиламизки, девонга кирмай қолган ҳажвиялари тез фурсатда алоҳида китоб бўлиб чиқади.

Муқимий ҳазратларининг чироғи ўчмайдиган хонасида устози мавлоно Чархий хотирасини эъзозлаб, руҳини шод этиб ўтирган «покиза қалбли, ижодда тобора олдинга бораётган, камтар, чаққону зийрак, шеърятда балоғатга етаёзганлигига қарамай, ҳамон олдинни кўзлаб кўп мутолаа, кўп машқ билан машғул» (С. Абдулла) бўлаётган Комил Жўрага шеърят ганжининг равон йўлини тилаймиз.

## НОН ҲИДИ АНҚИГАН ШЕЪРЛАР

(1938)

Ўзбек учун нондан азиз, муқаддас нарса йўқ. Ҳеч нарсаси бўлмаса ҳам дастурхонида нони бўлса бас. Нон — унинг ор-номуси, сабр-тоқати, бойлиги, шодлиги; нон — умиди, орзуси, ишончи. Урушга ёки узоқ сафарга кетаётган ўзбек йигити бутун ноннинг бир четини тишлаб кетади, ризқим узилмасин деб. Қадрли меҳмонни кутиб олиш учун нон кўтариб пешвоз чиқилади: «бир-биримизга нондек азиз бўлайлик» деб. Рўзғор остонасидан хатлаётган кувёв-келин



нонни ўпиб эъозлайди: «Дастурхонимиз нонга сероб бўлсин» деган орзу билан. Бешиқда ётган чақалоқнинг ёстиғи остига кулча нон кўйилади: «Бало-қазолардан, ёмон кўзлардан ўзи асрасин» деган ниятда. Ўзбекнинг нонга бўлган эҳтироми таърифи китобларга сиймайди.

Шоир Ўрмон Омоновнинг илк шеърий тўплами «Она ёпган нон» (1980) ни қайта ўқир эканман, хаёлимдан ана шу ўйлар кечди. У ўзининг мўъжазгина шу китоби ва кейинроқ «Биллур жилгалар» деб аталган баёзга (1985) киритилган 12 та шеъри ҳамда «Тўртликлар»и билан 80-йиллар шеъриятига ўзига хос овоз билан кириб келган эди. Шу боисдан шоир Тўлқин унинг илк тўпламига ёзган сўзбошисида Ўрмон Омонов «ўз дилнаволарининг нондай эъозли бўлишини истайди. Бунинг учун у тинмай изланади, интилади. Янги образлар, янги ўхшатишлар топишга ҳаракат қилади» деб истак билдирган эди.

Қарийб 45 йилдан буён қалам тебратаётган Ўрмон Омон ижоднинг паст-баланд, қинғир-қийшиқ, тиконли ва заҳматли йўлларини босиб ўтди. Бу йўлларда у иложи борича ўзлигини йўқотмасликка интилди. Шоир ижодда ўзининг бундан чорак аср муқаддам айтган қуйидаги аҳд-паймониغا содиқ қолди:

*Шарқонадир шаклу шамойил,*

*Гадосиман бор эзгуликнинг.*

*Қоршсам-да замонга мойил,*

*Йўқотмасман асло ўзимни.*

1938 йилнинг 8 ноябрида Учкўприк туманига қарашли Фончи қишлоғида таваллуд топган Ўрмонжон Омонов ўрта мактабни битириб, 5 йил жамоа хўжалигида бригада ҳисобчиси бўлиб ишлади. 1960-65 йилларда эса Қўқон Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетида ўқиди. Уни тамомлагандан кейин Учкўприк туманидаги мактабларда ўқитувчи, илмий мудир, директор, халқ таълими бошқармасининг йўриқчиси лавозимларида ишлади. Жамоа хўжалигида ишлаб юрган пайтларидаёқ турли мавзуларда ёзилган мақола, лавҳа, очерк ва шеърлари билан туман, Қўқон шаҳар ва вилоят газеталарида қатнашиб турарди. Бора-бора унинг ижод намуналари республика матбуоти саҳифаларида ҳам босила бошланди. Шунинг учун Ўрмон Омоновни 1971 йилда Учкўприк туманининг «Янги Фарғона» газетасига ишга таклиф қилдилар. Саккиз йил шу даргоҳда қаламини чархлади. Кейин Ўрмонжон журналистлик фаолиятини вилоят газетасида давом эттирди (1979-82). Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлгач (1983), Ўрмон Омоновни вилоят бўлимининг адабиётни тарғибот қилиш бюросига бошлиқ қилиб тайинладилар. Кейин қишлоғига қайтиб, нафақага чиққунга қадар яна мактабда ёш авлодга сабоқ берди.

Ўрмон Омон одамийликнинг алифбоси, энг ширин шеvasи ва ёқимли меваси ҳисобланган «сеҳрли сўз» га ошно тутингандан буён ижоднинг барча азоб-уқубатларига бардош бериб келяпти. 1994 йилда ҳажвий шеърлардан ташкил топган «Қўқон қаҳқаҳалари» тўпамини нашр эттирди. Унга кирган шеърларда шоир одамларнинг лоқайдлиги, жоҳиллиги, бир-бирини тушунмаслиги, ноинсофлиги ҳамда жамиятдаги иллатларга бепарволиги устидан кулади. 2000 йилда эса «Ўзбеккинам» мажмуасини эълон қилди. Бу тўпلامда муаллиф «Икки дарё аро тоғдек устивор, одамийлик подшоҳи», бошқа миллатларга бағри кенг, чин дўст-ёр бўлган ўзбек халқининг фазилатларини улуглайди. Шундай халқ мақон тутган Ватанни оқ сут берган онадек эъозлашни сўрайди. Ўғлига эса шундай васият қилади:

*Ватан оқ сут бериб боққан онадир,*

*У кўкдаги қуёш, ой ягонадир.*

*Кимки юз ўғирса ундан тонадир,*

*Ердаги оллоҳинг — Ватан топилмас.*

Ў. Омоновнинг «Каклик» деб аталган китоби ҳамда «Юз қизга ошиқман» тўплагининг нашрдан чиққанлиги ҳозир ҳам самарали ижод қилаётганлигидан далолат беради. Ў. Омонов ҳозиргача 4 та драма ҳам ёзган. Улардан бири «Хотинлар билан



ҳазиллашманг!» пьесаси Қўқон шаҳар ва Қашқадарё вилояти театрларида сахналаштирилган. Қолган 3 таси навбат кутиб турибди.

Негадир Ў. Омоновнинг кейинги пайтларда яратган шеърларида аввалги йиллардаги эҳтирослар тўлқини, туйғулар жанги сусайгандек, образлилик, рамзийлик ўрнини панд-насихат, деклоративлик эгаллаётгандек туюлади. Ижодкор иложи борича бундай қусурлардан ўзини олиб қочгани маъқул. Зеро, шоирнинг ўзи айтганидек:

*Қаламим, қўнмасин лоқайдлик гарди,  
Қалбимнинг қат-қатин қудуқдайин қаз.  
Юракни ўртайди дунёнинг дарди,  
Юрагим ёнмоқда, юрагимни ёз!*

# ДАРДНИ ЕНГИЛЛАТГАН ҚАЛАМ

(1939-1992)



Бу шоир билан учрашиш, суҳбатлашиш менга насиб қилмади. Аммо уни кўрган, билган одамлардан кўп илиқ гаплар, хотиралар эшитдим. Ва амин бўлдимки, инсон яхши ном қолдириш учун ҳашаматли бинолар қуриши, катта мансабларда ишлаши шарт эмас экан. Бир жойда жимгина ётиб ҳам эзгуликка хизмат қилиши, одамлар қалбига илиқ нур сочиши, умидбахш ниятлар билан яшаб, ўзига одмигина ёдгорлик ўрнатиши мумкин экан. Кувалик лирик шоир Шокирхон Ҳақимов тақдири ҳақида ўйлаганимда ана шу фикрлар хаёлимга келади.

Шокирхон Ҳақимов атиги 53 йил умр кўрди. У 1939 йилнинг 13 ноябрида Кува шаҳрининг Лайлакуя маҳалласида Мулла Калонхон тўра оиласида дунёга келди. Бу оила соҳиблари шариат қонун-қоидаларини мукамал билган билимдон зотлар сифатида бутун водийга танилган эдилар. Боболари ҳожи Ҳақимхон тўра жаҳонгашта сайёҳ бўлиб, етти марта Каъбатуллони зиёрат қилган. Туркия, Афғонистон, Эрон, Саудия Арабистони каби мамлакатлар ҳамда Қозон, Оренбург шаҳарларига саёҳат қилган табаррук инсон эдилар. У киши араб, форс, инглиз, рус, татар тилларини яхши билганлар.

Ана шундай мўътабар оилада вояга етган Шокирхон ўрта мактабни тамомлагач, шифокор бўлишни орзу қилади. Медицина билим юртини тамомлаб, туман шифохонасида 9 йил фельдшер бўлиб ишлайди. Яхши оиланинг фарзанди сифатида беморларга игна ва дори билан бирга ширин сўзи ҳамда хуш муомаласи билан ҳам шифо бахш этди.

Бу пайтда Шокирхон бошқаларнинг дардига шифо берардию, ўзининг оёқлари кун сайин ҳолсизланиб борарди. Турли дори-дармонлар, шифокор дўстлари ҳамда устозларининг сайъи-ҳаракатлари ҳам фойда бермади. Охири бедаво дард уни 30 ёшида кроватга михлаб қўйди. Аввал оёқлари, бора-бора иккала қўли ҳам ишдан чиқди. Бироқ бу касаллик Шокирхонни жисман енгган бўлса-да, руҳан ва маънан енга олмади. Мияси фикрлашдан, ўйлашдан, қўли эса ишдан чиққунча қалам тебратишдан тинмади.

Фарзандлари унга қўлу оёқ бўлдилар, умр йўлдоши Роҳилатхон ая (Пошшоҳон ая) шоирни 24 йил оқ ювиб, оқ таради. Кўзининг оқу қораси бўлган ўғли Халиллуҳон югуриб-елиб айтганларини бажо қилган бўлса, қизлари Мавлудахон билан Хоназимхонлар отасининг латиф шеърларини қоғозга туширдилар. Уни қарангки, دادасига ҳамдарду ҳамқалам бўлган бу фарзанди аржумандларнинг ҳар иккаласи ҳам кейин шоира бўлиб етишдилар.

Шокирхон Ҳақимов ижоди ана шу дардга чалингандан кейин, аниқроғи, ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланди.

Унинг дардини енгиллатишга энг аввало қалам кўмакка келди. Бу ҳақда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим шундай ёзади: «Шокирхоннинг ижоди ўзига хос жасорат меваси. Хасталикка мубтало бўлиб, оёқлари ишламай бир жойда ўтириб қолган Шокирхон тушкунликка тушмади, ҳаётдан ўзига муносиб ўрин топишга, жамиятнинг фаол кишиси бўлишга интилди. У тинмай мутолаа қилди. Шарқ шоирларининг асарларини ўрганди. Унинг газаллари инсонийликни шарафлайди, ҳалол меҳнат ва меҳру муҳаббатни улуғлайди, армон ва орзуларни куйлаб, дўстлик ва сажимийликка чорлайди.»

Шокирхон Ҳақимовнинг шоир сифатида камолга етишувида туғишгандай азиз дўстларининг хизмати ҳам катта бўлди. Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров, Ўзбекистон халқ ҳофизи Қобилжон Юсупов, айниқса, истеъдодли хонанда Исроилхон Усмоновлар унинг уйига тез-тез келишиб ҳамсуҳбат бўлишар ёки машиналарига ўтқазиб давраларига олиб кетишар, иложи борича беморнинг кўнглини кўтаришга, яшашга иштиёқини оширишга ҳаракат қилишарди. Бу меҳру мурувват шубҳасиз, Шокирхонга куч ва умид бағишларди. Бугина эмас, Шокирхон Ҳақимовни Иброҳим Раҳим, Йўлдош Сулаймонов, Охунжон Ҳақимов сингари таниқли адиблар ҳам кўп йўқлаб туришарди. Умуман, Тошкентдан Фарғонага ташриф буюрган қаламкаш борки, қувалик шоирни зиёрат қилмасдан кетишмасди.

– Шокирхоннинг дастлабки ёзган машқлари хийла бўш эди, – дейди у билан кўп мулоқотда бўлган Й. Сулаймон. – Ёзганлари ўзига ҳам ёқмасди шекилли, баъзан ранжиб қоларди. Шунда унинг кўнглини кўтарардик, китоблар обориб берардик. Айтганимизни қилиб жуда кўп ўқиди, тинимсиз машқ қилди. Айниқса, Навоий, Машраб, Амирий, Муқимий, Нодира, Ҳабибий, Чархий, Чустий каби шоирларнинг асарлари унинг жон-дили эди. Улардан ўрганиши туфайли қисқа муддатда Шокирхоннинг шеърларига шира қилиб қолди.

Шундай қилиб, Шокирхон Ҳақимов ўтган асрнинг 80-йиллари

ўрталарида дилтортар газалхон шоир сифатида тилга тушди. Хушовоз хонандалар унинг газалларини сиёҳи қуримасданоқ олиб кетишар, ҳаваскор қаламқашлар унга шоғирдликка келишиб сабоқ олишар, атрофдаги мактабларнинг ўқувчилари ҳам ўз ҳамқишлоқларидан тез-тез шеър эшитгани келишарди. Уни Тошкетдан излаб келадиганлар ҳам кўпайди. Айниқса, ҳамюрти И. Раҳим Қувага ҳар келганида шоир ҳолидан хабар олар, унинг шеърларини нашр қилиш йўлларини излаб, кўнглини кўтарарди. Шокирхон Ҳақимовнинг номи нафақат туман ва вилоят, балки республика матбуоти саҳифаларида ҳам тез-тез кўринадиган бўлиб қолди.

Шоирнинг илк шеърлари 1987 йилда «Олтин беланчак» деб аталган альманаҳда босилди. Унга Шокирхон Ҳақимовнинг 11 та газали киритилганди. Орадан кўп ўтмай, 1990 йилда унинг «Висол» деб номланган китоби Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг «Иродали инсон, заҳматқаш шоир» сарлавҳали сўзбошиси билан Ғ. Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Бу тўпламдан шоирнинг 139 газали, 9 мухаммаси ўрин олган эди. Бир йилдан кейин эса унга яна 25 та янги газали кўшилиб, «Ҳиллол» номи билан қайта нашр қилинди. Кетма-кет дунё юзини кўрган бу тўпламлар шоирга янада кўпроқ илҳом ва куч бағишлади.

Бунинг устига 1992 йилнинг январь ойида О. Ёқубов, И. Раҳим бошчилигида бир гуруҳ адиблар келиб, Шокирхон Ҳақимийни Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлганлиги билан қутлашиб, гувоҳномани топшириб кетдилар. Шоирнинг яна бир эзгу тилаги амалга ошган эди. Шунинг учун ҳам қисқа муддатда яна 60 та газал, 9 та мухаммас, битта дoston ёзишга улгурди. Чунки шифокор сифатида ҳам, улўғ зотлар сулоласининг вакили сифатида ҳам ўзининг умр шами сўниб бораётганини яхши билган шоир ички бир савқи табиий куч билан шошиларди.

Шоирнинг умр йўлдоши Роҳилатхон аянинг айтишларича, вафотидан уч-тўрт ой аввал қизлари Мавлудахон билан Хоназимхонлар дадаси айтган байтларни дафтарга туширишга улгуришмасди. У ҳамма нарсадан шеър қидирар, кўзига кўринган ҳар бир буюмни кемтик тақдирига таққослайдиган бўлиб қолганди. «Бир куни ётар пайтимизда чироқ ўчирилгандан кейин хонанинг ёруғлигини кўриб, Пошшоҳон, ташқари ойдинми, дейман» деб қолдилар, — деб эслайди ая. — Ҳа, ой роса тўлган, оппоқ ойдин кунлар» дедим. Шу пайт у киши тўхтамасдан:

*Тўлин ой чиқди кўкларга, менинг кўнглим ярим қолди,  
Вале кўнгли тўлиб кетган ёруғ дунёда ким қолди.*

дея ўқий бошладилар. Дарров қизларни чақирдим. Хоназимхон хизматга шай эди. Бирпасда беш байтлик ғазал дунёга келди».

1992 йилнинг 26 октябрида Кува халқи ўзининг оташнафас шоирини, матонатли фарзандини сўнгги йўлга узатди. Кува фарёд чекди, Фаргона йиғлади. Чунки:

*Фалак осмонидан бир юлдузи нури жаҳон кетди,  
Кўнгиллар мулкани обод этувчи дурфишон кетди.  
Уғил-қиз, дўстларин ташлаб, ўзи тунроқ томон кетди,  
Ҳақимийдан бўлиб мерос қолар ўтли наво энди,  
Навосиз шоири даврон — ғазалхон, алвидо энди.*

(Зухра Алиева. )

Шоир ўзининг оғир дард билан олишиб юриб кўпи билан 13 йил ичида ёзган 18 та мухаммаси, 243 та ғазали ва «Ўтмишдан садо» номли достонини ўз ичига олган «Умрим девони» (1994) китобини кўролмай кетди. Бу девонга муҳаррирлик қилган шоир Жонибек Субхон Шокирхон Ҳақимий шахси ва ижоди тўғрисида муҳаббатли сўзбоши ёзди. Унда шоир «руҳан ҳаёт» бўлиб, ўз шеърлари билан замондошларини «эзгу ишларга, хайрли амалларга даъват» этаётганини таъкидлайди. Ҳақиқатан ҳам Шокирхон Ҳақимов Фаргона шоирлари даврасида кўр тўкиб ўтирибди ва уларнинг овозига жўр бўляпти:

*Шокирни сўрсалар, шахрини Кува денглар,  
Ватаним деб, беқиёс Фаргона яшаб келдим.*

## ТАБИАТ МУСАВВИРИ

(1939)

Кўқонлик лирик шоир Анвар Юнусов 1939 йилнинг 6 декабрида Янги Чорсу даҳасида тугилиб вояга етди. 1955 йилда 8-мактабнинг 7-синфини битириб, Кўқон автойўл техникумига ўқишга кирди. Ота-онаси 11 фарзанд кўришган бўлса-да, уларнинг кўпчилиги гўдаклигида, 3 нафар навқирон ўғли эса Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида ўлим топдилар. Ўн биринчи фарзанд Анваржон оиланинг ягона таянчи, қувончи ва боқувчиси бўлиб қолганди. Бунинг устига отаси Юнусжон Аминов оламдан ўтган, онаси Тожибиби Исмоилхон қизи кексайиб, кучдан қолганди.



Техник-механик мутахассисилигини эгаллаган А. Юнусов 1959 йилда йўлланма билан Сирдарё вилоятига ишга юборилди. Бу ерда янги ташкил этилган 72-автосаройда дастлаб механик, кейин сарой мудирини, бош муҳандис лавозимларида ишлади. Ёш бўлишига қарамай, Анваржон автосаройни янги кадрлар билан таъминлашда алоҳида ташаббус кўрсатди. Атайлаб Кўқонга келиб, бу ерда бекор юрган таниш-билишлари, дўстларини Мирзачўлга олиб кетди. Автосаройнинг ўзида ҳайдовчилар, слесарлар, пайвандчилар тайёрлайдиган курслар очиб, ўқишни ташкил қилди. Бунинг учун Тошкент автомобил йўллари институтидан ўқитувчиларни дарсга таклиф этди. Иш юришиб кетди. Қисқа муддатда 72-автосарой вилоятдаги энг илғор хўжаликлардан бирига айланди.

Бироқ 80 ёшга яқинлашиб қолган онаси ёлғиз, Сирдарёдаги кўпқаватли уйда яшашни истамай Кўқонга қайтиб кетган, боласини ҳам ўз уйига қайтишга, уйланиб, бола-чақали бўлиб отасининг ўчган чирогини ёқиб ўтиришга ундарди. Онани парваришlash, дуосини олиш, рози қилиш керак эди. Шунинг учун Анваржон Сирдарёда пиширган ошини дамлаб қўйди-да, сузишни ҳамкасбларига қолдириб Кўқонга қайтди. 1961 йилдан Данғара туманининг Сирдарё қирғоғига жойлашган Оқжар қишлоғидаги

18-мактабда ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлай бошлади. Ўша йиллари ўқувчиларни ўрта мактабданок тракторчи, слесар, пайвандловчи, сут соғувчи, ҳатто мол боқувчи каби «касб»ларга тайёрлаш авжига чиққан эди. Буни қарангки, шундай касб эгаларини етиштириб чиқариш учун Анваржон борган мактаб ўқувчиларидан уч йил мобайнида биронта ҳам бу соҳада ишайдиганлари чиқмади. Аксинча, уларнинг кўпи Анваржонга эргашиб, шоир бўлиб кетишди.

Дарвоқе, шеърятга ихлос Анваржоннинг қалбига она сути билан кирганди. Кўқон шаҳрида таниқли ва катта обрўга эга бўлган мактабдор домла Исмоилхон муаллимнинг қизи бўлган онаси Тожибиби опа отасидан яхшигина таълим олган, Саъдий, Навоий, Фузулий, Машраб ғазалларини кўп ўқир эди. Сут билан кирган ишқ жон билан чиқади дейдилар. Эҳтимол, Анваржоннинг сердаромад ва келажакда катта мансаблар ваъда қилиб турган касбини ташлаб, тафаккур ва туйғулар ўртасидаги тинимсиз жанг азобларини танлашига ана шу ишқ сабабчи бўлгандир?! Бўлмаса, 1963-79 йилларда у Кўқон шаҳридаги мебел фабрикасида механикликдан то директорлик лавозимигача кўтарилган эди-ку! Боз устига бу пайтда уйланган, рафиқаси Раънохон билан бешта фарзанд кўришган, оила кўпайган, уларни боқиш, кийинтириш, ўқитиш учун кўпроқ маблағ топиш зарур эди.

Йўқ, бўлмади. Анваржон мансаблардан ҳам, фаровон ҳаётдан ҳам ижод изтиробларини афзал кўрди. 1979 йилда вилоят «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетасига ишга ўтди. Бу пайтда А. Юнусов эҳтиросли лирик шоир сифатида хийла танилиб қолган, «Ёшлик» альманахининг шу йили чиққан 6-китобида бир неча шеърлари босилган эди. Аслида унинг ижоди ўқувчилик йилларида бошланди. Кейин техникумда ўқиб юрган пайтида шаҳар «Меҳнат байроғи» газетасининг муҳаррири, шоир Н. А. Лукашов ташкил этган «Ниҳол» адабий тўғарагига қатнашди. Шеърлари бирин-кетин газеталарда босила бошланди. Тошкент автомобил йўллари институтида сиртдан ўқиб юрган 1968-73 йилларда Э. Воҳидов, А. Орипов, О. Матжон, Ж. Камол, Р. Парфи, М. Жалил сингари ўзига хос овозга эга бўлган шоирлар билан дўстлашган ва республика матбуотида ҳам кўп чиқа бошлаган эди.

Мана, чорак асрдирки, А. Юнусовнинг фаолияти бевосита

ижодий жараён билан боғлиқ. Газетага ишга келгач, орадан кўп ўтмай унинг биринчи шеърлар тўплами «Менинг қора кўзлим» (1982) босилиб қикди. Бу тўплам шоирнинг ўз ижодий йўлини белгилаб олганлигини кўрсатди. Адабий танқидчилик унинг шеърлари тўғрисида ижобий фикрлар билдирди. Бу пайтгача ҳам Анваржоннинг талай шеърлари «Гулдаста» (1972), «Биллур жилғалар» (1975), «Ёшлик» (1979) баёзларида нашр қилинган эди. 1985 йили эса ҳаммуаллифликда «Оқ лола» китоби босилди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олингач (1983), А. Юнусов вилоят бўлимининг бадиий адабиётни тарғибот қилиш бюросига ишга ўтказилди. Кейин пенсияга чиққунга қадар ёзувчилар уюшмасининг Қўқон шаҳар филиалини бошқарди. 20 йил ўзига қалам ушлашни ўргатган «Ниҳол» адабий тўғарагини тебратди. Бу ердан кўп ажойиб ижодкорлар етишиб чиқди ва етти нафари ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олинди.

Шоир Анвар Юнус шеърятга табиат мусаввири сифатида кириб келди. Ижодий анъаналаримизга назар ташласак, ҳақиқий ижодкорнинг табиат билан суҳбатлаша олиш, уни тушуниш, додарахтлару куш-қумурсқалар арзи-ҳолини, нола-афғонларини тинглай олиш қобилиятига эгаллигининг гувоҳи бўламиз. А. Юнусов шеърларини ўқиб шундай хулосага келиш мумкин. У табиатни, табиат эса уни тушунади, улар бир-бирини тўла ҳис қила оладилар. Шоир ҳар бир шеърда табиат гўзаллигини қуюқ ва турфа рангларда чиза олади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун А. Юнуснинг «Фарғонада куз», «Шоҳимардонда куз», «Оқтошда тоғ сайри», «Қайдасан, навбахорим» каби шеърларини ўқиш кифоя. Ёки шоирнинг кўплаб ўқувчиларга ёд бўлиб кетган мана бу тўртлиги ҳам фикримизни исботлайди:

*Сени севишимни булбулга айтдим,  
Булбул булбулларга ёйиб юборди.  
Ҳаёлкаш чаманда кезаркансан жим,  
Улар тонгда сенга ёлвориб борди.*

Атиги тўрт мисрадан иборат бу ажойиб шеърда фикр бор, туйғу бор, ҳаракат бор, детал бор, манзара бор, образ бор, муҳаббат бор, энг муҳими, самимият бор! Зеро, А. Юнус шеърларини кўпчиликка манзур қилган асосий унсурлар ҳам ана шулардир.

Кейинги йилларда А. Юнус ўз иқтидорини ғазал, мухаммас,



маснавий, сонет сингари кўҳна жанрлар ҳамда таржимачиликда ҳам синаб кўрмоқда. Унинг 1997 йил «Ёзувчи» нашриёти томонидан чоп этилган каттагина «Сени соғинаман» тўпламидан 80 дан ортиқ шеър, 10 та тўртлик, 32 та ғазал ва 4 та таржима асарлари ўрин олган. Кейинги пайтда у асосан ғазал ва мухаммаслар ёзиш билан банд.

– Ҳозиргача мумтоз ва замондош шоирларимизнинг юзта ғазалига мухаммас боғладим. Уларга тартиб бериб, ўқувчиларимга «Мухаммаслар гулдастаси»ни тухфа қилмоқчиман, – дейди шоир фахр билан.

Ҳарчи ғазал ва мухаммас ижодкорни соддаликдан мураккаблик босқичига кўтарса-да, мавзу, муаммо ва фикрий теранликнинг бироз чекланиб қолиш хавфи борлигини ҳам шоирга эслатиб қўйишни бурчимиз деб биламиз. Чунки биз билган эҳтиросли лирик шоир Анвар Юнусовнинг ҳис-туйғулари дарёдек жўшиб, фикрлари мева тугишга муштоқ дарахт сингари гуллаб турибди. Зеро, ёзмоқ «менинг қалбимдаги уйғоқ ғалаён»дир, «Виждон азобидир менинг шеърларим» деган юксак эътиқод камарини белига боғлаб ижод қилаётган шоиримиздан ҳали кўп асарлар кутишга ҳақлимиз. Чунки унинг ўзи ният қилганидек, бундан буён «Анваринг боғларда гулдин шеър китобин (кўп) ёзадир».

## ТОНГ ВА ҚАЛАМ ШАЙДОСИ

(1940)



Сиз бирон бир ижодкорнинг ўз шеърляти олдидаги қарздорлик туйғусини баён этгувчи нолаларини ўқиганмисиз? Бундай ижодкорлар гўё ўз халқи, ўқувчиси олдидаги маънавий бурчини тўла адо этолмай қолганидан хижолат чекаётгандек туюлади ва қаламига, қалам маҳсули бўлган шеърига, шеърини дунёга келтирган қалбига мурожаат қилиб, она халқи олдидаги қарзини узиш учун уни янада юксакка парвоз этишга ундайди. Ўзбек адабиётида ҳам ана шундай буюк масъулиятни чуқур ҳис қилган, бутун умрини ҳар қандай изтиробу азобларига қарамай ижодга бахш этган ва бундан лаззат олган сўз шайдолари кўп. Тенгдошим Малика Мирзо қизининг шеърларини мутолаа қилиш жараёнида унинг ҳам ана шундай санъаткорлар издоши эканлигини англадим.

Маликахон билан танишганимга 40 йилдан ошди. У пайтда биз ёшликнинг олтин даври ҳисобланган талабалик йилларини бошдан кечирардик. Факультетдаги адабиёт тўғараги машғулотларида, пахта терими мавсумида ўтказилган мушоираларда Маликахоннинг шеърлари ўзига хос жарангдорлиги, эҳтиросли туйғуларга бойлиги билан ажралиб турарди. Биз қўйи курс талабалари унга ҳавас билан қарардик ва шоирадан кўпроқ шеър эшитгимиз келарди. Кейинроқ М. Мирзаева билан вилоят газетасида 4-5 йил бирга ишлашга тўғри келди ва унинг ҳаёт йўли ҳамда ижоди билан янада яқинроқ танишдим.

Малика Мирзаева 1940 йил 7 июлда Фарғона шаҳри яқинидаги Оқариқ қишлоғида туғилди. 1958 йилда Фарғона туманидаги 35-мактабни тамомлаб, Улуғбек номидаги Фарғона Давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетига ўқишга кирди. Уни битиргач, 1963 йилдан бошлаб вилоят «Коммуна» газетасида адабий ходим бўлиб ишлай бошлади. Аввало, муаллима онаси Фозилабону Шокиржон қизининг таъсири, кейин мактаб ва олий ўқув юртидаги устозларининг кўмаги билан Маликахон шеър у қаламга ошно тутинди. Унинг илк шеърлари X синфда ўқиб юрган пайтидаёқ туман ва вилоят газеталарида чиқа бошлади. Талабалик

йилларида эса у Туроб Тўла, Зулфия сингари устозлар назарига тушди. 1960 йилда республика ёш ижодкорлар семинарида қатнашиб, Зулфия опанинг оқ фотиҳасини олишга сазовор бўлди. 1964 йилда нашр қилинган «Тўёна» альманахида Маликахоннинг иккита шеъри эълон қилинди.

Тез орада Малика Мирзаеванинг наманганлик шоира Санобар Ҳасанова билан ҳаммуаллифликда «Водий қўшиқлари» номли биринчи шеърлар тўплами босилиб чиқди (1967). Унда шоирамизнинг 18 та шеъри ва «Дўстлик қўшиқлари» деб аталган туркуми ўрин олганди. Ана шу илк тўпландаёқ М. Мирзаева ўзининг ижодий йўлини белгилаб олгандек туйилди: шоира шеърларига ажратилган бўлимга «Оналар уйғоқ» деб сарлавҳа қўйилган эди. Шундан кейинги йилларда шоиранинг бирин-кетин «Дилхирож»(1975), «Саодатим»(1980), «Тонг ва қалам»(1982) деган шеърый мажмуалари, «Сўнгги фожиа»(1975), «Оқбулоқ паризоди»(1980) каби драмалари яратилди ва эл оғзига тушди. 1978 йилда Малика Мирзаева Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди ва вилоят бўлимига масъул котиб этиб тайинланди. Энди унинг фаолияти бевосита бадиий ижод билан боғланди. Фақат ўзининг эмас, балки ўнлаб ижод аҳлининг эртанги кунни, тақдири зиммасига тушди.

Малика Мирзаева ўзбек шеърининг боғига ўзи туғилиб ўсган, вояга етган она юрти қўшиқларини куйлаб кириб келди. Шу билан шоира ижодида юрт мадҳи илк ижодий қадамларидан бошлаб асосий мавзуга айланди. Бора-бора дил тубига қадалган севги уруғи униб, ўсиб, вояга етиб, тотли мевалар бергувчи Ватан муҳаббати номли улкан дарахтга айланди. Шоиранинг илк шеърларидан бири «Ватан мадҳи» дан олинган мана бу мисралар ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас:

*Ҳар не истагим муҳайё этган*

*Сен, она ерим, сен — меҳри қуёш.*

*Амринга шайман кўз юмганда ҳам*

*Сени мадҳ этиб кўтарурман бош!*

Шоиранинг «Дилхирож», «Тонг ва қалам», «Саодатим» ва 2000 йилда «Ёзувчи» нашриётида босилган «Дил япроғи» каби тўпламларидаги шеърларида ватанпарварлик туйғуларининг янги қирралари пайдо бўлди. Зеро, ижодкор учун «Шу Ватандан фаровони йўқ» экан, уни кўз қорачиғидек асраш ва бир умр унинг муҳаббатини баланд пардаларда куйлаш масъулияти кучаяди. Бу муҳаббатнинг изҳори турли усуллар билан амалга оширилади. Маликахон аввало, тонгни қалам билан бедор кутиб олишни одат

қилган шоиралар хилидан. Унинг эълон қилинган тўпламларидан бири бежиз «Тонг ва қалам» деб аталмаган. Тонг шоира шеърларида тиниқлик, поклик ва бокиралик рамзи сифатида намоён бўлса, қалам ҳаётий манзаралар, сукунат ва рангларни тилга киритувчи шифобахш тифдир. Шунинг учун ҳам шоира қалам билан туну кун ҳамроҳ тутинган, ундан бир зум ҳам ажралишни истамайди. Чунки ижодкор учун ҳаёт «Қўшиқ ва қаламдан иборат»дир. Тонг ва қалам шайдоси бўлган шоирамизнинг эҳтиросли туйғуларидан нурга йўғрилган қўшиқлар пайдо бўлади. Бу қўшиқларнинг ипаклари қуёш нурларидан тўқилган, сатрларига эса ойнинг суратлари нақшлангандир.

1991 йилдаёқ нафақага чиқиб олиб, шириндан шакар неваралар қуршовида баракали ижод қилаётган Малика Мирзо қизи ҳануз қизгин адабий давраларнинг, шеърят кечаларининг пешқадами. Ана шундай фаоллиги ва бадий ижодда эришган ютуқлари учун 2000 йилда ҳукуматимизнинг «Шухрат» медали билан тақдирланди. Айни чоғда шоиранинг ижоди етуклик фаслига кирди. Мен Малика Мирзо қизига бўлган иззат-ҳурматимни шоирамизнинг 60 йиллиги муносабати билан ёзилган шеърый тилақларимда изҳор этишни лозим топдим:

*Шоир аҳли, тўхтангиз, куюнчак жон куйласин,  
Булбулларни лол этиб, тили бийрон куйласин.*

*Сафланинг, ҳей қаламлар, четга қочинг аламлар,  
Ташлаб дадил қадамлар - гупирган қон куйласин.*

*«Тонг ва қалам» сирдоши, водийдек чўнг бардоши,  
Кўп шогирд-у йўлдоши, суҳбати жон куйласин.*

*Қалбларни сархуш этиб, оромга хайр-хўш этиб,  
Илҳом майин нўш этиб, ўзи бир ён куйласин.*

*Ҳаммасидан зиёда шеър деб билган дунёда  
Бораётган пиёда қалби гирён куйласин.*

*Юрт мадҳи деб шайланиб, «Саодат» га бойланиб,  
«Дилхирож» га айланиб Маликахон куйласин!*

## УЛУҒЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАБ

(1941)

Ўтган асрнинг 70-йилларида Фарғона вилоятининг ўша пайтда «Коммуна» деб номланган газетаси муҳарририяси бағрида гоят кизгин адабий муҳит юзага келганди. Республикага машҳур адиблар Шерали Тошматов, Адҳам Ҳамдам, Йўлдош Сулаймонов, Охунжон Ҳақимовлар ортидан Малика Мирзаева, Бекмирза Маҳмудов, Санъатхон Маҳмудова, Омон Жорқинбоев, Анвар Юнусов, Комил Жўра каби истеъдодли ёш қаламкашлар етишиб чиқаётган эди. Булар орасида Сайдали Одиловнинг ҳам ўз ўрни ва овози бор эди.



Сайдали Одилов 1941 йил 28 декабрда Учкўприк туманидаги Пиртак қишлоғида туғилди. Саййидлар авлодига мансуб бўлган бу оиланинг соҳиби Одилхон ака халқ орасида Эшон ака деб эъзозланарди. Кекса журналист М. Назаровнинг маълумот беришича, Эшон ака бообрў дин пешвоси бўлиш билан бирга гоят зукко аскиячи сифатида ҳам машҳур бўлганлар. Ана шундай оилада вояга етган Сайдали жуда ёшлигидан китобга ошно бўлиб ўсди. Ўрта мактабни тамомлаб, Муқимий номидаги Кўқон Давлат педагогика институтига ўқишга кирди.

Институтни имтиёзли диплом билан тамомлаган Сайдали Одилов 1963-67 йилларда Учкўприк туманидаги «Янги Фарғона» газетаси муҳарририясида адабий ходим бўлиб иш бошлади. Бу ерда тажрибали журналист Маҳкам Назаров, эҳтиросли шоир ва таржимон Қодир Деҳқоновлардан кўп нарса ўрганди, қалами чархланди. У қисқа муддатда ўзининг долзарб мавзудаги лавҳа ҳамда очерклари билан вилоят ва республика матбуотида фаол қатнаша бошлади.

Қалами ўткир ва ҳозиржавоб журналист сифатида танилиб қолган Сайдали Одиловни 1967 йилда вилоят газетаси таҳририясига таклиф этишди. Бу ерда унинг ижоди янада камолга етди. У

газета топшириги билан қаерга борса, ўша ердаги халқ хўжалигининг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган замондошларининг фаолияти билан яқиндан танишди ва уларни эл кўзига кўрсатишни ният қилди. Бу ижодий истак ва ҳаракатнинг самараси ўлароқ 1975 йилда Сайдали Одиловнинг «Нигоҳлар» деб номланган биринчи китоби босилиб чиқди.

Китобга ёзувчининг бешта очерки киритилган эди. Уларнинг ҳар бирида муаллифнинг ўзи яхши билган, кўрган ва ҳамсухбат бўлган замондошлари қаламга олинган. Масалан, «Мардлик кўшиғи» очеркида муаллифнинг ҳамқишлоғи-пиртаклик Қурбонбой Зокиров, «Нигоҳлар» да яна бир ҳамюрти, ўқитувчидан чиққан раис Сотволди Қўчқоров, «Йўл бошида» очеркида риштонлик илғор сут соғувчи Турсуной Исҳоқоваларнинг меҳнат шижоати, ўйлари, камолот йўллари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Сайдали газета муҳарририятида 16 йил хизмат қилди, ўзининг ишчанлиги, камтарлиги, интизомлилиги билан обрў топди. Газетанинг оддий адабий ходимлигидан бўлим мудирлигигача, мусахҳиҳликдан масъул котибликкача бўлган мураккаб жараённи босиб ўтди. Бу орада билимини янада ошириш мақсадида Тошкент халқ хўжалиги институтини сиртдан ўқиб тамомлади. 1986 йилда С. Одилов вилоят маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи лавозимига ўтказилди ва 13 йил ана шу вазифани адо этди. Ҳозир эса Ю. Шакаржонов номидаги вилоят театрида директор бўлиб ишламоқда.

Ҳақиқий ижодкор қаерда, қандай лавозимда ишламасин, ҳеч қачон содиқ қаламини ташлаб қўймайди. Сайдали ҳам ана шу фазилатдан мосуво эмас. Унинг 1977 йилда «Хаёл ва ҳаёт», 1979 йилда «Дала маликаси» сингари китоблари чоп этилди. 1983 йилда Фарғонада ўтказилган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг сайёр йиғилишида Сайдали Одилов уюшма аъзолигига қабул қилинди. Бу эътироф унга ғайрат ва қанот бағишлади. 1987 йилда «Ёлқин», 1991 йилда «Мурасасизлар» деб номланган қисса ва ҳикоялар тўпламларини эълон қилди. «Ёлқин» китобига иккита ҳужжатли қисса киритилган. «Ёлқин» қиссасида муаллиф Қўқондаги машҳур нефть техникумининг асосчиси, халқи ва Ватан тараққиёти йўлида ҳалол ҳамда сидқидилдан хизмат қилган тиниб-тинчимас инсон Аҳад Қаҳҳорович Азизқориев ҳаёти ва фаолияти тўғрисида ҳикоя қилади. «Серташвиш куз» деб номланган иккинчи қисса ҳам

ҳужжатлар асосида ёзилган бўлиб, у 20-йиллардаги иқтисодий ҳодисаларда фаол иштирок этган Исроил Охуновга бағишланган.

Шунингдек, кўпчилик муаллифларнинг ижод намуналаридан ташкил топган «Тўёна», «Еттинчи доvon» номли баёлларда ҳам С. Одиловнинг бир неча очерк ва ҳикоялари ўрин олган. Кейинги йилларда Сайдали Одилов ўз қаламини драматургия жанрида ҳам синаб кўряпти. Вилоят театри унинг «Турмуш чорраҳаларида» (2000), «Юракдаги фарёд» (2001 йил), «Бир никоҳ фожиаси» (И. Турсунов билан ҳамкорликда, 2002 йил) каби пьесаларини сахналаштирди. Уларнинг ҳар бирида шу куннинг долзарб муаммолари, бозор иқтисодиёти қийинчиликларига бардон беролмай тўғри йўлдан адашаётган шахслар, қондошлик ришталарини мустаҳкамлайман деб бахтсизлик гирдобига ботаётганлар, наркоманлик балосига учраб умрини бой бераётган ёшлар фожиаси қаламга олинган. Шу боисдан улар томошабинлар томонидан илиқ кутиб олинди.

Сайдали Одилов улуғларни эъзозлаб, ижоднинг мураккаб йўлидан дадил илгари бораётган умидли қаламкашлардан биридир.

## ЯНГИЛИК ШАЙДОСИ

(1944)



Бу одам ҳақида маълумот олиш осон бўлмади. Қачон изласанг, иш билан банд. Ҳатто аввал телефон қилиб Қўқонга борганимда ҳам иши кўплигини айтиб келолмади. Мен унинг ижоди бўйича умумий тасаввурга эга бўлсамда (кутубхонамда шоирнинг «Қўқон ушшоғи» номли тўплами, бир неча баёзлар, журналлар ва газеталарда босилган шеърлари бор), кейинги 20 йиллик ижтимоий-ижодий фаолияти ҳамда айти кунлардаги машғулотидан беҳабар эдим. 1984 йилда чиққан Ўзбекистон ёзувчилари тўғрисидаги ахборотномада берилган маълумотлар эса аллақачон эскирган. Хўш, мени қизиқтирган, учрата олмай юрганам Ҳабибулло Саид Ғани ким ўзи? У ҳозир нима билан машғул? Уни учрашувга келмади, ўзи тўғрисида маълумот бермади деб, китобга киритмасам нима йўқотамиз?

Бу саволлар менга тинчлик бермади. Яна бир бор Қўқонга бордим ва ниҳоят, у билан учрашиб, суҳбатлашдим. У исми жисмига мос («Ҳабиб» — дўст демакдир) меҳрибон, ширин сўз, билимдон, катта ҳаётий тажрибага эга, ўзига ғоят ишонган, мағрур йигит экан. Аммо бу мағрурлик каттазанглик эмас, балки қилаётган ишдан қониқиш, ўзининг ҳақлигига ишончдан иборатдир.

Ҳабибулло Саидғаниев 1944 йил 10 декабрда Қўқон шаҳрининг Шайхулислом гузарига таваллуд топди. Отаси Саидғани қори Бухоро мадрасасида таълим олган, Куръони Каримни тўла ёд билган, Жомий, Бедил сингари файласуф шоирларни ўқиб, таҳлил қила оладиган зот эди. Ҳабибулло шаҳардаги машҳур 3-мактабни тамомлаб, 1962 йилда Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институтининг рус тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди.

— Отангиз катта руҳоний, онангиз отинча бўлса, сиз сўзсиз диний-тасаввуфий йўналишда таълим-тарбия олгандирсиз. Нега рус тили ва адабиёти факультетини танладингиз? Бу ўша давр талабига «лаббай» деб жавоб беришимди ёки бошқа сабаби борми? дея сўрадим ундан.

— Биласизми, 5-6-синфдан бошлаб бадий адабиётга жуда қизиқиб қолдим. Мактаб кутубхонасидан ўзбекча китобларни олиб



ўқий бошладим. Лекин тез тугаб қолди. Эҳтимол, ўзбекча китоблар кам бўлгандир? Кейин кутубхоначи русча асарларни ўқишни таклиф қилди. Дастлаб қийналдим. Кейин ўрганиб кетдим. Мактабимизда рус тили ҳам яхши ўқитиларди. Хуллас, бу ердаги русча китобларни ўқиб бўлдим. 9-10-синфда шаҳар кутубхонасига қатнай бошладим. Ўқимай туrolмасдим. Пушкин, Лермонтов, Горький, Пастернак, Маяковскийлар менинг энг севимли суҳбатдошларим эдилар. Уларнинг айрим шеърларини ҳозир ҳам рус тилида ёддан айтиб бера оламан. Рус адабиётини кўпроқ билиш, у орқали Фарб адабиётини ўрганиш истаги мени шу факультетга олиб кирган бўлса керак.

1967 йилда институтни тамомлаган Ҳабибулло 10 йилга яқин шаҳардаги 18-19-мактабларда ўқитувчилик қилди. Кейин касбини ўзгартирди. 1976 йилдан Қўқон шаҳар саноат-савдо бошқармасига инженер бўлиб ишга кирди. 1979-85 йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтининг савдо иқтисодиёти факультетида сиртдан ўқиди. 1985 йилдан бошлаб, шаҳар уй-жой хўжалиги бошқармасида етакчи-иқтисодчи мутахассис бўлиб ишлади. 1990-96 йилларда эса Қўқон шаҳар махсус хизмат кўрсатиш бошқармасининг бошлиғи, 2001 йилгача шаҳар савдо-харид корхонаси бошлиғи, деҳқон бозори раисининг ўринбосари вазифаларида хизмат қилди. 2001 йилдан буён «Қўқон ёғ-мой» ҳиссадорлик жамиятида иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчи ва раис ўринбосари бўлиб ишлаб келмоқда. Унинг ижтимоий фаолияти ижод қилишга ҳалақит бераётгани йўқ. Аксинча, бу мураккаб ҳаётнинг зиддиятли қатламларига чуқурроқ кириб боришга, салмоқлироқ хулосалар чиқаришга кўмаклашмоқда.

Ҳабибулло ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ ўзига хос овозга эга шоир сифатида танилиб қолганди. У шеърятда иложи борича бошқача йўлдан боришга интилди. Ўта жўн ҳодисаларни соддагина усулда ифодалаш орқали катта фалсафий мушоҳадаларни баён қилишга уринди. Масалан, унинг ўша пайтда эълон қилинган «Суҳбатдан» шеърини олиб кўрайлик:

*Ота-онанг тирикми, Хидирвой?*

*Юришибди тупроқдан ташқари.*

*Бола-чақанг?*

*Соғ-саломат.*

*Вафодорми хотининг?*

*Шубҳам йўқ.*

*Омонми юртинг?*

*Минг қатла шукур.*

*Бўлмаса ...*

*Нега ичасан,*

*Хумнар?*

Ниҳоятда жўн (шоирнинг узи буни «примитив» деб агади), оддий мулоқот асосига қурилган бу шеър образлилик, рамзийлик, бадийликдан мутлақо ҳоли. Аммо юракни ларзага соладиган мазмунга, хулосага эга. Саволларнинг салмоғи тобора ортиб боради. Жавоблар ҳам шунга яраша. Лекин охириги саволга Хидирвой жавоб беролмайди. Зеро, бунинг кераги ҳам йўқ. Жавобни ўқувчининг юрагидан излаш лозим. Шоирнинг 12 мисрадан ибораг «Ит ҳақида достон» шеъри ҳам ана шундай таассурот қолдиради.

Буни ўша пайтда кўпчилик қабул қилолмади. Шу боисдан Ҳабиб Саид Фанининг биринчи шеърлар тўплами республика ёзувчилар уюшмасидаги муҳокамадан ўтмай, етти йил қолиб кетди. Ниҳоят, 1980 йили «Менинг оппоқ далам» китобчаси дунё юзини кўрди. Бунгача эса унинг «Ёшлик» альманаҳларида, «Гулистон», «Ёшлик», «Шарқ юлдузи» журналларида жуда кўп шеърлари босилиб чиқди, номи адабий танқидчилик тилига тушди. 1983 йилда шоир Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Худди шу йили Ҳабиб Саид Фанининг «Овознинг шакли», 1986 йилда «Кўқон ушшоғи» китоблари нашр қилинди.

Шундан буён Ҳабиб Саид Фанини турли йиғинлар, газета ва журналлар, мушоираларда кўп учратамиз, таниқли шоир сифатида тан оламиз. Бироқ салкам йигирма йилдирки, биронта китоби чиққани йўқ. Ваҳоланки, ўзи аллақачонлар:

*Фақат шоир билмас нелигин ором,*

*Юрагига чўқар кўрган-кечгани.*

*Оппоқ қоғозларга қуйилар хаёл...*

деб ёзган бўлса-да, юрак ва хаёл маҳсулини китоб шаклида кўрмадик.

Умид эса йўқ эмас. Чунки Ҳабибулло кўп йиллардан буён вилоят ёзувчилар уюшмасининг Кўқон шаҳар бўлимини жамоатчилик асосида бошқариб келяпти. Унинг агрофига жуда кўп таниқли шоирлар ва бошловчи қаламкашлар уюшган. Улардан ортда қолса бўлмас. Бу ёғи 60 ёш ҳам эшик қоқиб турибди. Бу туйғулар Ҳабибулло Саид Фанига бегона бўлиб қолмаслигини, ўқувчилари ундан янги шеърлар кутаётганини сезишини истаймиз.

## НУРЛИ ЙЎЛ ҚИДИРИБ...

(1946)

У билан бир даврада ўтирсангиз, тор чалиб айтган оҳанрабо қўшиқларидан сел бўласиз; гоҳ устози Ўзбекистон халқ ҳофизи Фахриддин Умаровга, гоҳ худо раҳмат қилгур олим Ҳайдарали Узоқовга ёки бошқа ўзи яхши билган ва ёқтирган танишига гап-сўздаю ҳатти-ҳаракатларида айнан тақлид қилишини кўриб, мириқиб куласиз; гоҳ жиддий илмий мулоҳазаларини тинглаб таъсирланасиз; ёки янги асарининг қизиқ воқеаларини эшитиб ҳузур қиласиз. Бир пайтнинг ўзида суҳбатдошининг кўнглини олиш учун турли қиёфага кира оладиган, аммо илм ва ижодда мутлақо ўзлигини йўқотмайдиган бу одам филология фанлари номзоди (1994), Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг аъзоси (1995), таниқли хонанда, ҳозир Фарғона вилояти матбуот бошқармасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Тилаволди Саидович Жўраев бўлади.



Тилаволди 1946 йилнинг 10 майида Ёзёвон туманига қарашли Бўтқачи қишлоғида оддий деҳқон оиласида туғилди. Ўзининг айтишича, унинг тарбиясида отасининг таъсири жуда кучли бўлган. Одамларни, воқеа-ҳодисаларни кузатиш, энг характерли томонларини эсда сақлаб қолиш, кейин жонли ҳикоя қилиб бера олиш фазилатини отасидан ўрганган. 1963 йилда қишлоғидаги 8-ўрта мактабни тамомлаб, Фарғона педагогика институтининг чет тиллар факультетига ҳужжат топширди. Ўша йили институтда янги очилган бу факультетга Тилаволдига ўхшаш иқтидорли ёшлар кўплаб керак эди.

У инглиз тили мутахассислигини танлади ва институтни имтиёзли диплом билан битирди. Устози Й. Саидовдан кўп нарса ўрганди, талабалик йилларидаёқ инглиз тилидан бевосита таржима қилишга киришди, кўп мутолаа қилди, ўрганди. Шунинг учун бу тиришқоқ йигитни инглиз тили кафедрасида ишга олиб қолдилар.

Тилаволди Жўраев 27 йил (1968-1995) мобайнида ана шу кафедрада ишлаб, талабаларга инглиз тили ва адабиётидан дарс берди, илмий изланишлар олиб борди. Академик С. Мамажонов

раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди (1994). Талабалик йилларидан бошлаб мустақил равишда тор чалишни ўрганиб қўшиқлар айтди ва бу соҳада ҳам шуҳрат қозонди. Ёзувчи сифатида Тилаволдининг ижоди хийла кеч бошланди. Ўзининг ёзишича, «1988 йилнинг март ойида уйда тўсатдан «Ўчмайдиган трактор» деб аталган ҳикоясини эрталаб ишга кетишга тайёрланаётиб, тик турган ҳолда қалам билан стол устидаги қоғозга ёза бошлаган. » Кечқурун ишдан қайтгач, уни яна бир ўқиди, таҳрир қилди. Кейин бир четга ташлаб қўйди. Аммо унда тасвирланган воқеа Тилаволдига тинчлик бермасди. Гап шундаки, институтдан пахта теримига чиққанларида айнан тракторчи Аҳмаджоннинг тақдирига дуч келган, «ёшини аниқлаш қийин» бўлган бу йигитнинг «ғам-ғуссаси» ёзувчига тинчлик бермай қўйганди. Ҳикояни бир неча ойгача қўлга олмади. Қўлига олса, худди «юз ифодаси кўп ўзгармайдиган, гапида умуман завқ йўқ, ҳаётдан аллақачон безганга ўхшайди»ган ўша йигитнинг дарди қалбига изтироб бергандек туйилаверди.

Охири бўлмади. Уч-тўрт ойдан кейин ҳикояни яна бир кўздан кечирди, зукко адабиётшунос олим Азимжон Раҳимовга обориб берди. «Эртасига тонг пайтида телефон безовта жиринглади, – деб эслайди у. – Уйқудан эринчоқлик билан туриб, гўшакни олдим. Азим ака экан. Ўта ҳаяжонда: «Тилаволди! Мен сизни бағримга босаман! Табриклайман! Кечаси билан ўзимни қўйгани жой тополмай чиқдим» дейди». Шу ҳикоя вилоят газетасининг 1988 йил 16 июлдаги 138-сонида А. Раҳимовнинг «Оқ йўл»и билан босилиб чиқди. Кейин 1989 йил бошларида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида эълон қилинди. Бу ҳикоянинг муваффақиятидан руҳланган Тилаволди Жўраев астойдил ижодий ишга киришди. Қисқа муддатда 17 та ҳикояни ўз ичига олган «Қишлоқликлар» номли биринчи тўплами нашр қилинди (1993). Академик С. Мамажонов «Зулмат ичида нур» сарлавҳали сўнгги сўзида ёш адиб «инсоннинг мураккаб қалбини ўрганишга, руҳий дунёси, кечинмалари суратини ва ташқи қиёфасини ишонарли, ҳаётий ва жозибали қилиб тасвирлашга интилиши менда унинг қаламига умид ва ишонч билан қараш туйғусини уйғотди» деб ёзади.

Шундай қилиб, Т. Жўраев ёзувчи сифатида шаклланди. 2000 йилда унинг «Яхши ҳаммага керак» деган қиссаси нашр қилинди. 2004 йилда эса «Шарқ» нашриёти «Арвоқлар тунда изғийди» номли романини босиб чиқарди.

Ёзувчининг асарларида ўзи яхши билган Фарб адабиёти таъсири кучли сезилади. Аммо воқелик ва қаҳрамонлар тасвирида

миллийлик қобигидан чиқмасликка интилади. Бу хусусият айниқса, адиб романида яққол сезилади.

Тилаволди Жўраев 1999 йилда жаҳонга машҳур Чимён санаторийси тарихи ва сувининг шифобахш фазилатлари тўғрисида ҳикоя қилувчи «Ўзбекистон Маънаси» деб номланган оммабоп рисоласини, 2002 йилда эса «Нурли йўл ва эзгу ният ижобати» деб аталган публицистик асарини эълон қилди. У таржимон сифатида ҳам самарали ишламоқда. Бевосита инглиз тилидан ўгирилган Г. Уэллснинг «Доктор Моро ороли» (Т., 1993), К. Грэхемнинг «Ҳаммамиз ҳам дарбадар» қиссаси («Жаҳон адабиёти» журналининг 2004 йил 1-сон), шунингдек, Э. Хемингуэй, Ж. Жойс, У. Сароян, Э. Мпахэле, Борхес, Фуэнтес сингари жаҳон тан олган адибларнинг асарлари Т. Жўраев таржимаси орқали ўзбек китобхонларининг сеvimли китобига айланиб қолди.

Тилаволди Жўраев адабиётшунос сифатида ҳам яхши танилган. Олимнинг «Жеймс Жойс» (Т., 1993) рисоласи, «Онг оқими ва тасвирийлик» номли монографияси (Т., 1994) фаннинг муҳим муаммоларини таҳлил этишга бағишланганлиги билан эътиборлидир.

Адибнинг ижодий режалари улкан. Айни кунларда у 12 новелладан иборат «Аср туққан одамлар» туркуми устида астойдил ишляпти. «Бозор дунё» деб аталган иккинчи романи нашрга топширилди. Ҳаёти ва ижодининг мазмунига айланишини кутаётган «Раҳмон» романи учун материал тўплашга киришган.

Хуллас, бундан буён ҳам адибнинг яна янги-янги ажойиб асарлари адабиётимиз жавонидан ва китобхонлар қалбидан муносиб ўрин топишига ишонамиз.

## ШЕЪРИЯТДАН ИЗЛАНГАН ЛАЗЗАТ

(1947)



*Сенсиз дақиқалар заққум бир олам,  
Сенсиз ёруғ кунлар қаро бир дарддир.  
Ватаним, бағрингда умр кўрмоқ ҳам,  
Қачондир ўлмоқ ҳам мен учун бахтдир...*

Марғилонлик таниқли шоир Исмоил Маҳмуд (Исмоилжон Мирзамаҳмудов) қаламига мансуб ушбу сатрлар бундан чорак асрлар муқаддам ёзилган бўлса ҳам ҳали-ҳануз ҳароратини йўқотган эмас. Чунки бу илтижо шоирнинг қасамёдидек жаранглайди, шундай яшаш ва интилиш унинг ҳаёт тарзига айланган. Зеро, Исмоил Маҳмуд қаерда, қандай лавозимда ишламасин, Ватан манфаати йўлида хайрли ишлар қилишга одатлангандир. Нафақат ўзи, балки ўнлаб шоғирдлари қалбига ҳам Ватан муҳаббати ва шеър лаззатини сингдираётган бу шоир ҳозир ҳам эзгу ниятлар оғушида ижод қилмоқда. Бу ватанпарварликнинг туб сабаблари бор.

Исмоил Маҳмуд 1947 йил 20 октябрда Хитой халқ республикасининг Қашқар шаҳрида таваллуд топди. Унинг ота-боболари ўтган асрнинг 30-йилларида осойишта ҳаёт излаб, Марғилондан бош олиб чиқиб кетган, сарсон-саргардонликда Ўзган орқали Қашқар вилоятига ўтиб шу ерда қўним топган эдилар. Аммо бу ерда ҳамма нарсаси етарли, уй-жойли бўлишса-да, чорак аср мобайнида Ватанни қўмсаб яшадилар. Ниҳоят, Сталин ўлиmidан кейин Хитой мамлакати билан алоқалар яхши йўлга қўйилди ва фуқароларни айирбошлаш бошланди. Ана шунда Мирзамаҳмудовлар оиласи ҳам қанот боғлаб, 1955 йилда она юртига учди, яна Марғилон шаҳрига келиб яшай бошладилар.

Бу ерда Исмоилжонни мактабга қабул қилиш учун туғилганлик тўғрисида гувоҳнома сўрашди. Қашқарда эса гувоҳнома олинмаганди. Тоғаси тирик қолган жиянларининг ёшини икки йилдан оралатиб ҳисоблаб, Исмоилжонга гувоҳнома олиб берди. Аслида Исмоилжоннинг айтишича, 1949 йилда туғилган экан. Шунинг учун ҳам у Муқимий номидаги 19-мактабнинг 1-синфига 1957 йилда кириб, 1967 йилда 10-синфни тамомлади. Бир йил шу мактабда ёшлар етакчиси бўлиб ишлади. 1968 йилда Тошкент

Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди. 1973 йилда битириб, Фаргона вилоятининг «Коммуна» газетасида адабий ходим сифатида иш бошлади.

Исмоилжон ўқувчилик пайтларидаёқ шеърлар машқ қила бошлаган эди. Айниқса, юқори синфда дарс берган шоир Мамадали Умаров унга устозлик қилди, ёш ижодкорни қўллаб-қувватлаб, руҳлантириб, билмаганини ўргатиб, шеърларини таҳрир қилиб, «Марғилон ҳақиқати» газетасида чиқара бошлади. Тошкент муҳити эса унинг ижодга бўлган меҳри ва ихлосини янада оширди. Исмоил Маҳмуд ҳаёт лаззатини шеърятдан излади. Унинг қайноқ бағрида яшаш ва ижод қилиш ниятида 1974 йили яна Тошкентга қайтиб кетди. 12 йил Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир бўлиб ишлади. Шу даврнинг улкан ва эҳтиросли шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Али, Жамол Камол, Рауф Парфи, Омон Матжон кабилар билан танишиб, ижод сирларини ўрганди. Хушмуомалалиги, камтарлиги, меҳнатсеварлиги, тиришқоқлиги билан устозларининг меҳрини қозонди.

1979 йилда шоирнинг «Шуъла» номли илк китоби босилиб чиқди. Исмоилжон ўзининг мана шу тўпламига кирган шеърлари биланоқ кўплаб ўқувчиларнинг эътиборини тортди. Чунки уларда муаллиф замондошларининг ўй-кечинмаларини, орзу-истакларини, она юртининг гўзал ва бетакрор табиатини куйлади, ўзлигини англаётган, бахтли келажак учун курашаётган тенгдошларининг интилишини ўзига хос тарзда ифодалади. Орадан кўп ўтмай 1983 йилда шоирнинг «Келажакка ишониб» деб аталган китоби нашр қилинди. 1984 йилда Исмоил Маҳмуд Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоллигига қабул қилинди.

1986 йилдан бошлаб Исмоил Маҳмуд республика ёзувчилар уюшмасининг ёшлар ижоди бўйича масъул котиби лавозимида ишлай бошлади. Бу ерда унинг ижтимоий фаолияти кенгайибгина қолмади, балки ижодий уфқи ҳам кенгайди. Шоир жаҳон адабиётининг нодир намуналарини таржима қилишга киришди. Бу билан ҳам ўзбек адабиётини, ҳам ўзининг ижодий лабораториясини бойитди. Бу изланишларнинг натижаси ўлароқ Бенгал халқининг исёнкор шоири Назрул Ислоннинг «Инсон», Венгер адиби Эдуард Воврушканинг «Изкувар Блок» асарлари ўзбек ўқувчисининг қўлига тегди.

Шоир И. Маҳмуд 1989 йилда «Эътироф» деб аталган янги шеърлар тўпламини китобхонлар ҳукмига ҳавола этди. Ундаги шеърларнинг жуда кўпчилиги инсоннинг ўзлигини англаши, ботинида уйғонаётган инқилобий эрк руҳининг талқини, ҳамма

нарсага эришса-да, ўз кўз ёшини артишга ҳануз қўли етмаётган одамнинг армонларини ифодалашга бағишланган. Шоирнинг тасвирлашича, ҳатто Бароқ исмли мушук ҳам эркинликни истаб «Саккизинчи қаватдан ўзини отди ерга!» Умуман, ушбу китоб ижодкорнинг «уйғониш тонги» эканлиги, сахар чоғидаги тоза ҳаво унинг руҳига янги эпкин олиб кираётганлиги, ўз қалбини тинглаётган, таниётган ва англаётган лирик қаҳрамоннинг ранг-баранг ҳис-туйғуларини образли ифодалаш билан олдинги йиллардаги шеърларидан тамомила фарқ қилади.

Сўнги йилларда истиқлол туйғуси И. Маҳмуд ижодига янги қанот бағишлади. У ҳозир асосан, ғазал жанрида ижод қиляпти. Уларда ўзликни, миллий қадриятларимизни англаш ва баланд овозда таранннум этиш, мумтоз ижодкорлар анъанасини давом эттириш ва янгилашга эътибор бермоқда. Бу олижаноб мақсадни ёшларга ўргатиш ҳам И. Маҳмуднинг кундалик вазифасига айланган. Ҳозир ўзи раҳбарлик қилаётган Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Марғилон шаҳар бўлими қошида Жаҳон отин Увайсий номида адабиёт тўғараги ташкил этган. Бу тўғаракка 20 дан зиёд ёш қаламкашлар жалб қилинган. Шуниси қувончлики, бу тўғаракнинг дастлабки нишонлари эл оғзига тушди. 2000 йилда Дилфуза Содиқова Зулфия номидаги республика Давлат мукофотининг совриндори бўлди. 2001 йилдан буён деярли ҳар йили республика ёш ижодкорларининг Зомин анжуманида З. Ваҳобова, Н. Охуновалар совринли ўринларни эгаллаб, устозининг ишончини оқлаб қайтдилар. Ҳали тўғаракнинг ўнлаб Дилдора-ю, Чарослари, Назира-ю, Ойдинлари навбат кутиб туришибди. 2002 йилда тўғарак аъзоларидан 22 нафар ижодкорнинг шеърларидан ташкил топган «Мустақиллик фарзандиман» номли тўплам нашр қилинди.

Хуллас, 1992 йилда Фарғонага қайтиб келган Исмоил Маҳмуд дастлаб янги ташкил этилган «Фарғона» нашриётининг бош муҳаррири, вилоят ҳокимлигининг мафкура бўлимида бош мутахассис, маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлимининг масъул котиби лавозимларида ишлади. Аммо у қаерда, қандай лавозимда ишламасин, бутун ҳаёти давомида ёлғиз шеъриятдан лаззат излаб, уни мисқоллаб олиб, ўзгалар қалбига сингдириш иштиёқи билан яшамоқда.



## ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА

(1948)



Матлуба Деҳқон қизи Аҳмедова 1948 йил 1 май куни Олтиариқ туманидаги Файзобод қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Кўп ўтмай дадасининг хизмат тақозосига кўра оила Фарғона шаҳрига кўчиб келди ва Матлубанинг ёшлиги шаҳарда ўтди. М. Аҳмедова 1966 йилда шаҳардаги 15-мактабни тамомлаб, Фарғона педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди. Институтни тамомлаб, 1970 йилнинг августидан то 1984 йил октябрь ойигача вилоят

газетасида адабий ходим бўлиб ишлади.

Бу пайтда Матлуба Аҳмедова ижодкор сифатида хийла танилиб қолган, унинг шеър ва ҳикоялари нафақат газета ва журналларда балки талай баёзларда босилиб чиқа бошлаган эди. 1983 йили уюшма аъзоллигига қабул қилинди. Шунинг учун уни 1984 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимига адабий маслаҳатчи қилиб олдилар. Бу вазифада Матлубахон то 1998 йилгача ишлади. Шу йили бу борада кўп тажриба орттирганлигини инobatга олиб, у уюшманинг масъул котиби лавозимига ўтказилди. 2001 йил августидан нафақага чиққан М. Аҳмедова ҳозир уй бекаси, кўплаб набиралар бувиси.

Матлубанинг «Ўқитувчимга» деб аталган биринчи шеъри 1963 йилда собиқ «Ленин учқуни» (ҳозир «Тонг юлдузи») газетасида босилган эди. Ўқувчилик пайтидаёқ шеърларини кўтариб, вилоят газетаси муҳарририятига тез-тез келиб турар эди. Бу ерда уни шоир Йўлдош Сулаймон ҳар доим илиқ кутиб олар, унга астойдил ёрдам берар, руҳлантирарди. Матлуба бу бағри кенг, меҳрибон, ҳушчақчақ, ҳар бир нарсадан, ҳар бир кишидан яхшилик қидирувчи инсоннинг этагини маҳкам тутди. Йўлдош ака унга умрининг охиригача устозлик қилди, ҳар бир ижодий қадамини кузатиб борди, ҳар қачон, ҳар қаерда қўллаб-қувватлади.

Ҳозир Матлуба Деҳқон қизи ҳам шоир, ҳам носир сифатида анча танилиб қолган ижодкор. Унинг 70-йилларда республика газета ва журналларида босилган шеър ва ҳикояларидан ташқари «Ёшлик» альманаҳининг 1977 йили нашр қилинган 3-китобида «Келин» номли ҳикояси чоп этилганди. Ҳикояда уч ойлик келин Ҳалиманинг янги уйдаги кечинмалари, қарс икки қўлдан чиқиши зарурлиги, инсоний иззат-ҳурмат масалалари анча ишонарли тасвирланган.

1992 йилда Матлуба Деҳқон қизининг илк шеърлар тўплами «Қорачиқ» номи билан босилиб чиқди. Маълумки, қорачиқ инсон танасидаги энг нозик, энг керакли, энг гўзал, айна чоғда энг эътибордан четдан қолган аъзо ҳисобланади. Агар у эҳтиёт қилинмаса, инсон дунёни кўришдан маҳрум бўлади, гўзалликни ҳис қилолмайди, яшашнинг қизиғи қолмайди. Шоира назарда тутган қорачиқ кенгроқ маънода «тупроққа бевақт кўмилган зиёлиларимиз, на қофия, на вазнга тушмай» муаллифни қийнаётган муҳаббат, инсон руҳини кўтаришга арзигулик сеҳрли сўз излаш иштиёқидир. Бундан-да муҳими косаси ҳеч қачон оқармай ўтган ўзбек деҳқонининг аянчли тақдири, ҳали айтилмаган кўнгил ноласини ифодалаш учун бу бир бадиий воситадир.

Матлуба ёзган шеърларида ўз севган қаҳрамони ва ўқувчисининг кўз қорачиғига жойлашиб олишни, бу ёруғ ва рангин оламга уларнинг нигоҳи билан қарашни истайди. Табиатни янада кўркамроқ, гўзалроқ ва яшилроқ кўргиси келади. Бу истагининг реал воқеликка айланиши учун изланишни давом эттиради. Албатта, бу изланишлар йўли ҳар доим ҳам текис, силлиқ ва фақат роҳат-фароғатдан иборат эмас. Буни ижодкор Матлуба Деҳқон қизи ҳам яхши тушунади ва ўзининг мақсади манзилига етиш истагидан воз кечмайди.

Шунинг учун у кейинги йилларда ижодий ишга янада астойдилроқ киришди, бир неча ҳикоялар, қиссалар ҳам яратди. Бу насрий асарларида асосан аёл зотининг турмуш чархпалагида кечирган қувончли ва қайғули кунлари, ҳаёт иморатининг дарз кетмаслиги учун аёлнинг ҳам, эркакнинг ҳам етти ўлчаб бир марта кесиши лозимлиги сингари кундалик долзарб муаммолар қаламга олинган. Шу боисдан адибанинг «Соғинч», «Кўнгил уйи» каби қиссалари ўқувчилар томонидан илиқ кутиб олинди.

– Ўзимга салгина ёқадигани «Соғинч» номли қиссамдир, – дейди Матлубахон биз билан суҳбатда. – Чунки унда кўпроқ кўнглим тубидаги идеал аёл изтиробларини акс эттиришга интилганман. Бу қиссам вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ижтимоий, адабий-бадиий газетаси «Ойдин»да тўла босилиб чиқди. Кейин китоб ҳолида нашр этилди. Қиссада Ойдин исмли аёлнинг ҳаётда билиб-билмай қадам қўйганлиги оқибатида тинчлик бермас изтироблар исканжасида руҳий азоблар чекишини ифодалаш орқали минглаб аёлларга тўғри ва ойдин йўл топиш учун нималар қилмаслик зарурлигини уқтирмақчи бўлдим. Бу мақсадимга нечоғлик эришдим, буни бошқалар айтар. Лекин шунга ишонч ҳосил қилдимки, кўплаб газетхонлардан хат олдим, адабий учрашувларда, давралардаги суҳбатларда кўпгина ёқимли гаплар эшитдим. Эндиги эзгу ниятим ҳар доим ёлғиз Матлубани эслатиб турадиган асар ёзишдан иборатдир. Ҳозир шундай асаримнинг тўлғоғи билан яшаяпман.

Орзуга айб йўқ. Бу орзуга қанот бағишлайдиган ҳамдари ҳам бор. Турмуш ўртоғи Абдували Ортиқов ҳам ижодда у билан парвоз қилишга ҳар доим шай. Фарзандлари уларга тиргак. Биз эса уларнинг парвозига омад тилаймиз.

## БЕЗОВТА САВОЛЛАР

(1949)

Шоира Дилбар Ҳамзахўжаева билан суҳбатлашиб ўтирибман-у, хаёлимда бундан 30 йиллар аввал водийда тарқаган шов-шувлар чарх уради: «Нима дейсан, Қўқонда бир шоира чиқибди – ўзи ҳам, сўзи ҳам гўзал, исми жисмига монанд Дилбар экан...» Айрим орзумандлар атайлаб Қўқонга боришиб, уни кўриб келишарди. Мен эса адабий жараёнга озми-кўпми аралашиб юрган мутахассис сифатида адабий анжуманларда у билан кўришиб турардик. Ҳамза Ҳакимзода, Сотти Ҳусайн, Усмон Носир, Чархий каби қўқонлик ижодкорларнинг юбилейлари муносабати билан ўтказилган учрашувларда унинг ёниб-ёниб шеърлар ўқиганини кўрганман. Дилбар чиндан ҳам гўзал эди! Шеърлари эса қизнинг чиройини яна ўн чандон очиб юборарди.



Ўтган асрнинг 70-йилларида 20 ёшга ҳам кириб-кирмаган (у 1949 йилнинг 7-ноябрида туғилган эди) қизчанинг шуҳрати бутун республикага тарқалди. «Ўқитувчимга» деб номланган биринчи шеъри шаҳар газетаси «Меҳнат байроғи»да босилиб чиққанида у 7-синфда ўқирди. Кейинги йилларда газета қошидаги «Ниҳол» тўгараги машғулотларида олган сабоқлари (бу тўгаракка дастлаб Н. А. Лукашов, кейин А. Юнусов раҳбарлик қилишган) унинг ижодини янада пишитди. Қўқон Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетида ўқиган талабалик даврида (1967-71) эса республика газета ва журналлари унинг шеърларини басма-басига боса бошладилар.

Дилбар Зулфия опанинг назарига тушди. «Саодат» журналида унинг талай шеърлари босилиб чиқди. «Шарқ юлдузи», «Гулистон», «Ёшлик» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси шоирани элга танитди. Ҳар йили нашр қилинадиган «Ёшлик», «Молодость» баёзларининг илк нашрларида (70-йиллар охири) Дилбар Ҳамзахўжаеванинг талай шеърлари эълон қилинди.

Институтни битиргач, уни устозлари ўзбек адабиёти кафедрасида ишга олиб қолдилар. Аммо бу ерда икки йилгина ишлади холос. 1973 йилда шаҳардаги кечки ишчи-ёшлар мактабига

ўтиб ишлай бошлади. Кўплар ўйладики, Дилбар ижод билан астойдил шуғулланади. Чунки кундузи бўш, кечкурун бир неча соат дарс беради холос. Бироз вақт ўтгач эса шаҳардаги 4-ўрта таълим мактабига ўтди. Мана, 21 йилдан буён шу мактабнинг рус синфларига ўзбек тилидан дарс бериб келяпти.

Очигини айтганда, Дилбар ишлаган масканларда ижод қилиш учун вақт ҳам, имконият ҳам етарли эди. Бироқ шоира улардан унумли фойдалана олмади. Шу пайтгача биронта ҳам китоб чиқармаганлиги бу фикримизни исботлайди. Ваҳоланки, тилга тушган 70-80-йилларда китоб чиқариш учун муаллиф ҳозиргидек пул тўламас, аксинча, каттагина қалам ҳақи оларди. Бунинг устига баъзи нашриётлар Дилбардан китоб тайёрлаб беришни сўрадилар ҳам. Бепарволик қилди, уринмади. Кейин узоқ йиллар жим бўлиб кетди. Аммо Қўқоннинг қайноқ адабий муҳити, шоиранинг ижодкор дўстлари уни ёлғизлатиб қўймадилар.

Дилбархон жим бўлиб кетган бир пайтда республикамызда янги ташкил этилган «Ватан» газетаси муҳарририяти бу эҳтиросли шоирани топиб олганини суюнчилаб, ўзининг 1995 йилдаги 2-сониди Д. Ҳамзахўжаеванинг «Эртага бир гўзал саҳар бўлади» деб номланган туркум шеърларини эълон қилди ва ўқувчиларга «гўзал бир шоирани қайтариб бераётган»лигидан мамнунлигини изҳор қилиб, «энди бу галги учрашув самарали бўлажақ, зинҳор-базинҳор ўртага айрилиқ тушмайди» дея умид билдирди. Йўқ, улар адашган экан. Дилбар яна жим бўлиб кетди. Чунки унинг оиласи хийла кўпайган, энди 6 фарзанднинг онаси бўлган Дилбар Ҳамзахўжаева уй-рўзгор ишлари билан тамоман ўралашиб қолганди.

Барибир, Дилбар шоиранинг дилбар шеърлари уни таниган ва тан олган покиза қалбларни тинч қўймасди. Уни қидиришар, рағбатлантиришар, кўмак беришар, руҳини кўтаришарди. 2002 йилнинг сентябрь ойида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби Э. Сиддиқованинг ташаббуси билан Д. Ҳамзахўжаева уюшма аъзолигига қабул қилинди. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг Фарғона Давлат университетидаги катта мажлислар залида бўлиб ўтган кўчма йиғилишида уюшма раиси Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳ. Худойбердиева, У. Азим ва А. Суюн, адабиётшунослар И. Фафуров, Р. Кўчқорлар Дилбар шеърляти тўғрисида илиқ фикрлар айтишди, уни фаолликка ундашди. Ажабмас, тез орада Дилбарнинг китобини кўриш бахтига муяссар бўлсак. Лекин қачон? Бу безовта саволлар ҳанузгача шоира мухлисларининг қалбига тинчлик бермай келаётир.

Қаердасиз, нега жимсиз, Дилбар?!

## ЭЗГУ СЎЗДАН ШОДА ТЕРИБ...

(1951)

Ўқувчи эътиборини қозонишни истаган ижодкор сўзни қадрлайди, уни эъзозлайди, беҳуда исроф қилмайди. Сўз ҳам ўзининг қадрига етган ижодкорига бағрини кенг очади, хазинасини инъом қилади. Бутун ижоди мобайнида эзгу сўз излаб, унинг ҳарорати ва тароватидан мухлисларини баҳраманд қилишга интилаётган шоирларимиздан бири Мақсуда Эргашевadır. У 1951 йилнинг 17 февралда Олтиариқ туманидаги Оқбўйра қишлоғида таваллуд топди.



1958 йилда қишлоғидаги 19-мактабнинг 1-синфида ўқишни бошлаган Мақсуда 8-синфни битиргач, Марғилон педагогика билим юртига ўқишга кирди. 1970 йилда билим юртини тамомлаб, ўзи таълим олган мактабда муаллимлик фаолиятини бошлади. Устозлари билан бир сафда, уларнинг кўмаги билан ўқитувчилик касбининг ҳали англамаган сирларини пухта эгаллашга киришди. Аммо малакаси ошгани сари билим заҳирасининг етишмаслиги сезилиб қоларди.

Мақсуда Эргашева ўрта махсус маълумот билан чекланиб қолишни истамади. У астойдил тайёргарлик кўриб, 1978 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига сирtdан ўқишга кирди. Беш йил мобайнида ҳам ўқиш, ҳам иш, ҳам оила ташвишларини мардона енгиб, мақсадига эришди. Бу йўлда Мақсудага болалигидан доимий йўлдош бўлиб келган шеърят мадад берди. Ўқувчилик йилларида куртак ота бошлаган Мақсуданинг шеърый таланти билим юрти ўқув хоналарида барг ёзди, институтда сархил мевалар туҳфа этди. Билим юртида она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси, шеърят шайдоси Абдукарим Сатторов раҳбарлигидаги тўғарак унга қанот бағишлади. Шоиранинг илк шеърлари вилоят, туман ва Марғилон шаҳар газеталарида тез-тез чоп этила бошланди. Унинг шеърлари айниқса, институтда ўқиб юрган йилларида камолга етди. Республика миқёсида эҳтиросли шоира сифатида танилди.

1983 йили Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган Мақсуда Эргашева ижод масъулиятини янада чуқурроқ

ва жиддий роқ ҳис эта бошлади. 1985 йилда шоиранинг «Баҳорни ахтариб» номли биринчи шеърлар тўплами (хжилиб чиқди. Иккинчи китоби «Эзгу сўз» (1988 йил) чоп этилгандан кейин узоқ йиллар жим бўлиб кетди. Бунинг ҳам ижтимоий, ҳам шахсий-оилавий сабаблари бор. Бу орада унинг айни камолга етган қизи Розияхон иккита жажжи гўдагини онасига қолдириб, оламдан ўтди. Бу айрилиққа чидай олмаган Мақсуданинг соғлиги ёмонлашди. Яхшиямки, унинг дардини олгувчи эзгу сўз-шеърят бор! Шеър ҳар доим дардига ҳамдард бўлиб, ижодкор қалбига нур, руҳига мадад, бағрига малҳам бағишлаган. «Ёшлик» кугубхонаси сериясида кетма-кет чоп этилган «Уйғоқ кунлар» баёзининг 3-китобида шоиранинг ана шундай таъсирчан шеърларидан олтитаси ўрин олган эди.

«Эзгу сўз» китобидан кейин 14 йил ўтиб дунё юзини кўрган «Диёримга кўз тегмасин» деган тўплами Мақсуданинг ана шу дардлари самарасидир. Бу китобдан жой олган шеърлар шаклан ҳам, мазмунан ҳам, жанр жиҳатидан ҳам янгиланган ва кенгайган. Шоира энди ўз қалбида тугён урган ҳис-туйғуларни кўпроқ ғазал, мухаммас жанрида ифодалашга эҳтиёж сезмоқда. Аммо бу борада Мақсуда Эргашевада ҳозирча тажриба ва билим етишмаслиги туфайли баъзи ўринларда вазн сакталиги, айрим сўз маъносининг сунъийлиги каби қусурлар кўзга ташланаётганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Шоирани изтиробга солган мавзулар ранг-баранг. Шулардан бири инсониятни разолат, нотинчлик ва қашшоқлик домига тортувчи урушга нафратдир. «Душман аскарининг беваси айтган алла», «Аскар мактублари», «Кўлтиқтаёқлар», «Нон ҳақида шеър» каби манзумалари ўқувчининг қалбини ларзага солади. Ижодкор дунё ҳодисаларига бефарқ қарай олмайди. Ҳатто дилсизлар отган маломат тошларидан ҳам унинг дили азият чекади, оддий одамларнинг бошини тошларга уриб фарёд чекаётганлигидан кўз ёшлари селоб бўлади:

*Дилсизларнинг қаттол сўзлари,  
Кўзларимга тўлди, тўкилди.  
Экранларда ўқ еган аскар  
Менинг юрагимга йиқилди.*

Яхлит олганда М. Эргашеванинг шеърлари муҳаббатномадек жаранглайди. Ўзининг айтишича, унинг «Юрагида хушрўй ишқ бор». Бу ишқ оддий одамлар, маҳалла-қўй, оила ва фарзандлар, ота-оналару ака-укалар тақдири билан чамбарчас боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам унинг ишқий кўшиқлари баланд пардада

жаранглайди. Шоира шеърларида айниқса, она қиёфаси кўзга яққол ташланади. Аввало, Мақсуданинг ўзи она. Аммо бу мавқега етгунга қадар кўп кўргуликларни кўрди: ота-онасидан эрта ажралди, ота илтифоти-ю она меҳрига зор бўлиб ўсди. Эндиликда бошидан кечираётган ташвишу талофатларни онасига айтиб кўнглини бўшатгиси келади. Афсуски, уни тинглайдиган она қора ер қаърида бошини кўтаролмай ётибди. Она тимсоли бора-бора шоиранинг ижтимоий мулоҳазаларини ташувчи воситага айланди. Бу она фарзандини ухлатайин деб эмас, балки уйғотмоқ учун алла айтади. Зеро, бу парадокс замирида катта ҳақиқат бор: аввало, оналарнинг ўзи доимо уйғоқдир. Аслида боласининг осойишталигини истаган одам уни ухлатиш учун алла айтади, фарзандининг осойишта ҳаёт кечиршини истайди. Бироқ, у ухлаб ётаверса, Ватан тинчлигини, осойишталигини ким сақлайди?

Негаки:

*Фарзандлари ғофил элнинг*

*Иймони ҳам ухлайдир.*

*Ёмғир-қорлар ёғмай ўтар,*

*Осмони ҳам ухлайдир.*

*Боғлар пишмай, ўтлар унмай,*

*Имкони ҳам ухлайдир*

*Сен ухлама, жоним болам*

*Сен ухлама, жон болам.*

*Уйғон болам, уйғон болам,*

*Уйғон болам, жон болам!* .

Бу она агар болалари мустақил юрти Ўзбекистонни кучли, қудратли, халқини эса комил, турмушини фаровон қилишга ярамайдиган бўлса «бошидан рўмолини олиб белига боғламоқ»ликка ҳам тайёр. Илоҳим, шундай кунлар келмасин. Мақсуда Эргашева эса белини маҳкам боғлаб ижод қилишдан толмасин!



## НАЗАРКАРДА АДИБ

(1953)

Ўзбек адабиёти тарихида илк ижодий қадамлари биланоқ устозлар назарига тушган ижодкорлар бармоқ билан санарли. Алишер Навоий 10-12 яшарлигида «ўз замонасининг малик ул-каломи, форсий ва туркийда назири йўқ» бўлган устоз Лутфийдан кўп дуолар олди. Бобур 16-17 ёшларида «туркий тил билан шеър айтишда назири йўқ киши» — ҳазрат Навоийдан илиқ мактуб олган. Эҳтимол, унда устоз Навоий ёш Бобурнинг шеърый салоҳиятига ҳам баҳо бериб, унга оқ йўл тилагандир. Ўзимизнинг замондошларимиздан Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмирзаевлар илк асарлари биланоқ беназир сўз устаси Абдулла Қаҳҳор назарига тушдилар. Қувончлиси шундаки, бизнинг ҳамюртимиз Алишер Ибодинов ҳам ана шундай улуғларнинг назарига тушган адибдир. Бу ҳақда сал кейинроқ. Ҳозир эса...



Алишер Ибодинов 1953 йилнинг 12 декабрида Олтиариқ туманидаги Эскиараб қишлоғида зиёли оилада туғилди. Отаси Умарали Ибодинов (1906-1963) ҳуқуқшунос, журналист бўлиб, кўп йиллар вилоят газетаси ва ҳукумат идораларида раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Онаси Холнисо Охунова уй бекаси, бироқ эртақ айтиш, шеър ўқишга чечан аёл эди. Ана шундай оилада тарбияланган Алишер мактабда астойдил ўқиди ва 1969 йили қишлоғидаги 7-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирди.

— Болалигимдан кўп китоб ўқирдим. Баъзан шеър, ҳикоялар ёзиб турардим, — дейди Алишер. — Кўнгил тубида ёзувчи бўлишдай ҳаммадан яширин, аммо оловли истак гимирларди. 8-синфда ўқиётганимда туман газетаси «Хаёлларда келажаким бор» сарлавҳали бир шеъримни эълон қилган эди». Мана шу оловли истак Фарғона Давлат педагогика институтига етаклаб келди. Аммо «икки йил шу институтга ҳужжат топшириб, икки сафар ҳам иншодан «икки» баҳо олиб йиқилдим. Бўлғуси ҳикоянавис, э, борингки, қиссанависнинг иншодан йиқилиши...» унинг ҳафсаласини совитди.

Энди Алишер ҳаётини бошқача қуришга аҳд қилди. Йигит

киши иродали бўлиши, чиниқиши, ҳаёт қозонида қайнаши керак. Бунинг энг яхши йўли ўша пайтда ҳарбий хизмат эди. Бироқ «Отам мен тўққиз яшарлигимда вафот этган, беш бола етим қолган эдик». Оилада ёлғиз бўлганлиги, бошқа боқувчи йўқлиги (опаси Алишер 10-синфда ўқиётган пайтдаёқ турмушга узатилган эди) унинг ҳарбий хизматга олинishiга монелик қиларди. Алишер онасидан яширинча ҳарбий комиссариатга хизматга юборишини сўраб ариза берди. Ўша пайтда бундай «ватанпарварлар» совет ҳукуматига, комсомол ташкилотларига жуда ёқарди. Бошқаларга бундайлар намуна қилиб кўрсатиларди. Алишер тезда армияга олинди. Омадини қарангки, йигит ўша пайтда энг оғир, муддати узоқ (тўрт йиллик) ҳарбий хизмат ҳисобланган матросликка олинди. Тинч океан флотида оддий матрос бўлиб, «Адмирал Сенявин» крейсерида хизмат қила бошлади.

Аммо кўнгилининг туб-тубида ин қурган, тез-тез ғимирлаб, безовта қилиб турадиган ёзувчи бўлиш истаги унга тинчлик бермас, нималардир ёзгиси, туйғуларини тўққиси келаверарди. Боз устига уч-тўрт ойда бир келадиган почта Алишерга онаси, синглиси ва дўстлари томонидан юборилган нон, мева-чевалар қаторида ўзбекча газета ва журналларни ҳам тухфа қиларди. Шулардан бири «Саодат» журнали бўлиб, ундаги танлов эълон қилинган хабар бўлажак ёзувчи Алишернинг эътиборини тортиди. У ўзбек ишчи аёли образи яратилган энг яхши очерк, ҳикоялар танлови ҳақида эди. Бу хабар матроснинг юрагида анчадан буён кўр босиб ётган чўғни ўт олдирди, «ёзувчилиги тутиб» қолди. Институтга кириш учун тайёргарлик кўриб юрган пайтларида бир электр пайвандчи қиз билан танишиб қолган, у билан бир неча бор суҳбатлашиб, қизнинг ҳаёт йўли, тақдири, касби тўғрисида маълум тасаввурга эга бўлганди. Негадир ҳозир шу қиз ҳақида ёзгиси келаверди. Назарида, шундай қизлар ҳақида ёзилган ҳар қандай асар (у очеркми, ҳикоями, оддий мақолами — барибир) танловда соврин оладигандай туюларди.

Бироқ бундан икки-уч йил аввалги таассуротларни қоғозга тушириш жараёнида унинг бош қаҳрамони сифатида кўзланган «ўша» қиз ўрнига асар марказига ошиқ йигит чиқиб қолди. Энди бу асар (очеркми, ҳикоями — барибир) танлов талабига жавоб бермасди. Шунинг учун уни Алишер таваккал қилиб ўзининг севимли журнали «Гулистон»га юбора қолди. Кейин хизмат тақозоси билан танлов ҳам, ҳикоя ҳам эсидан чиқиб кетди.

«Гулистон» журналида эса бу пайтда ҳар бир хатга, хат ортидаги инсонга бефарқ қарамайдиган, истеъоднинг қадрига етadиган улуғ ёзувчи Асқад Мухтор бош муҳаррир эди. Узоқ Тинч океанида

хизмат қилаётган оддий матроснинг ҳикоясида йилт этган чўғ, туйғуларнинг тиниқлиги, эҳтироснинг жўшқинлиги адибга маъқул бўлди ва дарҳол муаллифга қисқа, лўнда мактуб ёзди:

«Хурматли Алишер ука!

Ҳикоянги олдик. Бизга ёқди. Журналнинг кейинги сонларидан бирида чоп этамиз. Энди Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида денгизчилар ҳаётидан бир очерк ёзиб юборсангиз.

Хизматда ва ижодда муваффақиятлар тилаб: Асқад Мухтор. »

Бу хат ёш ижодкорга қанот бағишлади, Алишер Ибодинов деган ўзига хос ёзувчини адабиётга олиб кирди. Энди унинг мужмал хаёлларига, туманли орзуларига тиниқлик кирди: «Тамом! У албатта ёзувчи бўлади!» Ҳарбий хизматдан бўшагач, уйга ҳам бормай, тўғри Тошкентга келди. Ўзининг ҳаёт йўлини ўзгартирган хат эгаси билан учрашди. Асқад аканинг маслаҳати, адабиётшунос Маҳмуд Саъдий ва бошқа олижаноб инсонлар далдаси ҳамда кўмаги билан Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кирди (1975). Хизматда юрган пайтида унинг иккита ҳикояси бирин-кетин «Гулистон» журналида босилган эди. 1978 йилда эса 3-курс талабаси Алишер Ибодиновнинг «Гулсафсар ҳиди» номли биринчи ҳикоялар тўплами нашр қилинди. 1980 йилда «Оқ, оппоқ булутлар» қиссаси, 1984 йили «Кўёш ҳам олов» номли ҳикоялар тўплами чоп этилди.

Шундай қилиб, Алишер Ибодинов номи адабий жамоатчилик тилига тушди. Устоз Асқад ака ўзи кашф қилган талантнинг ҳар бир қадамни кузатиб борар, унга маслаҳатлар берар, ютугидан беҳад қувонар, шогирдини янада астойдилроқ ижод қилишга ундарди. Алишернинг илк ҳикоялари хассос адиб Одил Ёқубовнинг ҳам назарига тушди. Ёзувчи бундан чорак аср муқаддам ёзган мақоласида «Адабиётимизнинг келажаги»ни Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, Зоҳир Аъламов, Ғаффор Ҳотамовлар қаторида бизнинг Алишер Ибодинов сиймосида ҳам кўрган ва бунда мутлақо адашмаган эди. О. Ёқубовнинг ўша мақолада таъкидлашича, Алишер қаламга олган воқеалар гоят табиийлиги ва ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Устоз ёзувчи Алишер асарларига хос «тиниқ, равон тил» ҳамда уларнинг «ажойиб деталларга бой»лигини алоҳида қайд қилган эди.

Зукко адабиётшунос И. Фафуров ҳам «Алишер Ибодиновнинг бадиий нутқ услубида миллий адабиёт анъаналарига таянаётгани, натижада унинг тили классик услубий анъаналар сари бақувват илдиз отаётганлиги», «Унинг барча ҳикояларида тилнинг структураси бадиий воқеликнинг структурасига тугал монандлиги билан ажралиб» туришини ёш ёзувчининг «Онанинг саман тойи»,

«Кўл бўйида», «Куёш ҳам олов» сингари «ўткир сюжет йўналишига эга...» ҳикоялари мисолида таҳлил қилиб берганди. Чиндан ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида А. Ибодинов тарихий мавзудаги «Куёш ҳам олов» ҳикояси билан У. Норматов, П. Шермухаммедов, Ҳ. Болтабоев сингари таниқли олимларнинг ҳам эътиборини тортди. Чунки ҳикояда ўз юртини жонидан-да ортиқ севган, севгиси туфайли аҳдидан қайтмас баҳодирга айланган, ғоятда кучли иродага эга бўлган ватанпарвар аждодларимиз образини ишонарли яратиб берган эди. Ҳикоя қаҳрамони Алп Тегин тимсолида босқинчиларга қарши ўзига олов ёқиб курашган ота-боболаримизнинг характери ибрат қилиб кўрсатилади. Бу ўша коммунистик мафкура қиличчини яланғочлаб, тарихимизга қирон келтираётган пайтда катта жасорат эди. Бу ҳикоя тез орада инглиз тилига таржима қилиниб, 1982 йилда АҚШда босилиб чиқди. «Гулисафсар ҳиди» тўплами ҳам украин, қозоқ, тожик тилларига таржима қилинди.

Алишер Ибодинов Тошкент адабий муҳитида кун сайин, ой сайин танилиб, оғизга тушиб, камолга етиб бораётган эди. Аммо «...ҳайҳотдек катта ҳовлида онам билан кичик синглим ёлғиз қолишган. Оиладаги якка ўғил бўлганим боис хизматдан қайтгач, синглимни узатиш, хароба ҳолига келган уйимизни ўнглаш, шу ерда янги оила тузиш, ота чироғини ёқиш менинг вазифам эди». Шунинг учун университетни битириб, 1980 йили қишлоғига қайтишга мажбур бўлди. Дастлаб вилоят «Коммуна» газетасида адабий ходим бўлиб ишлади. Ёш журналистнинг топқирлиги, мақолаларининг долзарблиги ва пишиқлиги Республика газеталарининг эътиборини тортди. 1986 йилда республиканинг энг нуфузли газетаси «Совет Ўзбекистони» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») уни ўзининг Фарғона вилояти бўйича доимий мухбири қилиб тайинлади. Алишер ҳанузгача бу вазифани ҳалол ва сидқидилдан бажариб келмоқда.

1992-94 йилларда Олтиариқ туманининг «Давр овози» газетасида муҳаррирлик қилди. 1996 йилдан буён Фарғона вилояти прокуратурасининг муассислигида чиқаётган «Адолат йўли» газетасининг муҳаррири бўлиб ишламоқда.

Ижод эса тўхтаб қолгани йўқ. Устозларининг назари уни доим ишлашга, изланишга ундайди. Бунинг учун у ижод сирларини мукамал эгаллашга киришди. Кўп ўқиди, таржималар қилди. Умр йўлдоши Холидахон Жабборова билан рўзғорни оёққа турғизиб олганларидан кейин астойдил ижод қила бошлади. 1992 йилда «Кўрбоши Мадаминбек» ҳақидаги ҳужжатли қиссасини яратди. Унда XX асрнинг 20-йилларида водийдаги миллий-озодлик кўзғолонининг таниқли лашкарбошиси Мадаминбек фаолиятига

тарихий нуқтаи назардан анча тўғри баҳо берилди. 2000 йилда учта қиссадан иборат «Латофат» дўконидаги қатл» китоби босилиб чиқди. Детектив асарларни соғиниб қолган ўзбек китобхони уни жуда яхши кутиб олди. Нашриётга, ёзувчига бу китобни кўп нусхада қайта нашр қилишни сўраб ўқувчилардан талай хатлар келди. Муаллиф уни қайта тўлдириб, «Бу қаро тун – дунё» деб аталган тўртинчи қиссани ҳам қўшиб, 2002 йилда яна чоп эттирди. 2001 йилда О. Ҳакимов билан ҳамкорликда «Сарҳадларда синалганлар» номли очерклар китобини эълон қилди.

«Қонун ҳимояси» журналида кетма-кет босилган «Қонли панжалар», «Шафқатсиз тоғлар» каби қиссалари, «Зулм базми» деб номланган романи нашриётга топширилди. Ҳозир тарихий мавзудаги «Сўнгги Темурий» романини ёзиб тугатди. Бу асардан айрим парчалар «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ўзбекистон овози», тўласича «Адолат йўли» газетасида босилиб чиқди. А. Ибодинов айни кунларда катта режалар тузиб илҳом билан ижод қилмоқда. Зеро, бундан 30 йил муқаддам ёзилган буюк адиб Асқад Мухторнинг хати унинг бағрига ҳануз илиқлик бахш этиб, йўлини нурлантириб турибди. Биз ҳам улуғларнинг назарига тушган ёзувчимизга шу йўлда ҳормай-толмай узоқ йиллар ижод қилишини тилаб қоламиз.

## УФҚҚА КЎЗ ТИККАН ШОИРА

(1954)

Мабодо, бу аёл билан учрашиб суҳбатлашиб қолгудек бўлсангиз, жиддийлиги, мулоҳазакорлиги, кўп ўйлаб оз сўзлашини кўриб, дастлаб унинг эҳтиросли, кўнгил уфқлари рангин ва кенг шоира эканлигига ишонмайсиз. Кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаганиданми ёки отаси оддий деҳқон Абдурашид аканинг оғир, босиқ табиатидан ўтганми, ишқилиб, сурати салобатли ва ўйчан, сийрати эса туйғуларга бой ва ўта зиддиятли. Шеърлари ҳам шундай: сиртдан оддий ва осойишта кўринади, лекин ҳар бир мисра, ҳар бир сўз остида ўқувчи қалбини ларзага соладиган пўртаналар силсиласи яширинган.



«Ишонч, ирода, садоқат, гурур, эътиқод каби юксак инсоний фазилатларни улуглаш» (А. Орипов)ни ўз ижодининг бош мақсади қилиб олган Энахон Абдурашид қизи Сиддиқова 1954 йил 28 августда Олтиариқ қишлоғининг Кўмирчи маҳалласида туғилди. Отаси «Кетмонининг кафтида ой ботади»ган, «Тонг отади»ган миришкор деҳқон, онаси Жўраҳон ая эса узоқ йиллар қишлоқдаги болалар боғчасида ошпазлик қилган, қўли ҳам, тили ҳам ширин аёл бўлиб, улар уч ўғил, икки қизни ҳалол меҳнатлари билан тарбиялаб вояга етказдилар.

Энахон туман марказидаги иккинчи мактабни олтин медаль билан тамомлади. 1972 йилда Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига қабул қилинди ва 1976 йили бу олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битириб чиқди.

Эсимда: мен номзодлик диссертациямни ҳимоя қилиш ташвишлари билан овора бўлганим учун факультетга камроқ келардим. Келганимда ҳам кўпроқ ҳаваскор қаламкашлар билан учрашар, уларнинг қизиқишлари, ижод намуналари ҳақида суҳбатлашардик. Улар орасида Энахон Эрқабоевнинг шеърлари туйғулар таранглиги ва эҳтирослилиги билан ажралиб турарди. Аммо ўзи табиатан босиқ бўлганлигидан мақтовни кўп ҳам хуш кўрмас, асосан мутолаа билан банд бўларди. Институтни битиргач,

Энахон иш фаолиятини ўзи битирган мактабда ўқитувчиликдан бошлади. Орадан бир йил ўтгач, турмушга чиқди ва Чимёндаги 12-мактабда ишини давом эттирди. Унинг турмуш ўртоғи Муҳаммаджон Сиддиқовнинг касби лойиҳачи - архитектор бўлиб, бу ижодий касб уларни бир-бирига янада яқинлаштирди. Муҳаммаджон 1980 йилда туман ижроия қўмитасига ишга олиниши муносабати билан улар Водилга кўчиб келдилар. Энахон 4-мактабда она тили ва адабиёт фанларидан дарс бера бошлади. Янги ўқитувчининг ишдаги қатъийлиги, атрофидагиларга жиддий ва меҳрибонларча муносабати, билимдонлиги, ғайратли ва камтарлиги туман раҳбарларининг эътиборини тортди. 1985 йилда уни ўша пайтдаги район партия қўмитасининг йўриқчиси лавозимига ишга олдилар. Кўп ўтмай бўлим бошлиғи, кейин мафкура соҳаси бўйича котиб этиб тайинланди.

Бу лавозимлар тугатилгандан кейин Энахон Сиддиқова яна 4-мактабга директор қилиб ўтказилди. Бу ерда 1991-96 йилларда ишлади ва мактабнинг довуғини бутун вилоятга ёйди. 1996 йилда Муҳаммаджон вилоят лойиҳалаш бўлимига ишга чақирилди. Энахон ҳам Фарғонага келди ва 1996-98 йилларда вилоятнинг «Фарғона ҳақиқати» газетасида, 1998-2001 йилларда эса вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар ишлари бўйича бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади.

2001 йил сентябрдан бошлаб Э. Сиддиқова Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилояти бўлимининг масъул котиби бўлиб ишламоқда. Энахон фаолият олиб борган қисқа муддатдаёқ Фарғона адабий муҳитида жиддий жонланиш сезилди. Бу ерда у ҳам раҳбар, ҳам ижодкор сифатида намуна кўрсатяпти.

Энахон ҳам бошқа тенгдошлари қатори ижодга жуда эрта кириб келди. Унинг «Олма», «Овозим» деб аталган илк шеърлари «Гулхан» журналида босилиб чиққанида Энахон 6-синфда ўқир эди. У бадиий адабиётга жуда эрта кўнгил қўйди. Кўшнилари муаллима Руқия опанинг уйи тўла китоб эди. Дугонаси билан ўйнагани уларнинг уйига кирганида кўзини китоблардан узолмасди. Ёш қизчанинг китобга бўлган иштиёқини сезган Руқия опа ҳар куни унга китоб бериб турди ва бу билан бўлажак шоира Энахоннинг ижодига тамал тошини биринчи бўлиб қўйган бўлса ажабмас...

Мактабда она тили ва адабиёти фанларидан дарс берадиган ўқитувчи Жамият Соҳибова ҳам унга устозлик қилганлардан биридир. 5-синфдан бошлаб унинг тўғарагига қатнашган Энахонни Жамият опа катта даргоҳга олиб чиқди. Унинг тавсияси билан бир гуруҳ ўқувчилар туман газетаси ҳузурда шоир Анвар

Обиджон ташкил этган тўғаракка мунтазам қатнай бошладилар. Бу тўғарак аъзоларининг шеърлари нафақат туман, балки вилоят ва республика газеталари саҳифаларида тез-тез эълон қилиб туриларди.

Талабалик йилларида эса Энахон хийла танилиб қолган шоира эди. 1973 йилдаёқ 2-курс талабаси Энахон Эркабоеванинг шеърлари «Саодат» журналида шоира Ойдин Ҳожиеванинг оқ йўли босилиб чиқди. У Тошкентга бир неча марта бориб, мушоираларда иштирок этди ва таниқли шоирлар назарига тушди. Ҳозирги «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 1977 йил 6 март сониди Э. Воҳидов ҳам ўз ҳамқишлоғига илиқ сўзлар билан оқ йўл тилади. Таниқли шоирларнинг эътибори Энахонга қанот бағишлади ва астойдилроқ ижодий изланишга ундади. «Шеъроят-86», «Ёшлар овози», «Гўзал бир дунё», «Наврўз оҳанглари» сингари адабий альманаҳларда унинг талай шеърлари эълон қилинди. 1993 йилда «Чўлпон» нашриёти шоиранинг «Қоракўз турналар» номли биринчи тўпламини босиб чиқарди. Бу тўпламга кирган шеърлари билан Энахон тўғри маънода ҳам, рамзий маънода ҳам ўзининг гўзал шоира эканлигини, ҳатто дардларини ҳам теран нафосат билан ифодалай олиш қобилиятига эга ижодкор бўлиб етишаётганлигини намоён қилди. Орадан тўрт йил ўтиб «Суманбар насим», 2004 йилда эса «Кўнглим уфқлари» китобини нашр эттирди.

«Кўнглим уфқлари» шоиранинг ижодий уфқлари тобора кенгайиб, ранглари тиниқлашиб бораётганлигини кўрсатди. Китобга сўз боши ёзган Ўзбекистон қаҳрамони, халқ шоири А. Орипов таъкидлаганидек, «Энахон куюнчак шоира. Шеърлари самимий. У ўз шеърларида аёл қалбининг туғёнларини, инсон ҳаётининг турли лаҳзаларини қаламга олади. Ватанга муҳаббат, мустақилликка садоқат мавзулари, озод ва обод юрт манзараларини бир қаламқаш сифатида гурур билан куйлайди.»

Дарҳақиқат, Э. Сиддиқовани ҳозирги ўзбек аёлининг қисмати кўпроқ қизиқтиради. Бу жиҳатдан мавзу ва мазмунига кўра тўрт бўлимдан иборат китобнинг «Аҳли аёлингни асрагил» деб аталган қисми характерлидар. Унда «Мен сенга бош эгдим, азизам аёл», «Қишлоқ аёли», «Бола эмизаётган аёл», «Аҳли аёлингни асрагил» каби шеърлари муаллифнинг дардли изтироблари ҳосиласи тарзида жаранглайди.

Шуниси муҳимки, бу изтироблар тушкун кайфиятда берилмайди. Лирик қаҳрамон – шоира ўз тенгдошини курашга, ўзлигини англашга, жамият унинг яшаши, меҳнат қилиши учун яратиб бераётган имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват



этади, қисматини гуллатмоқ, шонга буркамоқ ўз қўлида эканлигини уқтиради. Зеро:

*Тўмарис шаҳди бор амирларида,  
Алпомишлар ухлар томирларида,  
Ватаннинг бўйи бор бағирларида  
Аҳли аёлингни асрагил, элим*

*Аёл қалбидадир хўрлик дарахти,  
Тўқсон икки томирида ЭРК ёди,  
Аёл кўтаргуси буюк миллатни,  
Аҳли аёлингни асрагил, элим...*

Бу жиҳатдан Энахон устоз шоиримиз Зулфиянинг аёлларга муносабатини янги босқичга кўтаргандек туюлади.

Э. Сиддиқова дoston ва ҳикоя жанрларида ҳам муваффақиятли қалам тебратмоқда. Шоиранинг «Суманбар насим» тўпламидан ўрин олган «Водил чинори» дostonидан ташқари «Ойдин» газетасида эълон қилинган «Олтин бешик», ёзиб тугалланган «Шоҳимардон» дostonлари, «Саодат» журнали ҳамда газеталарда босилиб чиққан ўнга яқин ҳикоялари ва «Сирли тун фарёди» (Т., 2004) номли тўплами унинг насрда ҳам яхши иқтидори борлигидан дарак беради. Ҳозир Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли рафиқаси Сароймулкхонимга бағишланган лиро-эпик асар устида ишляпти. Муаллифнинг айтишича, аёл зотининг шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги ўрни ҳамда роли, зоҳирий ва ботиний туйғу ва тугёнлари, руҳий кечинмалари ҳамда дардларини ана шу образ вужудига сингдиришни орзу қилган.

Э. Сиддиқова ижодий ва ижтимоий ҳаётдаги фаолияти учун 2003 йилда ҳукуратимиз томонидан «Дўстлик» ордени билан тақдирланди.

## МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

(1955)



Мақсуда Эгамбердиева 1955 йилнинг 4 март куни Данғара туманига қарашли Бахши қишлоғида хизматчи оиласида туғилди. Қишлоқ Кўқон шаҳри билан туташ, шунинг учун кўпчилик ёшлар ва катталар шаҳарга қатнаб ўқишар, ишлашарди. Мақсудахон ҳам бир неча синфдошлари билан шаҳардаги 15-мактабга қатнаб ўқиди. Шу боисдан бўлса керак, шоиранинг «Гулбарг», «Мактуб» номли шеъррий тўпламлари ҳамда баёзларда берилган маълумотларда «Мақсуда Эгамбердиева Кўқонда туғилган» деб кўрсатилади.

1972 йилда Тошкент Давлат университетининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирган Мақсуда уни битириб қишлоғига қайтди ва тўрт йил мактабда ўқитувчилик қилди. Кейин 1981 йилда Кўқон шаҳридаги вилоят адабиёт музейига илмий ходим бўлиб ўтди. Бу ерда бир неча йил ишлаган Мақсуда кўпроқ бадиий ижоди билан танилди. Шунинг учун уни вилоят «Коммуна» (ҳозирги «Фарғона ҳақиқати») газетасига ишга таклиф қилишди. Бу даргоҳда унинг ижоди янада камолга етди. М. Эгамбердиева бир неча йил вилоят ҳокимлигида ҳам хизмат қилди. Ҳозир у Кўқон шаҳридаги политехника касб-хунар коллежида ёш авлодга она тили ва адабиёт фанларидан сабоқ бериб келяпти.

«Саккиз ёшимдан шеър ёза бошлаганман, — деб ёзади у бизга тақдим этган ўзи ҳақидаги маълумотномада. — Илк шеърларим 1965 йилдан матбуотда босила бошлаган. Ўқувчилик йилларимда «Гулхан» журналида ва «Тонг юлдузи» газетасида босилган шеърларим учун муҳарририят мукофотларига сазовор бўлганман. 1969 йилдаёқ (7-синфда ўқирдим) республикада ўтказилган ижодкор ўқувчилар семинарида фахрли ўринни эгалладим.» Унинг шеърларини илк бора кўриб бериб, рағбатлантирган ва ҳар доим

қўллаб-қувватлаган биринчи устози – гарчи ўзи техника соҳаси бўйича мутахассис бўлса-да, адабиётнинг катта билимдони ва ихлосманди ҳисобланган тоғаси Маҳмудхон Мухторов эди.

Ўқувчилик йилларидаёқ хийла танилиб қолган Мақсуда Эгамбердиева ижоди талабалик даврида янада пишди. 1972 йилдан бошлаб «Гулистон», «Саодат», «Шарқ юлдузи», «Ёшлик» журналлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» («Ўзбекистон маданияти» деб аталарди), «Ёш ленинчи» (ҳозирги «Туркистон»)газеталарида унинг шеърлари узлуксиз босилиб турди. 1976 йили эса Ф. Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Ёшлик баёзи»да Мақсуданинг 22 та шеъри босилди. Бу пайтда М. Эгамбердиева «Хаёлан орзулар осмонида» сайр қилиб «ерда не ғамлар» борлигини унутиб юрган ёшгина талаба қиз эди. Орадан кўп ўтмай, 1978 йилда ана шу шоира қизнинг илк китоби «Гулбарг» босилиб чиқди.

М. Эгамбердиеванинг шу тўпламидан ўрин олган «Сўқмоқ» сарлавҳали шеъри унинг ижодий интилиши ва камолотини белгилаш учун характерлидир. Шеърда ўзининг бахмалдай юмшоқ майса билан қопланган сўқмоғидан овозини баралла қўйиб, қуйлаб бораётган хаёлпараст лирик қаҳрамоннинг катта йўл ҳақидаги орзуси гўзал ва таъсирчан ифодаланган. Ниҳоят:

*Катта йўлга чиқиб олдим,  
Қоқила бошладим катта йўлда ётган  
Қадамларнинг изларига.  
Товушлар, шодликларнинг, аламларнинг,  
Гурурларнинг, кулгуларнинг, орзуларнинг,  
Афсусларнинг изларига...*

Демак, ижоднинг катта йўлида енгиб ўтиш зарур бўлган қийинчиликлар шоиранинг зиммасига алоҳида масъулият юклайди. У ўзидан олдин ўтган табаррук изларнинг оҳу-нолаларини, шодлигу қувончларини қалбига жо этиб янгича оҳанг ва бўёқларда давом эттириши лозим. 1980 йилда нашр этилган «Мактуб», 1985 йили босилган «Насиба» тўпламларида ана шу юксак масъулият ҳиссининг яхши самаралари кўзга яққол ташланади. Ижодининг бу босқичида М. Эгамбердиева нафис ва сўлим шеърлари билан инсоннинг латиф туйғуларини гараннум этди. Унинг шеърлари мазмунининг тифизлиги, шаклининг

ихчамлиги, оҳангининг майинлиги, рангларининг қуюқлиги билан эътиборни тортади.

Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева таъкидлаганидек, «Мақсуда сўзларга янги урғу, янги маъно беришга, шеърий манзаралар яратишга интилади, табиатни нозик тасвирлаб бера олади. » Чунки Мақсуданинг ўзи тан олганидек:

*Табиатнинг ўзи шоирдир бугун,  
Ёлғиз унга қулоқ солгим келади.  
Табиатнинг ўзи шоирдир бугун  
Шеърларин кўчириб олгим келади.*

Ижоддаги ана шу фаоллиги учун Мақсуда Эгамбердиева 1982 йилда Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олинди. Энди ижод масъулияти янада кучайди. Шоира ўзининг шахсий кечинмаларини ижтимоий ҳодисалар силсиласига сингдиришга уринди. Унинг Ватан, халқ, инсонийлик улуғланган тиниқ ва эҳтиросли мисраларида майсалар нафасини, гуллар ҳидини, шамоллар товушини, ёмғир шивирини тинглаш, ҳис этиш мумкин.

М. Эгамбердиева кейинги йилларда кўпроқ болалар учун шеърлар, дostonлар, эртақлар яратмоқда. Бундай ижод йўналишини унинг ўқитувчилик касби ҳам тақозо этапти. Натижада 2002 йилда шоира «Она бўрининг хийласи» номли янги эртақлар тўплами, 2004 йилда «Ақлсиз сичқонча» деб аталган эртақлар ва шеърлар тўпламини нашр эттирди. Ижод масъулиятини чуқур ҳис этиб келажакка интилаётган шоирамиз Мақсуданинг мақсади рўёбга чиқаверсин!

## ХУВАЙДОНИНГ УЙФОҚ РУҲИ

(1955)



Фуломжонни топиш қийин бўлмади. Уйидагилар мактабда дейишди. «Ҳа, энди янги директор, мансаб столи ширин кўриниб, хонасида ишлаб ўтиргандир-да», дея ҳазил-хузул билан 36-мактабга бордик. Қоровул чиқиб, уни мактабга фойдаланиш учун берилган янги бинога кетганлигини айтди. Ўша ёққа жўнадик. Бир пайтлар пишиқ гиштдан қурилган икки қаватли бинода иш қизғин экан. Қурувчиларнинг бир нечтаси томда шифер қоқиш билан банд. Қолганлари сувоқ, оқлаш билан овора. Кенг ҳовлида қум, шағал, гишт, тахта, ёғоч уйилиб ётибди. Ҳамма ишляпти. Директор эса шоирона тарзда бинолар ўртасига тўкилган янги қумда белигача кўмилиб, бошига чорси ёпиб олиб, баҳорнинг илиқ офтобиде олиган қумда оғриқ оёқларини даволаётган экан. Биз ҳазил-мутойиба билан қумга тушишга бироз кеч қолганлигини, январ-феврал ойларида тушиш (аслида август ойида тушиш керак-ку!) «фойдалироқ» бўлишини айтиб, қумдан чиқариб олдик. Фуломжон алпанг-талпанг қадам босиб, «Ие, қаранг, юряпман! Оғриқ йўқ. Ҳали қадам босишим ҳам қийин эди» деб суюнди. Биз ҳам унинг қувончига шерик бўлиб, мактабга қайтдик. Директорнинг торгина, кўримсизгина хонасида суҳбатни бошладик.

Фуломжон Иброҳимжон ўғли Фатҳиддинов 1955 йилнинг 25 декабрида Риштон туманидаги Воҳим қишлоғида ҳам эскича, ҳам янгича илмдан боҳабар оилада туғилди. Унинг боболари Фатҳиддин эшон, Шаҳобиддин эшонлар бообрў руҳонийлар бўлиб, шажаралари ҳазрат Хувайдога бориб боғланади. Фуломжон Хувайдо ҳазратларининг еттинчи авлоди ҳисобланар экан.

Қишлоғидаги 36-мактабни 1972 йилда битириб, Фуломжон Тошкентга ўқишга жўнади. Ўқувчилик пайтидаёқ туман газетасида жуда кўп мақолалари билан «танилиб» қолган йигитча «катта ёзувчи» бўлиш орзусида Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ҳужжат топширди. Бироқ кундузги бўлимга киролмади. Кейин кечки бўлимга имтиҳон топширди ва қабул қилинди. Қайтага яхши бўлди, ота-онасига оғири тушмай,

кундузи ишлаб, кечқурун ўқийди. Ишни Тошкент полиграфия комбинатининг 3-босмахонасида ҳарф терувчиликдан бошлади. 1974-75 йилларда Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясида ишлади. 1975 йил охирида ҳарбий хизматга қақирилди. Хизматдан қайтиб икки йил Тошкент метрополитенида курувчи бўлиб ишлади. 1979-81 йилларда эса Ўзбекистон республикаси кино санъати музейида илмий ходим бўлиб хизмат қилди. Шу йили ўқишни ҳам тамомлади.

Энди уни қишлоқда ота-онаси, оиласи, болалари кутиб турарди. Қишлоққа қайтиб, туман газетасида иш бошлади. Аммо 9 йиллик шаҳар ҳаёти, пойтахтдаги қизғин адабий муҳит, ўрганиб қолган ёр-биродарлар, сабоғини олган устозлар меҳри, қизғин мушоираю ижодий суҳбатлар уни ўзига тортарди. Чунки Фуломжон Тошкентда умидли шоир сифатида танилиб қолганди. Унинг «Ҳайкалтарош» деб аталган биринчи шеъри республика матбуотида 1975 йили босилиб чиққандан буён жуда кўп газеталар, журналлар, баёзларда талай шеърлари нашр қилинган эди. 1977 йилдан бошлаб узлуксиз чиқа бошлаган «Ёшлик» альманахининг 1, 9, 12-жилдларида Ф. Фатҳиддиннинг кўплаб шеърлари босилди.

Шоир ана шу ижодий муваффақиятларини изчил давом эттириш ниятида 1983 йили яна Тошкентга йўл олди. Пойтахт ўзининг ўн йиллик қадрдони, хийла танилиб қолган шоир Фулом Фатҳиддинни кучоқ очиб кутиб олди. Уни республика радиосининг чет эл эшиттиришлари бўлимига муҳаррир қилиб ишга олдилар. Аммо оиласи Тошкентга кўчиб келишга унамади. Бу ерда тайёр уй ҳам йўқ эди. Шоир икки йилгача ижарада, дўст биродарлари уйида яшаб юрди. Охири бўлмади. Тагин қишлоққа қайтди. Мана, 1985 йилдан буён у маориф соҳасида ишлаб келяпти. Ёш авлодга она тили ва адабиёт, одобнома фанларидан сабоқ берапти. Ижоди билан намуна бўляпти ва ҳавасманд қаламкашларга ижод сирларини ўргатапти.

Фулом Фатҳиддиннинг «Хиргойи» номли биринчи шеърий тўплами 1990 йилда ўқувчилар қўлига тегди. Унга кирган шеърларининг кўпчилиги шоир таржимаи ҳолининг кўзгуси тарзида дунёга келган. Уларда ижодкорнинг ёшлик нигоҳи билан қишлоқда кўрган дилбар манзаралари, бағри кенг одамлар, Тошкентдек шаҳри азимда яшаш жойи ахтариб кўчама-кўча юрган йигитчанинг кайфияти, айни чоғда «улкан бу шаҳарга сиғмаган» лирик қаҳрамоннинг армонлари ўз ифодасини топган. Ушбу тўплам муаллифнинг ўзига хос баланд овозда кўшиқ айта олиш қобилияти борлигини кўрсатди.

*Кўзларида зилол жилғаси,  
Жилғасида нурлар жилваси,  
Елкасида осмон гумбази,  
Булутларга теккан гавдаси —  
Тоғлар менинг қўшиғим...*

дея орзу қилган Ф. Фатҳиддин 1992 йили нашр қилинган «Истақлар чечаги» китобида ниятига етди, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро унда «эрк ва озодлик истаган руҳ» ҳамда «уммонга талпинган туйғу»нинг гўзал зиддиятлари, изтиробли нолалари жаранглайди.

Шоир «Шеъроят»га мурожаат қилиб:

*Меҳмонинг эмасман ёки ҳавасманд,*

*Бағрингда курашиб яшамоқчиман.*

*Ҳгона ҳақаминг — дилга бўйсуниб...*

дер экан, бу аҳд-паймони аналда исботлаш учун ҳар бир шеърининг «бир интиқомий милтиқ» бўлишини истайди ва бу қуроли билан «қора ниятли инсон»ларни нишонга олганлигини яширмайди. Энди шоир балад пардада қўшиқ (хиргойи эмас!) куйлар экан, унинг товушига:

*Тўрт фасл соҳиби Ернинг*

*Қайғу, севинчлари*

*Бошига тушган ишқи савдоси бор.*

*Менинг айқаш-уйқаш кўчаларим,*

*Ҳайратим бешиги — тўлқинли далалар,*

*Хуллас, Ватан кенгликлари сингиган.*

Ф. Фатҳиддиннинг шеърларини юраги айтиб туради. Улкан адабиётшунос Иброҳим Фафуров ёзганидек: «Шеърларингиздан тоза ҳаво — ҳаётнинг асл нафаси келгандай бўлди. Сизга шеър — гўзал сўз бахти доимо ёр бўлғай!» Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи эса Фуломжон шеърлари «ҳар бир сатри таранг, ўткир. Улар шоир маънавий дунёсининг кескин ҳаракатида, фикр ва ҳиссиётининг шиддатли бирлигида намоён бўлади. Сўзни ҳис қилиш иқтидори кучли» эканлигини алоҳида таъкидлайди. Уйлаймизки, бу фазилатлар Ф. Фатҳиддин ижодида тобора яққолроқ намоён бўлаверади.

## БАҲОДИРНИНГ БАҲОСИ

(1956)

Устознинг баҳосини шогирдлари, раҳбарнинг баҳосини жамоаси, ҳақиқий шоирнинг баҳосини эса унинг ўқувчилари беради. Устоз шогирдларига нисбатан қаттиққўл, талабчан ва раҳмдил, раҳбар қўл остидагиларга меҳрибон ва мурувватли, шоирнинг ўқувчига муҳаббатли, ижодга масъулиятли, ёзган асарларининг тақдирига куюнчак бўлгани яхши. Бўлмаса, устоз кутган натижаларга эришолмайди, раҳбарнинг мавқеи тушиб кетади, шоирнинг ёзганлари изсиз қолаверади. Талантли шоиримиз



Баҳодир Исо тўғрисида ўйлаганимда ана шу уч нисбат хаёлимга келаверади.

Баҳодир Исо – эҳтиросли шоир, меҳрибон дўст, муҳаббатли инсон, гамхўр оила бошлиғи, қўли гул rassом. Хуллас, қўлидан кўп ишлар келади. Лекин ўз шеърлари тақдирига, ўзининг ижодий аъмолига анчагина бепарво. Ёзганларини матбуотда чоп эттиришга, уларни китоб шаклида нашр қилишга ҳафсаласи йўқ. Гўё бунинг учун бошқалар ҳаракат қилиши керакдек. Яхшики, Баҳодирнинг ишқибозлари, мухлислари кўп: бири шеърларини газетага тавсия қилади, бошқаси қўшиқ қилиб куйлайди ва шоирнинг номини машхур қилиб юборади. Уни қўллаб-қувватлайдиган дўстлари ҳам саноқсиз. Аммо... шоир-да, уларга боғланиб қолишни истамайди. Ижодкор сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам эркин бўлишни хоҳлайди. Бу шоирлик қисмати дир.

Ваҳоланки дўстлари, мухлислари Баҳодир Исодан кўп нарса кутишяпти. У эса майда-чуйда ишлар билан овора бўлиб юрибди. Вақт ҳам, умр ҳам ўтяпти. Ёши эликка етиб қолди. Баҳодир 1956 йил 24 октябрда Риштон туманидаги Дутир қишлоғида ўқитувчи оиласида тугилди. Отаси Сирожиддин Исомов кўп йиллар масъул лавозимларда ишлаган. Қишлоғидаги 30-ўрта мактабда директорлик қилган. Баҳодир ана шу мактабни 1973 йилда битириб, Фарғона Давлат педагогика институтининг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга



кирди. Институтни тамомлагач, шу мактабда ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Кейин армия хизматига чақирилди. Солдатлик даври (1978-80) андижонлик шоир Муҳаммад Юсуф билан бирга ўтди. Улар гўё ким ўзарга шеърлар ёзишарди. Ҳарбий хизматда Баҳодирнинг рассомлик салоҳияти ҳам намоён бўлди. У турли шиорлар ёзиш билан вақтини ўтказар, ижод қилишга шароит етарли эди. Хизматдан қайтгач, рассомлик қилишга берилиб кетди. Риштон бадиий кулолчилик буюмлари заводидан рассом вазифасида ишлаб бошлади. Лаган ва кўзаларга турли шакллар ва портретлар чизиб анча кўзга кўриниб қолди. У ўзбек лаганига чизган улуг зотларнинг портретлари Франциягача етиб борди. Даромад ҳам шунга яраша эди. Шунинг учун Баҳодир бадиий ижоддан ҳам кўра кўпроқ мусаввирликка берилиб кетди. Уйининг ёнидаги майдонда урушга кетиб ҳалок бўлган ва бедарак йўқолган ҳамқишлоқлари хотирасига муҳаббатли ҳайкал ўрнатишга киришди. Ҳеч кимдан ёрдам кутмади. Ҳамма керакли материалларни ўз пулига сотиб олди. Бу ҳақда бир неча бор газетага ҳам ёзишди. Гарчи қурилиш охирига етмаган бўлса-да, бу иншоот ҳозир бутун қишлоққа кўрк бағишлаб турибди.

1992 йили заводдан бўшаб етти йилгача ижод қилиш, рассомлик ва ҳайкалтарошлик билан шуғулланди. Бу ишлари учун унга ҳеч ким ҳақ тўлагани йўқ. Оиласи кўпайиб, болалари ўсиб, эҳтиёжи кучайди. Алоҳида ҳовли-жой қуришга киришди. Жуда қийналди, лекин шикоят қилмади. Дардини шеърларига тўқди. Рангларга сингдирди. Ҳамқишлоқлари бу камтар, камсуқум, фидойи, ҳалол инсонни 1999 йилда маҳалла фуқаролар йигинининг раислигига сайладилар. Бу вазифада 2004 йил апрель ойигача ҳалол ишлаб, қишлоқ аҳлининг дуосини олди.

Аслида биринчи шеъри «Пахта учун» газетасида 1970 йили босилган. Ўшанда 7-синфда ўқир эди. Талабалик йилларида унинг ижоди камолга етди. Вилоят ва республика матбуотида тез-тез кўрина бошлади. Тошкентдан профессор Лазизхон Қаюмов, Фарғонадан Йўлдош Сулаймонов Баҳодир Исонинг ижоди билан қизиқиб қолишди, уни марказий шаҳарларга ишга таклиф қилишди, қўллаб-қувватлашга ваъда беришди. Дастлаб Баҳодир Исонинг бир туркум шеърлари «Ёшлик» альманахининг 1977 йилдаги иккинчи китобида нашр қилинди. Уларда шоирнинг дадиллиги, келажакдан умидворлиги рамзий тимсоллар орқали таъсирчан ва ишонарли тасвирланганди. Бу хусусият айниқса, «Қиз

тушмагур-ей!», «Жилға», «Полапон», «Мен урушни кўрмаганман» каби шеърларида аниқ кўринди.

*Тошга тегиб, синиб-синиб*

*жилға оқар.*

*Қанча тўсиқ, қанча азоб*

*йўлларида.*

*Йўл-йўлакай тош тўшига*

*майса тақар.*

*Хув олдаги дарё яшар*

*йўларида...*

Бу жилға Баҳодир Исонинг ўзидир. У улкан ижод дарёсига етиш йўлларини кунт билан узоқ излади. Бу йўлда шоир «мен шеър ёзсам ҳар сатрим юрагимдан кўчирай» деб қасам ичди. «Нонтопди ижод учун керакмас дўст тираги» дея ўзини тиклашга, мустақил яшаш ва фикрлашга уринди. Сиз мени ҳозир мақтаманг, «ҳар қанча мақтовни эшитсин, майли, ўлганимдан кейин шеърларим» деб ният қилди ва «шоир бўлсанг Баҳодир айтган сўз – шеърда яша» дея ижодга масъулият билан ёндашди. Ичидаги душманларини енгишга интилди, ҳар қачон, ҳар қаердан «Баҳодир Исони англайди ким деб Одамлар ичидан одам излади».

Ҳозирги кунларда ўзининг айтишича, яна «ижодий таътил»да илҳом билан ишлаяпти. Илоҳим, айтгани рост бўлсин! Негаки, унинг мухлислари Баҳодирнинг шеърларини соғиниб қолишди.

Ниҳоят, 1988 йилда шоирнинг илк тўплами «Хайрли тун» босилиб чиқди. Баҳодирни англайдиган, унинг инжа шеърларини соғиниб қолган мухлислари учун бу китобча катта тухфа бўлди. Мана, 16 йилдирки, шу ихчамгина китобнинг тафти билан яшаб келяпмиз. Шоир эса жим бўлиб кетди. Уни излайдиган, қўллаб-қувватлайдиганлар жим туришмади, шоир ва олим дўсти С. Мўминов матбуотда «Қаердасан, Баҳодир?» деб жар солди. 2002 йилнинг сентябрь ойида Баҳодир Исо Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасига аъзо қилиб олинди. Бироқ бу масъулиятли имтиёз ҳам унга туртки бермади. Вилоят ёзувчилар уюшмасининг масъул котиби Э. Сиддиқова Баҳодирга шеърларини тўплаб келтириб беришни айтивериб чарчади. «Фарғона» нашриёти ҳам бажони дил ёрдамга тайёрлигини билдирди. Ниҳоят, шоир 2005 йили янги тўплам чиқарди: «Одамлар ичидан одам изладим». Ҳа, Баҳодирнинг бахтига «Яхшилар бор яхшиям!» Ҳаракатда – баракат, дейдилар. Нима дедингиз, Баҳодир?!

## ЯНГИ ТЎЛҚИНЛАР СИЛСИЛАСИ

Ҳар қандай халқ адабиётида шеърят проза ва драматургияга қараганда олдинги ўринда ривожланиб келган. Бунинг сабаби шеърнинг ҳиссиёт фарзанди сифатида ҳеч қутилмаган бир пайтда, оний лаҳзаларда туғилишидир. Бошқа турга оид асарлар ақл ва ҳиссиёт қоришмасидан, узлуксиз ўйлаш ва изланишлардан сўнг яратилади. Аммо ҳис-туйғунинг ҳам фақат ўзинга тегишлиси, бошқаларга айтиб бўлмайдигани, айтилса уят туюладиганлари бўлади. Умуминсоний туйғулар, ҳислар кўпчиликни ўзига мафтун этади, унда ўз дардини кўради. Бундай умумодабий қадриятлардан ўзбек адабиётининг таркибий қисми ҳисобланган Фарғона адабиёти ҳам холи эмас.

Ўтган асрнинг 40-йилларидан кейинги 60 йил мобайнида Фарғона адабиётига бир-бирига ўхшамаган тўрт хил гуруҳдаги қаламкашлар авлоди кириб келди ва адабиёт ривожига ўзига хос из қолдирди. Бу ижодкорлар ўз салафларининг яхши анъаналарини покиза сақлаб, бойитиш ва астойдил ўзлаштиришни кўзлаб ижод қилдилар. И. Содиқов, Чархий, Ш. Тошматов, А. Ҳамдам сингари таниқли адиблар тамал тошини қўйган Фарғона адабиётини 60-йилларда А. Муқимов, М. Умаров, О. Ҳакимов, Й. Сулаймонов, М. Мирзаева каби оташнафас ижодкорларнинг иккинчи тўлқини янги босқичга кўтарган бўлса, А. Ибодинов, М. Эргашева, Э. Сиддиқова, И. Маҳмуд, Ў. Омонов, А. Юнусов, К. Жўра, М. Деҳқон қизи мансуб бўлган учинчи тўлқин вакиллари адабиётга янада янги руҳ ва оҳанг олиб кирдилар.

XX асрнинг 80-йилларида Фарғона адабиётига бир гуруҳ таланти ёшлар гуриллаб кириб келди. Бу пайтда республикада ёш ижодкорларга эътибор бирмунча кучайган, деярли ҳар йили турли номлар билан вилоятларда яшаб ижод қилаётган талай қаламкашларнинг ҳар хил жанрдаги асарларини ўз ичига олган альманахлар, баёзлар нашр қилинарди. Бундай имконият шубҳасиз, фарғоналик ижодкорларнинг илҳомини жўшдирарди. Эсимда, 70-йиллардан то 90-йилларгача узлуксиз чиқариб

турилган «Ёшлик» (12 китоб), «Ёшлар овози» (3 та китоб), «Чашма» (2 та китоб), «Сен учун ёниб» (3 та тўплам), «Олтин беланчак» (5 хил серияда), «Биллур жилғалар» сингари тўпламларнинг ҳар бирида фарғоналик қаламкашларнинг салмоғи алоҳида кўзга ташланиб турарди. Масалан, биргина «Биллур жилғалар» мажмуасида (1985) шеър ва ҳикоялари чоп қилинган 38 ижодкорнинг 14 нафари Фарғона адабиётининг вакиллари эканлиги қувончлидир. Сўнги долғали ўн йилликда бадиий уммонга қўшилган тўртинчи тўлқин ўзининг шиддати ва зарблари билан алоҳида ажралиб турибди. Ушбу тўлқиннинг олдинги сафларида Эргаш Абдуллаев (Бешариқ), Мутал Қодир, Муҳаббат Иброҳим қизи, Нурхон Раимова, Маъмура Абдурахимова, Абдулла Содик (Фарғона шаҳридан), Мавлуда Авазова, Мўътабар Фуломова, Аъзам Исмоил (Фарғона тумани), Зуҳра Алиева (Кува), Карима Ашурова (Боғдод) кабилар бораётирлар. Уларнинг аксарияти камида битта китоб чиқариб, ўқувчиларга хийла танилиб қолган ижодкорлардир.

Шуниси муҳимки, бу тўлқинга мансуб ижодкорларнинг ҳар бири ўзига ҳос овози, оҳанги ва услуби билан эътиборни тортади. Масалан, ижоднинг муқаддас даргоҳига:

*Ёнмайман дейман-да, ёнаман яна,*

*Ёзмайман дейман-да, ёзаман яна.*

*Қувончу ғамимни гоҳ қона-қона,*

*Ифода этаман мунис бир байтда.*

деган қатъий бир ният билан кириб келган ва бутун ижоди учун «эзгуликни кўнгилнинг энг ноёб мулки» сифатида эъозлаган миндонлик М. Авазова тўғри маънода ҳам, рамзий маънода ҳам ўзининг «Туғилиш» деб номланган (Т., 1992) тўплами билан мухлислар кўнглини ром этди. Бу шоира ўз шеърларида «жаннатга монанд» юрти Фарғонани, «тер тўкиб нонини тишлаётган» ҳамқишлоқларини меҳр билан тараннум этса, ҳамқишлоғи М. Фуломова дугонасидан фарқли ўлароқ Фарғона шеърлятига шаклланган дард, мунис бир оҳанг, вазмин бир руҳият ва ўзига ҳос миллий теранлик олиб кирди. Шоиранинг «Суйганим сенмасмидинг?» деб аталган тўплами (Т., 1993)дан ўрин олган шеърлари фалсафий мушоҳаданинг чуқурлиги ҳамда образли ифодаланиши билан ажралиб туради.

1986 йилдаёқ «Имконият» деб аталган шеърый тўплами билан

этиборни тортган Эргашали Абдуллаев ижодида майин лиризм, замондош қалбини ва атроф муҳитни теран ҳис этиш ҳамда ички туйғуларни гўзал ва таъсирчан мисраларда ифодалай олиш фазилати яққол сезилади. Шоир кўпроқ «Имоннинг бутлиги, мардликка айланган виждон ҳақида» ёзишни истади. Шунингдек М. Иброҳимованинг «Гул арзи» (Т., 1993), «Бу ёлгон дунёнинг ёлгон фиғони»ни рост сўзлари билан даволашни ният қилиб қуюнчақлик билан дардли шеърлар битаётган Аъзам Исмоил (Бўтаев)нинг «Ойга айтдим сиримни» (Т., 1993) тўплamlари ҳам ўқувчиларга маъқул бўлди.

XXI аср том маънода ёшлар асри бўлиб қолаётганлиги Фарғона ижодкорлари мисолида ҳам аниқ кўринмоқда. Сўнги беш-олти йил ичида иқтисодий қийинчиликларга қарамай Омонжон Ҳошимовнинг «Сиз – Таваккалсиз» (1998), «Омонлик баёзи» (2000), Шоҳ Санамнинг (Санъат Комилова) «Сиз битта жаҳонсиз» (Фарғона, 1998), Зокиржон Фозилнинг «Меҳмон бўлди тушимда онам» (Фарғона, 2000), Зумрад Ваҳобованинг «Оқ ёмғир» (Т., 2001), А. Содиқнинг «Пок сирлар булоғи» (Т., 2002), Асадулло Солиҳнинг «Фурсат» (Фарғона, 2003), Азизанинг «Бир гул тарихи» (Фарғона, 2003) каби китоблари босилиб чиқди. Булар орасида айниқса З. Ваҳобова билан А. Содиқлар ижодини алоҳида кўрсатгим келди.

Зумрад ўзининг «Юрак иншоси, дилгир, оташин сатрлари» (О. Ҳожиева) билан ёш ижодкорларнинг Зомин семинарида назарга тушди ва 2000 йилда биринчи ўринни эгаллади. Зумрад шеърларида метафора жуда кучли, ҳар бир нарсада у инсонга хос фазилат ҳамда иллатларни кўради ва тасвирлай олади. Унинг учун шамол шунчаки эсмайди, балки «шамоллар ўғирлаб қўяр илинжни». Агар «Турналар баҳорнинг хур армонлари» сифатида келсалар, аксинча «баҳор – турналарнинг ЭРКА армони» бўлиб кутиб олади. Ҳозир республика Олий адабиёт курсини тамомлаган З. Ваҳобова келажакда бундан-да чиройли шеърлар ёзишига ишонамиз.

Адабиётшунос Р. Қўчқор топиб ёзганидек, А. Содиқ «ўта камсуқум, майда гаплардан йироқ одам бўлиб, ўзи билан ўзи олишиб юриши фақат кўзларидан»гина эмас, балки шеърларидан ҳам аён бўлиб туради. Чунки у ташқи ҳаётда кўрган-кечирган зиддиятли ҳис-туйғуларини ички бир дард билан мисраларга

гўкишга уринади. Абдулла ўз шеърларида кўпроқ оддий инсонга хос орзулар, армон ва изтироблар тўғрисида ёзади. У ўзининг «Сўз десам қонимда ювиб сўнг дейман, Сўзни бундан ортиқ суйиб бўлмайди» деган ижодий аҳдига содиқ қолиб, шеърлар яратаётган шоирдир. Фақат унга ёзаётган шеърларида кўнглидаги ҳамма гапни тўкаверишдан ўзини тийишни, ўқувчисига фикрлаш учун ҳам нимадир қолдириш зарурлигини англаш истаги билан ёзишни маслаҳат берган бўлардим. Шеър иложи борича ихчам, фикр лўнда бўлгани маъқул.

Айни чоғда вилоятнинг учта йирик шахри ва уч тумани марказида ижодкорлар тўгараги қизгин фаолият кўрсатаётир. Вилоят ёзувчилар уюшмаси қошида ташкил этилган «Олтин қалам» тўгарагида Фарғона шаҳридаги олий ўқув юртлари, коллеж, лицей ҳамда мактабларда таълим олаётган кўплаб ҳаваскорлар умид қаламини чархлашмоқда. Айниқса, бу тўгарак ўзагини Фарғона Давлат университетининг талабалари ва шаҳар мактаби ўқувчилари ташкил этаётганлиги қувончлидир. Улар орасидан Ирода Иброҳимова, Шафоат Отажонова, Муҳаммад Иброҳимов, Наргиза Охунова, Назира Мақсудова, Асқарали Мамажонов сингари иқтидорли ёшлар устозлар умидини оқлашга уринмоқдалар. Негаки, улар олий билим даргоҳида самарали ижоди билан тилга тушиб қолган Маҳмуджон Абдуллаев, Орифжон Умаржонов, Сиддиқ Мўмин каби ижодкор муаллимлардан, тўгаракда эса О. Ҳакимов, М. Мирзаева, Э. Сиддиқова сингари тажрибали шоирлардан сабоқ оляптилар. Шу тўгаракда қаламини чархлаб, парвозга шайланган истеъдолли шоира Н. Охунова 2005 йилда Зулфия номидаги республика Давлат мукофотига сазовор бўлди. Унинг «Кўнглим» шеърый тўплами босмадан чиқди.

Амирий ва Нодири бегимлар бошлаб берган. Муқимий билан Фурқатлар давом эттирган, Абдулла Қаҳҳору Усмон Носирларни учирма қилган Қўқон адабий муҳити ҳозирги пайтда Анвар Юнусов, Комил Жўра, Ҳабиб Саидгани атрофида ўнлаб ҳаваскорларни уюштирган ҳолда асрий анъаналарни давом эттирмоқда. Ижод ёш танламайди деган иборанинг ростлигини Қўқон адабий тўгараги аъзолари мисолида кўриш мумкин. Ҳозир қўқонлик қаламкашлар орасидан ёши 60 дан ошган бўлса-да, ижодда навқирон мавсумни-бошидан кечираётган Рашидхон

Шукуров билан Ильмер Назаровни, эндигина 17 ёшни қаршилаётган ва «Ёзувчи» нашриётида «Баҳорим, келақол» тўпламини 14 ёшидаёқ чоп эттирган Рахшонани таъкидлагим келади. Шуниси муҳимки, Рашидхоннинг шеърларида кексаларга хос донолик, ўйчанлик, ҳаёт тажрибасидан сузиб олинган хулосаларнинг мулойимлиги, қуюқлиги эътиборни тортса, Рахшона шеърларида ўсмирлик мавсумига хос оловли шиддат, оҳангнинг ўйноқчилиги ва фикрнинг бироз ғўрлиги сезилиб туради. Бу албатта, ўткинчи ҳодиса бўлиб, кўпчилик қаламкашларни четлаб ўтмаган. Ўйлаймизки, Рахшона ортиқча мақтовларнинг қули бўлмайди ва ижодда ўзининг йўлини топа олади.

Кўқон адабий муҳитининг Рахшона сингари истеъдодли шоирлар ҳисобига бойиб бораётганлиги қувончли ҳолдир. Яйпанлик Ёрқин Ой (Ёрқиной Умарова), Фариди (Фарида Умаралиева) каби ёшларнинг «Қалбим кўнғироғи», «Орзуларим» тўпламлари кўпчиликнинг эътиборини тортди. Уларнинг келажагидан умидимиз катта.

Кекса шоир И. Назаров шеърларида ҳам фалсафий мушоҳада кучли. У жуда кўп ўқийди. Айниқса, ўзбек мумтоз адабиётининг Лутфий, Навоий, Бобур каби шоирлари ижоди И. Назаров учун туганмас хазинадир. Шоирнинг 2003 йили Тошкентда нашр этилган «Избранная лирика» тўпламидаги шеърларида ана шу улуғ хазинадан олган дурдоналар таъсири сезилиб туради. Ҳозир И. Назаров Навоий ғазаллари, рубойи ва қитъаларини рус тилига таржима қилиш билан шуғулланмоқда. Бу ижодий ихлоснинг дастлабки самараси сифатида А. Навоийнинг «Арбаин» асаридаги шеърий ҳадисларидан қилинган таржима китоби 2003 йили «Фарғона» нашриёти томонидан босиб чиқарилди.

Ҳозирги пайтда Боғдод туманида К. Ашурова, Риштон туманида Ғ. Фатҳиддин, Қува туманида З. Алиева, Марғилон шаҳрида И. Маҳмудлар раҳбарлик қилаётган тўғарақларда ҳам умидли қаламкашлар етишиб чиқаётганлиги гоёя қувончлидир. Хусусан, булар орасида Жаҳон отин Увайсий қизлари уюшган тўғарақ фаолияти тўғрисида тўхталмай ўтиб бўлмайди. Чунки ўзларини улуғ шоира издошлари деб билган бу ёшлар қалам билан дўстлашишни вақтинчалик орзу-ҳавас деб эмас, балки устозлари И. Маҳмуд ўргатганидек, дил эҳтиёжи деб

билмоқдалар. Ҳозир бу ерда сабоқ олаётган 20 дан зиёд йигит-қизлар завқ билан ижод қилишяпти. Ўтган йили уларнинг «Мустақиллик фарзандиман» деб аталган шеърлар мажмуаси эълон қилинди. И. Маҳмуд ўз шогирдларини О. Ҳожиева, И. Фафуров, Т. Малик каби таниқли ижодкорлар билан тез-тез учраштириб турибди. Бу тадбир ҳавасмандлар парвозига янада рағбат бағишламоқда.

Зухра Алиева ҳам ўзи муҳаррирлик қилаётган туман газетаси қошида ташкил қилган тўгарак аъзоларининг ижодий самарадорлиги ва иштиёқини оширишнинг турли йўллариини изламоқда. У тўгарак аъзоларига сабоқ бериш учун кўп йиллар Тошкентда ишлаган ва ҳозир Қувада яшаётган таниқли журналист ва адиблар Санъатхон билан Бекмирза Маҳмудовларни таклиф этган. Аввало, Зухранинг ўзи бадиий ижодда намуна кўрсатяпти. Унинг ёзганлари кўнгул ноласи, кундалик турмушда рўй бераётган қувончу изтиробларнинг акс-содоси тарзида намоён бўлмоқда. Шоиранинг ҳар бир шеъри оҳангдорлиги, мазмуннинг залворли юки билан ўқувчи эҳтиросини кўзғотади. Айни кунларда З. Алиеванинг илк китоби босилиб чиқди.

Кейинги йилларда Фарғона адабиётида проза ҳам шеърият билан бемалол беллаша оладиган босқичга кўтарилди. Бу соҳада дуруст машқ қилаётганлар қаторида Нурхон Раимова, Мутал Қодир, Маъмура Абдураҳимова, қўқонлик Носир Зоҳидларни алоҳида тилга олиш ўринлидир. Н. Раимова билан М. Қодир ўтган асрнинг 80-йилларидаёқ «Ёшлик» ва «Чашма» альманахларида ўз ҳикоя ва қиссалари билан фаол қатнаша бошлаган эдилар. М. Қодир кейинги йилларда янада фаоллашиб, изкуварлик мавзусида бир неча қиссалар яратди.

М. Абдураҳимованинг аёл қалбини чуқур тадқиқ қилишга бағишланган лирик йўналишдаги ҳикоялари ўқувчиларда яхши таассурот қолдирмоқда. Хусусан, адибанинг «Чўлпон» нашриёти томонидан 2000 йилда нашр этилган «Истиқлол умидлари» баёзининг биринчи китобига киритилган «Гул япроғидаги исм», «Бешикдаги бек болам», «Беқасам тўнлар кийиб» сарлавҳали ҳикоялари лирик таъсирчанлиги ва образларнинг қабариклиги билан эътиборни тортади.

Н. Зоҳид ҳам ўтиш даврида ўзлигини англай олмай ўткинчи



хою ҳавасларга берилиб, маишат ва нафс гузоғига илинган кимсаларнинг фожеасини талқин қилишга уриняпти. Шу жиҳатдан унинг «Шарқ» нашриётида босилган «Йигит йиғламасин дунёда» ва «Қасос» номли қиссалари ибратлидир.

Хуллас, Фарғона адабиётининг оёққа тургани ва далил одим отаётганлиги дилни қувонтиради. Аммо бу унинг том маънода мукамал эканлигидан дарак бермайди. Ҳали бадиий адабиётнинг барча тур ва жанрлари Фарғонада яхши ривожланган, дейишга асосимиз йўқ. Айниқса, драмтургия соҳасида мутлақо мақтана олмаймиз. Сўнгги 5-6 йил ичида О. Ҳакимов, С. Одилов, И. Турсунов каби таниқли қаламкашларнинг асарларидан бошқа биронта маҳаллий драматургнинг асари саҳналаштирилганлигини эслай олмаймиз.

Фарғона адабиёти ҳозир айни кучга тўлган, ҳосилга кирган даврини бошидан кечирмоқда. Бу адабий муҳитда ижодий ишни иймону эътиқод белгиси деб билган ижодкорлар кўпчиликни ташкил этади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Фарғона адабиёти янада бойийди ва юксакликка кўтарилади.

Адабий-бадий нашр

Йўлдош СОЛИЖОНОВ

**ФАРФОНА АДИБЛАРИ**  
*Адабий портретлар*

Мухаррир – Х. Дўсматов  
Оригинал макет – У. Жабборов  
Мусаххих – Т. Акбарова  
Матн терувчи – А. Қаюмов

Теришга 08.09.2005 й.да берилди. 10.11.2005 й.да  
босишга рухсат этилди. Ҳажми 7,75 б.т. Қоғоз бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ ,  
Times Uzb гарнитураси. Кегль 11. Адади 1000 дона. Буюртма № 54.

«ФАРФОНА» нашриёти.  
712014, Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 28.

«ФАРФОНА» нашриётининг компьютер марказида тайёрланиб,  
«Фарғона Полиграф-Сервис» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Фарғона шаҳри, С. Темур кўчаси, 45.